

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

38-сон
(798)
2017 йил
25 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1027. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПФ–5189-сон Фармони
1029. «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3271-сон қарори
1031. «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги ПҚ–3274-сон қарори

1032. «Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва «Астрономия ва аэронавтика» боғини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги ПҚ–3275-сон қарори
1033. «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ–3276-сон қарори

Учинчи бўлим

1036. «Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимлари томонидан жиноятларни тергов қилиш ҳамда фош этиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 727-сон қарори
1037. «Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори
1038. «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси хузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 729-сон қарори
1039. «Наманган шаҳрида замонавий маданият ва истироҳат боғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 сентябрдаги 730-сон қарори
1040. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3160-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 сентябрдаги 731-сон қарори
1042. «Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спортчи лавозимини жорий этиш ҳамда уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 733-сон қарори
1043. «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 734-сон қарори

1044. «Вазирлар Маҳкамасининг «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида» 2017 йил 10 майдаги 266-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 735-сон қарори
1045. «Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 736-сон қарори
1046. «Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг моддий-техника базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 737-сон қарори
1047. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Давлат консерваториясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 августдаги ПҚ–3243-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 738-сон қарори
1048. «Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 739-сон қарори
1049. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 740-сон қарори
1050. «Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 741-сон қарори
1051. «Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 742-сон қарори
1052. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғри-

- сида» 2017 йил 18 майдаги ПФ–5044-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 майдаги ПҚ–2972-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 743-сон қарори
1053. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарори
1054. «Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 745-сон қарори
1055. «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилишнинг янги концепциясини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 746-сон қарори
1056. «Хорижий оммавий ахборот воситалари ва туризм соҳаси ташкилотлари вакиллари учун Ўзбекистонда ахборот турларини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 сентябрдаги 747-сон қарори
1057. «Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон қарори
1058. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олмалиқ КМК» АЖнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ–3280-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 749-сон қарори
1059. «Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқларни тўлаш тартибини такомиллаштириш, шунингдек Жиззах вилояти маҳаллий бюджетининг даромад қисмини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 751-сон қарори

Бешинчи бўлим

1060. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 14 ав-

густдаги 2017-43-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказилган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475-3*)

1061. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2017 йил 21 августдаги 65-сон «Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолик масофаларини ўлчаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2931*)

1063. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 4 сентябрдаги 128-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шаклларини ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-3*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 16 сентябрдан 22 сентябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****1027 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонлари ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 12 сентябрь,
ПФ–5189-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги
ПФ–5189-сонли Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланадиган айрим фармонлари
РЎЙҲАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисобкитоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 12 майдаги ПФ–1154-сонли Фармони 4-банди учинчи хатбоши.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўлов интизомини ва

ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 24 январдаги ПФ–1363-сонли Фармонининг 1-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 2 октябрдаги ПФ–2084-сонли Фармони 3-банди ва 2-илоvasи 10-банди иккинчи хатбоши.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 мартдаги ПФ–2564-сонли Фармонининг 1-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 27 июндаги ПФ–5095-сонли Фармони 4-банди еттинчи хатбоши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

1029 Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она-Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда тегишли ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш, ташкилий-амалий ишларни замон талаблари асосида олиб бориш, бу масалага кенг жамоатчиликни жалб этиш бўйича кейинги пайтда бирмунча ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг кўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китоблар-

ни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ноширлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, юртимизда соғлом рақобатга асосланган босма ва электрон китоблар бозорини шакллантиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда улкан аҳамиятга эга бўлган ана шундай муҳим вазифаларни комплекс ҳал қилиш, китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда кўзда тутилган қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилсин:

китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

китоб маҳсулотлари бўйича давлат буюртмасининг асосий йўналишларини шакллантириш, адабий-бадий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмали адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ихтисослаштирилган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш;

жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш, уларни зарур нусхаларда юксак сифат билан нашр этиш ва молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чораларини белгилаш;

ахборот-кутубхона фаолиятини кучайтириш, таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, кутубхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг «Маънавият хоналари»ни ўқув-услубий, техник адабиётлар, адабий-бадий, маърифий ва илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

нашриётлар ва матбаа соҳаси мутахассисларини, бадий ва техник муҳаррирлар, графикачи рассомлар, ахборот-кутубхона ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги илмий-техник, адабий-бадий ва энциклопедик адабиётларни янада кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларидаги барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш ва ундан бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида туриб фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этиш чоралари тўғрисида тадбирлар режаси лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш;

мамлакатимизда интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берадиган eReader электрон ўқув қурилмаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларнинг ахборот базасига умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий, илмий-назарий манбаларни жойлаштириш, бундай махсулотларни арзон нархларда сотиб олиш механизмларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мазмунан саёз, миллий маънавият ва кадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш;

китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида «Энг китобхон мактаб», «Энг китобхон маҳалла», «Энг китобхон оила», «Энг фаол кутубхоначи» каби кўриктанловларнинг саралаш ва республика босқичларини юқори савияда ўтказишни йўлга қўйиш.

2. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

дастурда кўрсатилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳар бир шаҳар ва туманда китоб савдосига ихтисослаштирилган дўконларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектларининг текин фойдаланиш учун берилишини таъминлайди;

савдо айланмасида китоб сотиш улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларининг алоҳида статистик ҳисоби юритилади ва улар 2020 йил 1 январга қадар ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига шу йўналишда мунтазам равишда махсус кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар тайёрлаш ва эълон қилиш тавсия этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларига китоб савдосига ихтисослаштирилган замонавий дўконлар, шунингдек, нашриёт ва матбаа корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш ҳамда янги китоб дўконларини куриш учун Марказий банкнинг йиллик қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган фоизларда имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда: қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 сентябрь,
ПҚ-3271-сон

**Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини
ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
I. Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга йўналтирилган норматив -ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик китобларни, айниқса болалар адабиётларини чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш				
1.	Янги таҳрирдаги «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2018 йил март	Матбуот ва ахборот агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	Янги таҳрирдаги «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси. Лойиҳада нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; китоб маҳсулотлари чоп этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ шакл ва механизмларини белгилаш; ижтимоий аҳамиятга молик адабиётларга грантлар ажратиш, ноширлар ва адибларни молиявий рағбатлантириш; болалар адабиётига ихтисослаштирилган нашриётларга молиявий имтиёزلарни кафолатлаш назарда тутилади.
2.	Болалар адабиётига ихтисослашган нашриётларга молиявий имтиёزلар бериш, моддий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.	2018 йил март	Матбуот ва ахборот агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси. Болалар адабиётига ихтисослаштирилган нашриётларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисидаги чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади. Болалар адабиётини нашр қилишга ихтисослаштирилган нашриётларни аниқлаш мезонлари белгиланади ва уларни моддий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилади.
II. Китоб маҳсулотлари умумий буюртмасини шакллантириш, чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, их тисослаштирилган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш				
3.	Аҳолининг илмий-маърифий, бадий, энциклопедик ва болалар адабиётларига бўлган талабини қондириш мақсадида мамлака-	2017 йил сентябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» НМАК, «Ўзбекистон почтаси» АЖ, нашриётлар	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Аҳолининг китоб маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда қулайлик яратилади ва чоп этиладиган

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
	тимиз нашриётларида мавжуд китобларнинг электрон каталогини яратиш ва тизимли равишда янгилаб бориш.			китобларни нашриётлардан худудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва уларни почта орқали китобхонларга етказиб бериш тизими жорий этилади.
4.	Аҳоли, айниқса ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал савиясини ўстириш, маънавий оламини бойитишга оид илмий-маърифий, бадиий адабиётлар (жумладан, электрон шаклда) бўйича умумий буюртмалар рўйхатини шакллантирувчи экспертлар гуруҳини тузиш.	2017 йил октябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ёзувчилар уюшмаси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Интеллектуал мулк агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Экспертлар гуруҳи низоми тасдиқланади. Унда ижтимоий сўровлар ёрдамида ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал савиясини ўстиришга оид адабиётлар бўйича умумий буюртмалар рўйхатини шакллантириш, нашриётларнинг мавзу режаларига тегишли таклифлар тайёрлаш, ташкилот ва муассасаларнинг «Маънавият хоналари», кутубхона ва таълим муассасаларини ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган адабиётлар билан бойитиш борасида хулосалар тайёрланади.
5.	Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш, уларни кўп нусхада юксак сифат билан нашр этиш ва молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш чораларини белгилаш.	2018 йил март	Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Интеллектуал мулк агентлиги	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Лойиҳада жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилишга давлат буюртмалари бериш тизимини йўлга қўйиш, мамлакатда китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш, китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмлари ишлаб чиқилади.
6.	Ноширлик-матбаа, ахборот-кутубхона соҳаларига оид давлат стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш.	Ҳар йили режа асосида	«Ўзстандарт» агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги	Соҳада тегишли стандартларни такомиллаштириш бўйича йиллик иш режалари. Ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона соҳаларига оид давлат стандартларини халқаро стандарт нормалари асосида такомиллаштириш орқали сифатли китоб маҳсулотларини тайёрлашга ҳамда уларни хорижий мамлакатларга экспорт қилишга эришилади.
7.	Мазмунан саёз, ахлоқ меъёрлари, миллий маънавият ва қадриятларимизга мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш.	Йил давомида	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Қорақалпоғистон Республикаси	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Нашриётлар фаолияти бўйича мониторинг ишлари олиб борилади ҳамда уларни хатловдан ўтказиш, ноқонуний матбаа ва ноширлик фаолияти билан шугулланувчи хўжалик субъектларини аниқлаш орқали уларга нисбатан қонун доирасида тегишли чоралар кўрилади.

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
			Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	
8.	Республика китоб дўконлари фаолиятини рағбатлантириш чораларини амалга ошириш.	2017 йил октябрь — декабрдан бошлаб ҳар йили	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	Ижрочиларнинг қўшма қарори. «Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда — замонавий китоб дўкони» акцияси доирасида «Намунали китоб дўкони» республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш. Китоб дўконлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига намунали хизмат кўрсатиш сифати оширилади ҳамда жамиятда китобнинг ўрни ва аҳамияти кенг тарғиб этилади.
III. Ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш, ахборот-ресурс марказлари ҳамда таълим муассасаларини ўқув адабиётлари, бадий, маърифий, дунёқарашни кенгайтирадиган илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш				
9.	Таълим муассасалари, ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фонди, кутубхоналар учун бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга йўналтирилган адабиётларни харид қилиш бўйича зарур бўлган молиявий манбаларни аниқлаш ва улар ҳисобидан ушбу муассасаларни китоблар билан таъминлаш чораларини кўриш.	2017 йил сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази	Таълим муассасалари, ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фонди, кутубхоналарини бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган адабиётлар билан таъминлаш тартиби ва меъёрлари тўғрисида низом лойиҳасини ҳамда адабиётларни босқичма-босқич етказиб бериш жадвали ишлаб чиқилади. Таълим ва маданият муассасалари учун адабиётлар харид қилиш тизимини такомиллаштиришга эришилади.
10.	Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ҳамда жаҳон адабиётининг буюк бадий намуналарининг аудио вариантларини яратиш, сотувга чиқариш ҳамда Интернет тармоғига жойлаштириш, энг сара асарларнинг Интернет тармоғидаги ягона электрон базасини яратиш ҳамда уларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш масалаларини ўрганиш ва аниқ амалий таклифлар тайёрлаш.	2017 йил ноябрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, нашриётлар	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини китоб тарзида чоп этиш ва уларнинг электрон вариантларини кенг китобхонларга тақдим этиш, глобал Интернет тармоғи, жумладан, ижтимоий тармоқларда тарқатиш орқали ёш авлодни адабиётга меҳр-муҳаббат, миллий ғоя ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда китобнинг аҳамиятини оширишга эришилади.
11.	Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги илмий-техник, бадий ва энциклопедик адабиётларни янада кўпайтириш чораларини кўриш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш.	2018 йил февраль	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси	Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни. Лотин алифбосида олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун илмий-техник адабиётлар, шунингдек, 12 жилддан иборат «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг тўлдирилган нашрини, ҳар йили қўшимча равишда «Энциклопедия йилнома»сини чоп этиш йўлга қўйилади.

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
12.	Ўзбекистонда электрон ўқув қурилмалари (eReader)ни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларга умумтаълим мактаблари дарсликлари ва касб-хунар коллежлари, академик лицейлар учун ўқув адабиётларини жойлаштириш, уларни имтиёзли нархларда сотиб олиш механизмини ташкил қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2018 йил май	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги	Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни. Электрон ўқув қурилмалари (eReader)ни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва амалиётга жорий этиш масалалари акс этади. Электрон ўқув қурилмаларини амалиётга жорий этиш орқали умумтаълим мактабларида дарсликларнинг етишмаслиги муаммоси ҳал этилади ҳамда қоғозни тежаш ва уни импорт қилиш ҳажмини камайтиришга эришилади.
13.	Қўлёзма ва китобларни тақриз қилиш, нашриётларнинг мавзу режаларини ишлаб чиқишда Ёзувчилар уюшмаси қошидаги бадий кенгашлар билан нашриётларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш.	2017 йил сентябрь	Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Сермазмун ва бадий жиҳатдан юқори савиядаги адабиётлар нашр этилишига кўмаклашиш, барча жанрлардаги адабий-бадий ҳамда публицистик асарларнинг бадий етуқлигини таъминлаш, умуминсоний қадриятларга, ижтимоий мезонларга тўғри келмайдиган китоблар нашр этилишининг олдини олишга эришилади.
14.	Мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона муассасаларига ёшларни фаол жалб этиш борасидаги тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. Ахборот-кутубхона муассасаларида «Китобхонлар клуби»ни ташкил этиш.	2017 йил сентябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Мунтазам равишда фаолият кўрсатадиган китоб кўргазмалари, ёшлар билан суҳбатлар, янги нашрлар тақдиротларини ташкил этиш орқали аҳолини жаҳон адабиётининг таржима қилинган энг яхши намуналари билан таништириш, ахборот маданияти ва замонавий муталаа маданиятини ва фикрлаш савиясини янада ошириш мақсадида ижтимоий фаол ёшларни кўнгиллилар ҳаракатига жалб этиш, кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида турли танловлар ўтказиш масалалари қамраб олинади.
15.	Ахборот-кутубхона муассасаларини Республика, маҳаллий вақтли нашрлари, бадий адабиётлар билан доимий тўлдириб бориш борасида республика нашриётлари ҳамкорлигини такомиллаштириш.	2017 йил сентябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Ахборот-кутубхона муассасалари фондларини таъминлашнинг марказлаштирилган тизимини ташкил этиш борасида кутубхона коллектори билан ишлаш бўйича марказлаштирилган ахборот тизими такомиллашади ва нашриётлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.
16.	Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларидаги барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш ва ундан бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида туриб фойдаланишни таъминлаш.	2018 йил ноябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ахборот-кутубхона марказлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Лойиҳани амалга ошириш орқали аҳоли ва китобхонлар учун барча турдаги ахборот-кутубхона ресурслари, уларнинг жойлашган ўрни тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, шу билан бирга, электрон ахборот-кутубхона ресурсларидан исталган жойда туриб фойдаланиш учун шароитлар яратилади.

Т/р	Чора-гадбирлар	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми, қўйилган натижа
17.	Қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этиш чоралари тўғрисида тадбирлар режаси лойиҳасини тайёрлаш.	2017 йил ноябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ахборот-кутубхона марказлари, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни. Туман марказларидан узоқда жойлашган аҳолининг китобга бўлган талабини қондириш мақсадида бадий, илмий, маърифий китоблар билан таъминланган ва замонавий электрон ускуналар билан жиҳозланган «Библиобус»лар ташкил этган ҳолда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.
18.	Тошкент шаҳридаги «Билим», Тошкент вилоятидаги «Турон» ахборот-кутубхона марказлари учун янги бино ажратиш ҳамда Самарқанд, Андижон, Хоразм ахборот-кутубхона муассасалари биноларини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2018 йил февраль	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Хоразм вилоятлари ҳокимликлари	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. Аҳолига кутубхона хизматини кўрсатиш сифатини оширишга эришилади ҳамда фондлардаги ресурсларни тегишли тарзда сақлаш учун шароитлар яратилади.
19.	Жамоат жойларида QR-кодлар ёрдамида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон китоблари тўғрисидаги маълумотларни махсус таблоларда жойлаштириш ва уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш ва ўқиш имкониятини яратиш.	2018 йил ноябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» АК, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Жамоат жойларида, вокзаллар ва аэропортларнинг кутиш залларида, автобус бекатларида QR-кодлар (штрих кодлар) ёпиштирилган кутубхона таблоларини жойлаштириш орқали ёшларнинг китобларни замонавий мобил қурилмаларида ўқиши ва электрон нусхаларини юклаб олиши учун имкон яратилади.
20.	Электрон турдаги ахборот-кутубхона ресурсларини кўпайтириш ва улардан Интернет тармоғи орқали фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш.	2018 йил июль	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги	Ижрочиларнинг қўшма қарори. «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳаси бўйича яратиладиган электрон нусхалар ҳамда мультимедиа маҳсулотларидан масофадан туриб фойдаланиш учун шароитлар яратилади.
21.	«Infolib Uzbekistan» миллий ахборот-кутубхона ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказиш.	2017 йил ноябрь-декабрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги	Ижрочиларнинг қўшма қарори. Ҳафталик доирасида турли мавзуларда онлайн конференциялар ташкил этиш орқали аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг кутубхона хизматларидан фойдаланиш кўникмалари шакллантирилади.
22.	Таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этилган ўзбек ва чет эл адабларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб, хрестоматия адабиётлари рўйхатларини қайта кўриб чиқиш.	2017 йил август-сентябрь	Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Оила» илмий-амалий маркази, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи	Ижрочилар вакилларида иборат комиссиянинг иш режаси. Таълим муассасалари ўқувчиларига тавсия этилган адабиётлар қайта хатловдан ўтказилади. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, синфдан ташқари ўқиши учун адабиётларнинг янгиланган рўйхати бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
IV. Ноширлар, матбаачилар, ахборот-кутубхона ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш				
23.	Ахборот-кутубхона кадрлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тадбирларини ишлаб чиқиш.	2017 йил сентябрь	Маданият вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунаар таълими маркази	Ижрочиларнинг тадбирлар режаси. «Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси» номинацияси учун миллий касбий танловни ташкил этиш, ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида сайёр ўқув семинарларини ташкил қилиш, етакчи миллий, жумладан, чет эл кутубхоналарида малака оширишни ташкил этиш тадбирлари назарда тутилади.
24.	Ноширлар ва матбаа ходимлари малакасини ошириш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.	2017 йил сентябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази	Ижрочиларнинг қўшма қарори ва дастури. Касбий малака ва кўникмаларни оширишнинг қисқа ўқув курсларини ташкил этиш, миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда давра суҳбатлари, семинар ва конференциялар ўтказиш, ўқув қўлланмалари яратиш орқали ношир ва матбаа ходимларининг малакаси оширилади. Чоп этилаётган китоб маҳсулотлари сифати яхшиланади.
25.	Ноширлар ва матбаачиларни рағбатлантириш чораларини белгилаш.	Ҳар йили	Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи	«Ёшларнинг энг сеvimли китоби», «Йилнинг энг яхши китоби» каби республика кўрик-танловларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан ижрочиларнинг қўшма қарори.
V. Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ва тизимли ташкил этиш				
26.	Аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва адабий меросни кенг тарғиб қилиш, муаллиф ва ноширларни маънавий рағбатлантиришга қаратилган чораларни белгилаш.	Ҳар йили май, сентябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни. «Ёшларнинг маънавий оламини шакллантиришда кутубхоналар ўрни», «Ўзбек миллий-маданий меросини тарғиб этишда кутубхоналарнинг ўрни» мавзуларида илмий-амалий анжуманлар, «Китоб байрами», «Болалар китоби» республика фестивали, «Ёшларнинг энг сеvimли китоби», «Йилнинг энг яхши китоби» республика кўриктанловларини ўтказиш ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофотининг адабиёт йўналиши бўйича совриндорларининг ижод намуналарини тарғиб қилиш.
27.	Мамлакатимиздаги етакчи адабий-бадий, ижтимоий-маърифий даврий босма нашрларда миллий мумтоз ва замонавий адабиётимиз намуналарини кенг тарғиб қилишни тизимли амалга ошириш.	Доимий	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Китоб дунёси», «Шарқ зиёси», «Оила даврасида» газеталари,	Марказий нашриётларда чоп этилган янги нашрлар билан таништириш, улар ҳақида ёзувчилар, адабий танқидчилар ва китобхонларнинг фикр-мулоҳазаларини ёритиб бориш орқали аҳолида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшилади.

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
			«Шарқ юлдузи», «Тафаккур», «Маънавий ҳаёт», «Ёшлик» журналлари	«Маънавият ва миллий қадриятлар тарғиботида адиб ва ношир масъулияти ҳамда китобнинг ўрни» мавзусида туркум мақолалар эълон қилиб борилади.
28.	«Маданият ва маърифат» телеканалда китобхонлик, китоб ўқиш ва китоб мутолааси маданиятини ошириш ҳамда янги нашрдан чиққан бадиий адабиётлар муҳокамасига йўналтирилган ток-шоу ташкил этиш.	Мунтазам	Миллий телерадиокомпания, Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Шарқ» НМАК	Ижрочиларнинг қўшма медиа-режаси. Ток-шоуларда аҳолининг китобхонлик, китоб ўқиш маданиятини ошириш, шунингдек бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий ҳамда тарихий китоблар ва маънавий-бадиий жиҳатдан юксак савиядаги адабиётларнинг аҳоли ўртасида кенг тарғиботи йўлга қўйилади.
29.	Электрон оммавий ахборот воситаларида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш ҳамда бу китобларнинг тарғибот-ташвиқотини олиб боришни изчил йўлга қўйиш.	Доимий	Электрон оммавий воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, «Шарқ» НМАК	Ижрочиларнинг қўшма медиа-режаси. Турли мавзуларга оид совринли интеллектуал телевикториналар орқали ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган адабиётлар тарғиботи тизимли йўлга қўйилади ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга берилаётган эътибор жамоатчиликка етказилади.
30.	Таълим, ахборот кутубхона муассасалари, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш.	Доимий	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Маҳалла» фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи	Ижрочиларнинг қўшма қарори билан тасдиқланадиган амалий режа. Республика таълим муассасалари ва ахборот-ресурс марказларида «Ёшлар дунёсида китобнинг ўрни» тадбирлар режасига мувофиқ халқимизнинг маънавий мулкига айланган китоблар тарғиботи, ёшларнинг бир-бирига китоб совға қилишларини кенг оммалаштириш, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича муҳокама олиб борилади.
31.	Мактабгача ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг мутолаа маданияти ва китобхонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш.	Доимий	Халқ таълими вазирлиги, «Оила» илмий-амалий маркази, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи	Ижрочиларнинг қўшма қарори ва амалий режаси. «Китобим — офтобим» тадбирлар режасига мувофиқ болаларнинг китоб мутолааси кўникмаларини шакллантириш, ота-оналарга фарзандларининг китоб ўқишга меҳр қўйишга доир тавсиялар бериб борилади.
32.	Мактабгача ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг мутолаа маданияти ва китобхонлик кўникмаларини шакллантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.	2017 йил сентябрь	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика таълим маркази, Республика болалар кутубхонаси	Ижрочиларнинг чора-тадбирлар режаси. Тарбиячи ва ўқитувчилар учун методик тавсиялар ишлаб чиқилади ва семинар-тренинглар ўтказиб борилади.

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро мuddати	Ижро учун масъуллар	Амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа
33.	Маҳалла фуқаролар йиғинларида кутубхоналар (китоблар бурчаги) ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш.	2017 йил октябрь	«Маҳалла» фонди, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази	Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни. Маҳалла фуқаролар йиғинларида кутубхоналар (китоблар бурчаги)ни ташкил этиш ва улар фаолиятини юритиш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.
34.	Таълим муассасаларида ўқув жараёнига мутолаа қилинган асарлар асосида иншо ёзиш тизимини жорий этиш, адабиёт тўғрракларини ташкил этиш ва фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини қайта кўриб чиқиш.	2017 йил сентябрь — 2018 йил май	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, қасб-хунара таълими маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази	Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни. Таълим муассасаларида ҳар ўқув йилида «Мен севган асар», «Мен севган адабий қаҳрамон», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» каби мавзуларда иншолар танлови ташкил этилади ва голиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилади.
35.	Худудларда ёзувчилар, шоирлар ва олимлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида миллий ва жаҳон мумтоз адабиётининг юксак намуналарини тарғиб қилиш.	Доимий	Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» фонди, Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёни. Худудларда китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида миллий ва жаҳон мумтоз адабиётининг юксак намуналарини тарғиб қилиш, жумладан нашриётлар, китобхонлар ҳамда кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида «Йилнинг энг яхши китоби», «Энг китобхон мактаб», «Энг китобхон маҳалла» «Энг китобхон оила», «Йилнинг энг яхши болалар китоби», «Йилнинг энг яхши аудио китоби», «Йилнинг энг яхши электрон китоби» каби танловлар ўтказиш ҳақидаги низом тасдиқланади. Ноширлар ва муаллиф адибларни эришган ютуқларидан келиб чиқиб, доимий молиявий рағбатлантириш тизими шаклланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**1031** **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида**

Улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини кадрлаш, уни ёш авлод онгига чуқур сингдириш, ўқувчиларнинг аниқ фанларнинг юксак марраларини забт этишига кўмаклашиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги иқтидорларини аниқлаш ҳамда қобилиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни (кейинги ўринларда Ихтисослаштирилган мактаб деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Ихтисослаштирилган мактабнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда математика, физика, информатика ва чет тили фанларининг чуқур ўқитилишини ташкил этиш;

ўқувчиларда дастурлаш асосларини, маълумотлар базаларини шакллантириш ва ахборот хавфсизлиги кўникмалари ва медиа маданиятни мактаб давридан бошлаб шакллантириш;

юқори касб маҳоратига эга бўлган педагогларни жалб этган ҳолда ўқувчиларнинг ёш математиклар, ёш физиклар, ёш дастурчилар, ёш ихтирочилар жамоаларини ташкил қилиш, уларнинг республика ва халқаро фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этишларини таъминлаш;

ўқувчиларни чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи миллий ва халқаро эътироф этилган сертификатлар олишга тайёрлаш;

ўқув жараёнининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан узвийлигини таъминлаш мақсадида 10-11-синф ўқувчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги етакчи ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиёти ўташларини ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Ихтисослаштирилган мактабни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

тизимдаги Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби негизида ташкил этиш;

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Тепамасжид кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган Мирзо Улуғбек информатика касб-хунар коллежининг бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга Ихтисослаштирилган мактабга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш;

Мирзо Улуғбек информатика касб-хунар коллежининг 2-3-босқич ўқувчилари Ихтисослаштирилган мактаб биносида ўқишни битиргунларига қадар давом эттириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Белгилансинки:

Ихтисослаштирилган мактабга ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланадиган квота асосида 5-синфдан бошлаб ёзма ва оғзаки синов натижаларига кўра танлов асосида қабул қилинади;

Ихтисослаштирилган мактабнинг биноларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, зарурат бўлганда янги бинолар қуриш, синф ва лаборатория хоналарини, кутубхона ва бошқа иншоотларини замонавий жиҳоз, мебель, компьютер ва бошқа ўқув-лаборатория воситалари билан жиҳозлаш, ўқув адабиётлари ва методик қўлланмалар билан таъминлаш, юқори касб маҳоратига эга ўқитувчилар ва ходимларни қўшимча рағбатлантириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

Ихтисослаштирилган мактабни сақлаш билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

Ихтисослаштирилган мактабни ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқув-тарбия жараёнини халқаро андозалар асосида ташкил этиш мақсадида унга Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент шаҳридаги Инха университети профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда жалб этсин;

бир ҳафта муддатда — Ихтисослаштирилган мактабнинг уставини тасдиқласин ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

уч ой муддатда — республиканинг мактаб ёшидаги иқтидорли ўқувчиларига математика, физика ва информатика фанларини интеграциялашган ҳолда қамраб олган кўрик-танлов натижаларига кўра бериладиган «Мухаммад ал-Хоразмий издошлари» номли мукофотни таъсис этсин.

6. 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривож-

лантириш вазирлиги билан биргаликда Ихтисослаштирилган мактабнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган тартибда мактабнинг кутубхона фондиди зарур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2017 йилги Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 сентябрь,
ПҚ-3274-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

1032 Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва «Астрономия ва аэроавтика» боғини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон тарихида астрономияга оид тадқиқотларнинг илдизлари энг қадимги даврга бориб тақалади. Милоддан аввалги биринчи минг йилликда Ўзбекистон ҳудудида деҳқончиликнинг ривожланган тарихий-маданий марказларида Қуёш, Ой ва сайёраларнинг ҳаракатланиш қонуниятларига доир чуқур билимларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларини амалга ошириш муддатларини белгиловчи тақвимларни ишлаб чиққанлар. Ўзбекистонда астрономия фанининг жадал суръатларда ривожланиши ўрта асрлар даврига тўғри келади. Ўрта асрлар даврининг буюк мутафаккирлари Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, айниқса Мирзо Улуғбекнинг математика ва астрономиянинг ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган.

Астрономия фанининг келгусидаги ривожланиши иқтидорли ёшлар орасидан ушбу соҳанинг малакали кадрларини тайёрлаш самарадорлигини

оширишни талаб этиши, ўсиб келаётган ёш авлодни астрономияни ўрганиш бўйича халқимизнинг тарихий анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорли ёшларнинг астрономия ва аэроавтика фаолияти соҳасидаги миллий ва умумжаҳон илм-фанининг янги ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштиришга бўлган интилишини ривожлантириш, ёшларни аэроавтика фани ва техника асосларини эгаллаши учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Халқ таълими вазирлигининг Фанлар академиясининг Астрономия институти (кейинги ўринларда — Астрономия институти) қошида 200 ўқувчи ўрни ва 150 ўринли турар жойига эга бўлган, математика, астрономия, физика ва информатика фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини (кейинги ўринларда — мактаб-интернат) ташкил этиш таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мактаб-интернатнинг моддий-техника базаси, педагог кадрларнинг салоҳияти ҳамда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда ўқувчиларни қабул қилиш квоталарига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Астрономия институтига мактабнинг ўқув жараёнида соҳанинг етакчи мутахассислари иштирокини таъминлаш, институтнинг мавжуд асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда астрономия бўйича дарс ва амалий машғулотларни ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиши Давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда:

Астрономия институти ҳудудида мактаб-интернат биноси ва ўқувчилар турар жойини қуриш учун жой ажратиш;

мактаб-интернат биноси ва ўқувчилар турар жойи қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

мактаб-интернатни қуриш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил Инвестиция дастури доирасида Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасидан маблағлар ажратиш вазифалари юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва кенг жамоатчилик вакилларининг:

Тошкент шаҳар, Астрономия кўчаси 33-уй манзилида Астрономия институти ҳудудида «Астрономия ва аэроавтика» боғи ва Планетарияни ташкил этиш;

Астрономия институтининг асосий ва тарихий биноларини, шунингдек маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган телескоплар павильонларини капитал таъмирлаш бўйича таклифлари маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртмасига мувофиқ Мудофаа вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Тошкент механика заводи» АЖ тасарруфидаги самолёт намуналарини боғда жойлаштириш учун ажратиш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мактаб-интернат ва боғни ташкил этиш, Астрономия институтининг асосий ва тарихий биноларини капитал таъмирлаш билан боғлиқ ташкилий масалалар ва молиялаштириш манбаларини аниқлашга қаратилган чораларни кўрсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 сентябрь,
ПҚ-3275-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**1033 Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини
янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, таълимнинг юқори сифатини таъминлашда давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахслар томонидан мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш-ни лицензия асосида амалга ошириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

иктидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш орқали таълим-тарбиянинг юқори сифатини таъминлайдиган қулай шарт-шароитлар яратиш;

соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун анъанавий таълим хизматлари билан бир қаторда сифатли ва оммабоп таълим олишнинг муқобил имкониятларини яратадиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш бозорини жадал ривожлантириш;

илғор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари, услублари ҳамда замонавий технологияларидан фойдаланиш асосида таълим соҳасидаги самарадорлик ва натижавийликни ошириш.

3. Белгилансинки, нодавлат таълим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар:

ўз фаолиятини давлат таълим стандартлари ва талаблар асосида амалга оширади;

амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилган ҳолда юқори малакали педагог ва бошқа кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўради;

ўқиш муддати ва шартлари, тўлов миқдори, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланган шартномага мувофиқ таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари билан ўзаро муносабат ўрнатади;

ўз фаолиятини аҳолига пуллик таълим хизматларини кўрсатиш, хайрия фондлари ва грантлардан келиб тушган маблағлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштиради;

битирувчиларга давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжат беради.

4. Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда таълим хизматларини кўрсатиш эвазига келиб тушган даромадлар ҳисобидан бепул (грант асосида) ўқишга қабул қилиши белгилаб қўйилсин. Кейинги йилларда ўқувчиларни бепул (грант асосида) ўқитишни давом эттириш бўйича қарор нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан таълим олувчининг оилавий шароити ва унинг академик натижаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда аҳолига нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш

фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган бино, объектлар ва иншоотларни давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ўрнатилган тартибда сотишни ташкил этсин.

6. Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда қуйидагилар тавсия қилинсин:

таълим жараёнини ўқитишнинг энг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда фанларни чуқурлаштириб ўргатиш йўналишида ташкил этиш;

ўзларига ном танлашда ватанимизнинг машҳур ва буюк олимлари, жамият арбоблари исмларидан ўрнатилган тартибда фойдаланиш;

илғор илмий-амалий тажрибани жорий этиш ҳамда чуқурлаштириб ўрганиладиган фанларни чет тилида ўқитиш учун таълим жараёнига хорижий педагог ва мутахассисларни жалб қилиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда 2018/2019 ўқув йили бошлангунга қадар ҳар бир туман (шаҳар)да давлат рўйхатидан ўтказиш тартибига риоя қилган ҳолда мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган камида биттадан юридик шахсни ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда қуйидаги тўловлардан озод қилинсин:

барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари), бунда озод қилинаётган маблағлар уларни замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлаш, зарур маҳсулотлар ва жиҳозлар сотиб олиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул таълим хизматларини кўрсатишга мақсадли йўналтирилади;

меҳнат шартномаси асосида таълим-тарбия жараёнига жалб қилинган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларнинг ойлик иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси заруратдан келиб чиқиб, мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган янги ўқув асбоб-ускуналари ва ўқув материалларини республикага олиб киришда (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловлар бундан мустасно) божхона тўловларидан озод этиш ва уларнинг рўйхатини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, юридик шахслар томонидан нодавлат таълим хизматларини кўрсатишда:

Чет эллик ўқитувчи ва мутахассислар жисмоний шахсларга солинади-

ган даромад солиғи ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратиладиган тўловлардан тузилган меҳнат шартномаси доирасида озод қилинади;

чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларга икки томонлама авиачипталарни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (узоқ муддатли меҳнат шартнома асосида — бир йилда икки мартадан ошмаган ҳолда) иш берувчи томонидан қопланиши мумкин;

чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларнинг яшаш жойи учун тўловлар қисқа муддатли меҳнат шартномаларига асосан (бир ойдан кўп бўлмаган муддатга) иш берувчилар томонидан амалга оширилади, узоқ муддатли меҳнат шартномалари доирасида уларнинг яшаш жойи учун тўловлар шартнома шартларига мувофиқ иш ҳақи билан биргаликда тўлаб берилади.

11. Тижорат банкларига мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга бошланғич маблағни шакллантириш, бино ва иншоотларни сотиб олиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, замонавий ўқув жиҳозлари ва ўқитиш воситаларини сотиб олиш учун 5 йилдан кам бўлмаган муддатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставкада имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар буюртмаларига асосан нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар томонидан ишга таклиф қилинаётган хорижий ўқитувчи ва мутахассисларнинг кириш визаларини ўрнатилган тартибда консуллик ва бошқа тўловларни ундирмаган ҳолда расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қуйидагиларни белгилайдиган ҳукумат қарорини қабул қилсин:

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилик самарали механизмларини жорий этиш;

илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари такомиллаштириш;

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадиган юридик шахслар фаолиятини назорат қилиш механизмлари;

нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятига лицензия бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 сентябрь,
ПҚ-3276-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****1036 Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
ходимлари томонидан жиноятларни тергов қилиш
ҳамда фош этиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2898-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига кўшимча устамалар тўланадиган махсус малака даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 сентябрь,
727-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 сентябрдаги 727-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган махсус
малака даражасини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган махсус малака даражасини (кейинги ўринларда махсус малака даражаси деб аталади) беришнинг асосий мақсади ва принциплари, махсус малака даражасини белгилаш мезонлари ва уни бериш (бекор қилиш) тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2898-сон қарорига мувофиқ ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари тизими-га Тергов департаменти, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), шунингдек транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари ҳузуридаги тергов бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) киради.

3. Қўйидагилар ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимлари (кейинги ўринларда ходимлар деб аталади) ҳисобланади:

тергов бўлинмалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

суриштирувчилар;

терговчилар;

суриштирув ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлинмалари ходимлари;

тергов фаолиятини ташкиллаштириш бўлинмалари ходимлари;

ахборот-таҳлил бўлинмалари ходимлари;

кадрлар бўлинмалари ходимлари.

4. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

махсус малака даражаси — ходимнинг терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов ишларини юритиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек ўз фаолиятига оид бошқа вазифаларни бажариш жараёнида эришган натижалари асосида ҳар йил яқунлари бўйича баҳолаш мезонларига мувофиқ унга қўшимча устама тўлаш мақсадида бериладиган малака даражаси;

баҳолаш мезонлари — ходим томонидан терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов ишларининг юритилиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек ўз фаолиятига оид бошқа вазифаларни бажаришнинг сифати ва ҳажмини белгиловчи кўрсаткич.

5. Қуйидагилар махсус малака даражаси берилишининг асосий мақсади ҳисобланади:

ходимларнинг жиноятларни ўз вақтида фош этиш, қонуний, адолатли ва холис тергов қилишдаги ролини янада ошириш;

ходимлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва тергов қилишнинг илғор тажрибасини оммалаштириш;

ходимларни ўз касбий маҳоратини мақсадли ва мунтазам равишда ошириб боришга йўналтириш;

ходимларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга қўшаётган ҳиссаси учун муносиб рағбатлантириш.

6. Ходимларга махсус малака даражасини бериш қонунийлик, адолатлик, холислик, ошкоралик ва беғаразлик принциплари асосида амалга оширилади.

2-боб. Махсус малака даражасини белгилаш мезонлари ва уни бериш тартиби

7. Ходимларнинг махсус малака даражаси ушбу Низомга 1 — 8-иловаларда кўрсатилган мезонлар асосида 100 балли баҳолаш тизими бўйича белгиланади.

Ушбу Низомга 1 — 4-иловаларда кўрсатилган мезонлар асосида умумий балл ижобий кўрсаткичлар йиғиндиси бўйича тўпланган балларни салбий кўрсаткичлар йиғиндиси бўйича тўпланган баллардан айириш орқали ҳисобланади.

Ушбу Низомга 5-иловада кўрсатилган мезонлар асосида умумий балл салбий кўрсаткичлар йиғиндиси бўйича тўпланган жами баллни 100 дан айириб, қолдиқда қолган баллга ижобий кўрсаткичлар йиғиндиси бўйича тўпланган баллни қўшиш орқали ҳисобланади.

Ушбу Низомга 6 — 8-иловаларда кўрсатилган мезонлар асосида балларни ҳисоблашда тўпланган балларнинг йиғиндисидан келиб чиқилади.

8. Махсус малака даражаси қуйидаги тўпланган баллар асосида бериледи:

3-махсус малака даражаси — 56 баллдан 70 баллгача;

2-махсус малака даражаси — 71 баллдан 85 баллгача;

1-махсус малака даражаси — 86 баллдан 100 баллгача.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти бошлиғининг махсус малака даражаси Тергов департаментининг жиноятларни тергов қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари

бошлиқларининг тўплаган баллари йиғиндисини ушбу бошқармалар бошлиқларининг умумий сонига бўлиш орқали белгиланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, суриштирув ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими (бўлинмалари, гуруҳлари), тергов фаолиятини ташкиллаштириш бошқармаси (бўлимлари) ва уларнинг бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқларининг махсус малака даражаси тегишли равишда уларнинг қўл остидаги ходимлар томонидан тўпланган баллар йиғиндисини ушбу ходимларнинг умумий сонига бўлиш орқали белгиланади.

11. Махсус малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузурида тузиладиган Махсус малака даражасини бериш бўйича доимий комиссия (кейинги ўринларда доимий комиссия деб аталади) қарори асосида ушбу Низомга мувофиқ берилади.

12. Доимий комиссияларнинг таркиби, фаолият юритиш тартиби, раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари тегишли доимий комиссияларнинг раиси ҳисобланади.

Доимий комиссия раиси ва аъзолари мазкур комиссия қарорининг қонунийлиги, адолатлилиги ва холислиги учун масъул ҳисобланади.

13. Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига махсус малака даражасини бериш ушбу Низомга 9-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

14. Тергов бўлинмаларига ишга қабул қилинган (лавозимга тайинланган) ходимларга махсус малака даражаси ишга қабул қилинган (лавозимга тайинланган) даврдан қатъи назар, кейинги ҳисобот йилида тўплаган баллари асосида йил якуни бўйича берилади.

3-боб. Махсус малака даражаси учун қўшимча устамалар тўлаш тартиби

15. Махсус малака даражаси учун қўшимча устамалар тергов бўлинмалари ходимларига доимий комиссия қарорига мувофиқ тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари асосида тўланади.

16. Қўшимча устамалар махсус малака даражасига эга бўлган ходимларга

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи асосида бериладиган малака тоифасидан қатъи назар, йил давомида ҳар ойлик маошига қўшиб тўланади.

17. Махсус малака даражаси учун тўлов миқдорлари қуйидагича белгиланади:

3-махсус малака даражаси учун — энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида;

2-махсус малака даражаси учун — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида;

1-махсус малака даражаси учун — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида.

18. Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига махсус малака даражаси бўйича бериладиган қўшимча устамалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Ушбу Низомга 1 — 8-иловаларда кўрсатилган махсус малака даражасини белгилаш мезонлари асосида ҳар бир ходимнинг фаолиятини баҳолаш тергов бўлинмалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

20. Махсус малака даражасига эга ходимларнинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари томонидан юритилади.

21. Ходимга берилган махсус малака даражаси учун қўшимча устама тўлаш қуйидаги ҳолатларда бекор қилинади:

бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун таътилга чиққанда;

ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматига ўтказилганда;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги захирасига киритилганда;

ички ишлар органларидан бўшатишганда.

22. Махсус малака даражасини бериш ҳамда уни бекор қилиш жараёнида келиб чиққан низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23. Мазкур Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган махсус малака даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Жинойт ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб борувчи тергов бўлинмалари ходимларининг махсус малака даражасини белгилаш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Мезонлар	Балл
Ижобий кўрсаткичлар		
1.	Жинойт ишини тамомлаши (туман (шаҳар)лар учун ҳар ойда 2 ва ундан ортиқ, вилоятлар учун ҳар ойда 1 та ва ундан ортиқ, республика учун ҳар 2 ойда 1 та)	10
2.	Тергов қилинаётган жиноят иши доирасида янги жиноятни аниқлаши ёхуд тайёргарлик кўрилатган жиноятнинг олдини олиши (тергов қилинган жиноят ишлари доирасида нечта жиноят аниқланганидан қатъи назар)	10
3.	Тергов йўли билан фош этган жиноятлар (ҳар бир фош этилган жиноят учун)	10
4.	Қидирувда бўлган айбланувчини шахсан ушлаганлиги ёки берган кўрсатмаси асосида ушланганлиги (ҳар бир ушланган шахс учун)	10
5.	Қонунчилик тарғиботи, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги иштироки:	
	Йил давомида республика ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 4 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 6 маротаба)	10
	Йил давомида вилоят ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 6 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 4 маротаба)	10
	Ҳар ойда маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида 4 маротаба учрашувлар ўтказганлиги учун	8
	Тергов қилинган жиноят ишлари юзасидан киритилган тақдимномаларнинг муҳокамасида шахсан иштирок этиши (барчаси бўйича)	10
6.	Тергов қилишнинг ижобий тажрибаси оммалаштирилиши	7
7.	Методик қўлланма тайёрлаш ва чоп этиш (электрон нусхасини тарқатиш)	8
8.	Қонунчиликдаги зиддиятли нормаларни бартараф этишга доир ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши	7
Салбий кўрсаткичлар		
1.	Прокурордан қўшимча терговга қайтарилган ишлар (ҳар бир жиноят иши учун)	4
2.	Суддан ЖПК 401 ¹ -моддаси тартибида юборилган ишлар (ҳар бир юборилган жиноят иши учун)	7
3.	Суддан ЖПК 415 ¹ -моддаси тартибида юборилган ажримлар (ҳар бир юборилган ажрим учун)	7

Т/р	Мезонлар	Балл
4.	Дастлабки тергов муддати асоссиз ўтказиб юборилган ишлар (ҳар бир ҳолат учун)	10
5.	Жиноят ишини тўхтатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари (ҳар бир бекор қилинган қарор учун)	3
6.	Жиноят ишини тугатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари (ҳар бир бекор қилинган иш учун)	2
7.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари (ҳар бир бекор қилинган қарор учун)	2
8.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилиниб, қўзғатилган жиноят ишлари (ҳар бир қўзғатилган иш учун)	5
9.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилиниб, ўтказилган қўшимча терговга қадар текширув натижасига кўра, қўзғатилган жиноят ишлари (ҳар бир қўзғатилган иш учун)	5
10.	Суд томонидан ЖПКнинг 83-моддаси (реабилитация асослари)га кўра оқланган шахслар (ҳар бир оқланган шахс учун)*	10
11.	Тергов давомида айблов эълон қилган шахслардан реабилитация этилган шахслар (ҳар бир реабилитация этилган шахс учун)	10
12.	Тергов давомида асоссиз ушлаб турилган гумон қилинувчилар (ҳар бир шахс учун)	10
13.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган тақдимномалар (ҳар бир киритилган тақдимнома учун)**	5
14.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган интизомий иш қўзғатиш ҳақидаги қарорлар (ҳар бир қарор учун)**	5
15.	Суд томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган хусусий ажримлар (ҳар бир хусусий ажрим учун)**	5
16.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўрсатилган вазларнинг тўлиқ ўз тасдиғини топиши (ҳар бир тасдиғини топган мурожаат учун)	10

* Суд томонидан реабилитация асосларига кўра оқланган шахслар бўйича ўтказилган хизмат текшируви натижасида терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади.

** Ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади. Бир неча терговчига нисбатан киритилганда ҳар бирига алоҳида ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган
махсус малака даражасини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Тергов бўлинмалари суриштирувчиларининг
махсус малака даражасини белгилаш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Мезонлар	Балл
Ижобий кўрсаткичлар		
1.	Ҳар ойда 2 ва ундан ортиқ жиноят ишини тамомлаши	10
2.	Ҳар ойда 3 ва ундан ортиқ жиноятга оид хабарлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиши ва қонуний қарор қабул қилиши	8
3.	Тергов қилинаётган жиноят иши доирасида янги жиноятни аниқлаши ёхуд тайёргарлик кўрилатган жиноятнинг олдини олиши (тергов қилинган жиноят ишлари доирасида нечта жиноят аниқланганидан қатъи назар)	10
4.	Тергов йўли билан фош этилган жиноятлар (ҳар бир фош этилган жиноят учун)	10
5.	Қидирувда бўлган айбланувчини шахсан ушлаганлиги ёки берган кўрсатмаси асосида ушланганлиги (ҳар бир ушланган шахс учун)	8
6.	Қонунчилик тарғиботи, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги иштироки:	
	Йил давомида республика ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 4 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 6 маротаба)	10
	Йил давомида вилоят ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 6 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 4 маротаба)	10
	Ҳар ойда маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида 4 маротаба учрашувлар ўтказганлиги учун	8
	Тергов қилинган жиноят ишлари юзасидан киритилган тақдимномаларнинг муҳокамасида шахсан иштирок этиши (барчаси бўйича)	10
7.	Тергов қилишнинг ижобий тажрибаси оммалаштирилиши	5
8.	Методик қўлланма тайёрлаш ва чоп этиш (электрон нусхасини тарқатиш)	6
9.	Қонунчиликдаги зиддиятли нормаларни бартараф этишга доир ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши	5
Салбий кўрсаткичлар		
1.	Прокурордан қўшимча терговга қайтарилган ишлар (ҳар бир жиноят иши учун)	4
2.	Суддан ЖПК 401 ¹ -моддаси тартибида юборилган ишлар (ҳар бир юборилган жиноят иши учун)	7
3.	Суддан ЖПК 415 ¹ -моддаси тартибида юборилган ажримлар (ҳар бир юборилган ажрим учун)	7
4.	Суриштирув муддати асоссиз ўтказиб юборилган ишлар (ҳар бир ҳолат учун)	10

Т/р	Мезонлар	Балл
5.	Жиноят ишини тўхтатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари (ҳар бир бекор қилинган қарор учун)	3
6.	Жиноят ишини тугатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари (ҳар бир бекор қилинган иш учун)	2
7.	Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари (ҳар бир бекор қилинган қарор учун)	2
8.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилиниб, қўзғатилган жиноят ишлари (ҳар бир қўзғатилган иш учун)	5
9.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилиниб, ўтказилган қўшимча текширув натижасига кўра қўзғатилган жиноят ишлари (ҳар бир қўзғатилган иш учун)	5
10.	Суд томонидан ЖПКнинг 83-моддаси (реабилитация асослари)га кўра оқланган шахслар (ҳар бир оқланган шахс учун)*	10
11.	Тергов давомида айблов эълон қилинган шахслардан реабилитация этилган шахслар (ҳар бир реабилитация этилган шахс учун)	10
12.	Тергов давомида асоссиз ушлаб турилган гумон қилинувчилар (ҳар бир шахс учун)	10
13.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган тақдимномалар (ҳар бир киритилган тақдимнома учун)**	5
14.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган интизомий иш қўзғатиш ҳақидаги қарорлар (ҳар бир қарор учун)**	5
15.	Суд томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган хусусий ажримлар (ҳар бир хусусий ажрим учун)**	5
16.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўрсатилган вазларнинг тўлиқ ўз тасдиғини топиши (ҳар бир тасдиғини топган мурожаат учун)	10

* Суд томонидан реабилитация асосларига кўра оқланган шахслар бўйича ўтказилган хизмат текшируви натижасида терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади.

** Ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади. Бир неча суриштирувчига нисбатан киритилганда ҳар бирига алоҳида ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган
махсус малака даражасини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Тергов бўлимлари ва бўлинмалари бошлиқларининг
махсус малака даражасини белгилаш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Мезонлар	Ҳисоблаш тартиби	Балл
Ижобий кўрсаткичлар			
1.	Тергов қилинган жиноят ишларидан тамомланганлари	55 фоизгача — 0 56 — 60 фоизгача — 4 61 — 65 фоизгача — 6 66 — 70 фоизгача — 7 71 — 74 фоизгача — 8 75 фоиздан юқори — 10	10
2.	Тамомланган ишлар бўйича етказилган зарарнинг ундирилиши	0 — 70 фоизгача — 1 70 — 80 фоизгача — 4 80 — 85 фоизгача — 6 85 — 90 фоизгача — 8 90 — 100 фоизгача — 10	10
3.	Қонунчилик тарғиботи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги иштироки:	-	
	йил давомида республика ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 4 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 6 маротаба)	-	10
	йил давомида вилоят ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 6 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 4 маротаба)	-	8
	ҳар ойда маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида 4 маротаба учрашувлар ўтказиши учун	-	7
4.	Тергов қилишнинг ижобий тажрибасини оммалаштиргани (шахсан ўзи)	-	5
5.	Методик қўлланма тайёрлаш ва чоп этиш (электрон нусхасини тарқатиш) (шахсан ўзи)	-	15
6.	Қонунчиликдаги зиддиятли нормаларни бартараф этишга доир ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши (шахсан ўзи)	-	5
7.	Ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тайёрлаган таҳлилий ҳужжати амалда қўлланилиши (ҳар чоракда 1 маротаба)	-	10
8.	Ўз ташаббуси билан ходимларнинг билим савияси ва малакасини ошириш борасида ҳар ойда 1 маротаба ўқув машғулоти ўтказиши	-	10
9.	Жиноятчиликнинг олдини олиш ёки тергов қилиш амалиёти юзасидан ўқув фильмлари тайёрлаши (ҳар бир тайёрланган фильм учун)	-	10
Салбий кўрсаткичлар			
1.	Судга юборилган жиноят ишларидан прокурордан қўшимча терговга қайтарилган ишлар	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	

Т/р	Мезонлар	Ҳисоблаш тартиби	Балл
2.	Судга юборилган жиноят ишларидан суддан ЖПК 401 ¹ -моддаси тартибида юборилган ишлар	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
3.	Судга юборилган жиноят ишларидан суддан ЖПК 415 ¹ -моддаси тартибида юборилган ажримлар	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
4.	Дастлабки тергов муддати асоссиз ўтказиб юборилган ишлар	ҳар бир ҳолат учун	4
5.	Жиноят ишини тўхтатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
6.	Жиноят ишини тугатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
7.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
8.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилиниб, қўзғатилган жиноят ишлари	ҳар бир ҳолат учун	5
9.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилиниб, ўтказилган қўшимча терговга қадар текширув натижасига кўра қўзғатилган жиноят ишлари	ҳар бир ҳолат учун	5
10.	Суд томонидан ЖПКнинг 83-моддаси (реабилитация асослари)га кўра оқланган шахслар*	ҳар бир шахс учун	5
11.	Тергов давомида айблов эълон қилинган шахслардан реабилитация этилган шахслар	ҳар бир шахс учун	5
12.	Тергов давомида асоссиз ушлаб турилган гумон қилинувчилар	ҳар бир шахс учун	5
13.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган тақдимномалар**	ҳар бир тақдимнома учун	3
14.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган интизомий иш қўзғатиш ҳақидаги қарорлар**	ҳар бир қарор учун	3
15.	Суд томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган хусусий ажримлар**	ҳар бир хусусий ажрим учун	3
16.	Қўл остидаги ходимларни жиноий жавобгарликка тортилиши	ҳар бир ходим учун	10

* Суд томонидан реабилитация асосларига кўра оқланган шахслар бўйича ўтказилган хизмат текшируви натижасида терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади.

** Ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади.

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
 ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган
 махсус малака даражасини бериш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 4-ИЛОВА

**Суриштирувчилар фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширувчи
 бошлиқлар таркибининг махсус малака даражасини белгилаш
 МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Мезонлар	Ҳисоблаш тартиби	Балл
Ижобий кўрсаткичлар			
1.	Тергов қилинган жиноят ишларидан тамомланганлари	55 фоизгача — 0 56 — 60 фоизгача — 4 61 — 65 фоизгача — 6 66 — 70 фоизгача — 7 71 — 74 фоизгача — 8 75 фоиздан юқори — 10	10
2.	Тамомланган ишлар бўйича етказилган зарарнинг ундирилиши	0 — 70 фоизгача — 1 70 — 80 фоизгача — 4 80 — 85 фоизгача — 6 85 — 90 фоизгача — 8 90 — 100 фоизгача — 10	10
3.	Қонунчилик тарғиботи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги иштироки:	-	
	Йил давомида республика ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 4 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 6 маротаба)	-	10
	Йил давомида вилоят ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 6 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 4 маротаба)	-	8
	Ҳар ойда маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида 4 маротаба учрашувлар ўтказиши учун	-	7
4.	Тергов қилишнинг ижобий тажрибаси оммалаштирилиши (шахсан ўзи)	-	5
5.	Методик қўлланма тайёрлаш ва чоп этиш (электрон нусхасини тарқатиш) (шахсан ўзи)	-	15
6.	Қонунчиликдаги зиддиятли нормаларни бартараф этишга доир ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши (шахсан ўзи)	-	5
7.	Ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тайёрлаган таҳлилий ҳужжати амалда қўлланилиши (ҳар чорақда 1 маротаба)	-	10
8.	Ўз ташаббуси билан ходимларнинг билим савияси ва малакасини ошириш борасида ҳар ойда 1 маротаба ўқув машғулотлари ўтказиши	-	10
9.	Жиноятчиликнинг олдини олиш ёки тергов қилиш амалиёти юзасидан ўқув фильмлари тайёрлаши (ҳар бир тайёрланган фильм учун)	-	10
Салбий кўрсаткичлар			
1.	Судга юборилган жиноят ишларидан прокурордан қўшимча суриштирувга қайтарилган ишлар	балл фозиз ҳисобиди кўрсатилади	

Т/р	Мезонлар	Ҳисоблаш тартиби	Балл
2.	Судга юборилган жиноят ишларидан суддан ЖПК 401 ¹ -моддаси тартибида юборилган ишлар	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
3.	Судга юборилган жиноят ишларидан суддан ЖПК 415 ¹ -моддаси тартибида юборилган ажримлар	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
4.	Суриштирув муддати асоссиз ўтказиб юборилган ишлар	ҳар бир ҳолат учун	4
5.	Жиноят ишини тўхтатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
6.	Жиноят ишини тугатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
7.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
8.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилиниб, қўзғатилган жиноят ишлари	ҳар бир ҳолат учун	5
9.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилиниб, ўтказилган қўшимча терговга қадар текширув натижасига кўра қўзғатилган жиноят ишлари	ҳар бир ҳолат учун	5
10.	Суд томонидан ЖПКнинг 83-моддаси (реабилитация асослари)га кўра оқланган шахслар*	ҳар бир шахс учун	5
11.	Тергов давомида айблов эълон қилинган шахслардан реабилитация этилган шахслар	ҳар бир шахс учун	5
12.	Тергов давомида асоссиз ушлаб турилган гумон қилинувчилар	ҳар бир шахс учун	5
13.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган тақдимномалар**	ҳар бир тақдимнома учун	3
14.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган интизомий иш қўзғатиш ҳақидаги қарорлар**	ҳар бир қарор учун	3
15.	Суд томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган хусусий ажримлар**	ҳар бир хусусий ажрим учун	3
16.	Қўл остидаги ходимларни жиноий жавобгарликка тортилиши	ҳар бир ходим учун	10

* Суд томонидан реабилитация асосларига кўра оқланган шахслар бўйича ўтказилган хизмат текшируви натижасида терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади.

** Ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади.

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
 ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган
 махсус малака даражасини бериш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 5-ИЛОВА

**Тергов бошқармалари ҳамда жиноятларни тергов қилиш бошқармаси
 бошлиқларининг махсус малака даражасини белгилаш
 МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Мезонлар	Ҳисоблаш тартиби	Балл
Ижобий кўрсаткичлар			
1.	Тергов қилинган жиноят ишларидан тамомланган-лари	55 фоизгача — 0 56 — 60 фоизгача — 4 61 — 65 фоизгача — 6 66 — 70 фоизгача — 7 71 — 74 фоизгача — 8 75 фоиздан юқори — 10	10
2.	Тамомланган ишлар бўйича етказилган зарарнинг ундирилиши	0 — 60 фоизгача — 0 60 — 70 фоизгача — 2 70 — 80 фоизгача — 4 80 — 85 фоизгача — 6 85 — 90 фоизгача — 8 90-100 фоизгача — 10	10
3.	Қонунчилик тарғиботи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида ОАВда ҳар ойда 2 мартаба чиқиши учун	-	8
Салбий кўрсаткичлар			
1.	Судга юборилган жиноят ишларидан прокурордан қўшимча тергов ва суриштирувга қайтарилган ишлар	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
2.	Судга юборилган жиноят ишларидан суддан ЖПК 401 ¹ -моддаси тартибида юборилган ишлар	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
3.	Судга юборилган жиноят ишларидан суддан ЖПК 415 ¹ -моддаси тартибида юборилган ажримлар	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
4.	Суриштирув ва дастлабки тергов муддати асоссиз ўтказиб юборилган ишлар (жами тергов қилинган жиноят ишларига нисбатан)	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
5.	Жиноят ишини тўхтатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинган-лари (тўхтатилган жиноят ишларига нисбатан)	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
6.	Жиноят ишини тугатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинган-лари (тугатилган жиноят ишларига нисбатан)	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
7.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилинганлари (қўзғатиш рад қилинган материалларга нисбатан)	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
8.	Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг прокурор томонидан бекор қилиниб, қўзғатилган жиноят ишлари	ҳар бир қўзғатилган иш учун	3
9.	Суд томонидан ЖПКнинг 83-моддаси (реабилитация асослари)га кўра оқланган шахслар*	ҳар бир шахс учун	5
10.	Тергов давомида айблов эълон қилинган шахслардан реабилитация этилганлари	ҳар бир шахс учун	5

Т/р	Мезонлар	Ҳисоблаш тартиби	Балл
11.	Тергов ва суриштирув давомида асоссиз ушлаб турилган гумон қилинувчилар	ҳар бир шахс учун	5
12.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган тақдимномалар (жами тергов қилинган ишларга нисбатан)**	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
13.	Прокурор томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган интизомий иш қўзғатиш ҳақидаги қарорлар (жами тергов қилинган ишларга нисбатан)**	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
14.	Суд томонидан қонун бузилиши ҳолати бўйича киритилган хусусий ажримлар (судга юборилган ишларга нисбатан)**	балл фоиз ҳисобида кўрсатилади	
15.	Қўл остидаги ходимларни жиноий жавобгарликка тортилиши	ҳар бир ходим учун	5

* Суд томонидан реабилитация асосларига кўра оқланган шахслар бўйича ўтказилган хизмат текшируви натижасида терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади.

** Ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра терговчининг айби ўз тасдиғини топган ҳолатларда киритилади.

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган
махсус малака даражасини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Туман (шаҳар)лар ички ишлар бўлимлари (бошқармалари) тергов
бўлинмаларининг ахборот-таҳлил бўлинмалари (гуруҳлари)
ходимларининг махсус малака даражасини белгилаш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Мезонлар	Балл
1.	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тайёрланган таҳлилий ҳужжатларда кўрсатилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши	10
2.	Суриштирув ва тергов фаолиятидаги муаммолар ва тизимли камчиликлар таҳлил қилиниши ва мониторинг олиб борилиши орқали иш самарадорлигини янада ошириш борасида таклифларнинг ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши	10
3.	Ҳал қилинган мурожаатлар (ҳар ойда шикоят бўйича 3 ва ундан ортиқ хизмат текшируви ўтказилиши)	10
4.	Терговга қадар текширув ва жиноят ишларини юритишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мунтазам равишда таҳлил қилиш орқали қонун нормаларини қўллаш борасида юзага келган қарама-қаршиликларни бартараф этиш:	
	Қонун нормаларини такомиллаштириш борасида берган таклифлари қабул қилиниши	7

Т/р	Мезонлар	Балл
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш борасида берган таклифлари қабул қилиниши	5
	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва уларнинг қабул қилиниши	5
5.	Тайёрланган идоравий ҳужжатнинг қабул қилиниши (ҳар чоракда 1 та)	8
6.	Қонунчилик тарғиботи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларнинг олдини олишдаги иштироки:	
	Йил давомида республика ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 2 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 4 маротаба)	10
	Йил давомида вилоят ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 4 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 2 маротаба)	8
	Ҳар ойда маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида 4 маротаба учрашувлар ўтказиши учун	7
7.	Ҳар чоракда 1 маротаба ҳаракатдан тўхтатилган ва архивда сақланган жиноят ишлари бўйича ЖПКнинг 370-моддаси тартибида алоҳида топшириқлар юборилиши ҳамда барча маълумотлар база (датур)ларидан текширилиши учун (барча жиноят ишлари бўйича амалга оширилган тақдирда)	10
8.	Судга юборилган ҳамда ҳаракатдан тугатилган ва тўхтатилган жиноят ишлари бўйича ҳар чоракда 1 маротаба таққослов ўтказилиши учун	10

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
 ходимларига кўшимча устамалар тўланадиган
 махсус малака даражасини бериш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 7-ИЛОВА

**Тергов бўлинмаларининг тергов фаолиятини ташкиллаштириш
 бошқармаси (бўлим, бўлинмалари), суриштирув ишларини
 мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими (бўлинмалари,
 гуруҳлари) ходимларининг махсус малака даражасини белгилаш
 МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Мезонлар	Балл
1.	Ўрганиб чиқилган жиноят ишлари бўйича берилган ёзма кўрсатмалар асосида: — жиноят иши юзасидан қарорларнинг қонуний қабул қилиниши; — айбдор шахсларнинг ҳаракатлари тўғри баҳоланиши; — жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши.	10
2.	Жиноят иши бўйича берилган ёзма кўрсатма талаблари ижроси таъминланиши натижасида жиноятни фош этилиши (ҳар бир фош этилган жиноят учун)	10

Т/р	Мезонлар	Балл
3.	Ҳал қилинган мурожаатлар (ҳар ойда шикоят бўйича 4 ва ундан ортиқ хизмат текшируви ўтказилиши)	8
4.	Мурожаатлар бўйича сайёр учрашувлар ўтказилиши ёки уларнинг жойида текшириш орқали ҳал қилиниши	8
5.	Таҳлиллар асосида жиноятнинг келиб чиқиши сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш борасида киритилган тақдимномалар (ҳар чоракда 1 маротаба)	8
6.	Қонунчилик тарғиботи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги иштироки:	
	Йил давомида республика ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 2 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 4 маротаба)	10
	Йил давомида вилоят ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 4 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 2 маротаба)	8
	Ҳар ойда 4 маротаба аҳоли, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ўтказилган учрашувларда иштироки учун	7
7.	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тайёрланган таҳлилий ҳужжатларда кўрсатилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши	7
8.	Суриштирув ва тергов фаолиятидаги муаммолар ва тизимли камчиликларни таҳлил қилиш ва мониторинг олиб бориш орқали иш самардорлигини янада ошириш борасида таклифларнинг ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши	7
9.	Терговга қадар текширув ва жиноят ишларини юритишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мунтазам равишда таҳлил қилиш орқали қонун нормаларини қўллаш борасида юзага келган қарама-қаршиликларни бартараф этиш:	
	Қонун нормаларини такомиллаштириш борасида берган таклифлари қабул қилиниши	7
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш борасида берган таклифлари қабул қилиниши	5
	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши	5

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган
махсус малака даражасини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**Кадрлар бўлинмалари (гуруҳлари) ходимларининг махсус
малака даражасини белгилаш
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Мезонлар	Балл
1.	Тавсия этилган номзоднинг ишга қабул қилиниши	15
2.	Ходимларнинг хизмат интизоми, ижрочилик ва қонун бузилиши ҳолатлари бўйича ўтказган хизмат текширувлари (ҳар чорақда 3 ва ундан ортиқ)	6
3.	Ташаббус асосида ўтказилган хизмат текширувлари натижасида тасдиғини топган ҳолатлар (ҳар ойда 2 та)	8
4.	Тергов департаменти ва тергов бошқармаси раҳбариятига белгиланган тоифадаги номзодларни лавозимга тақдим этиш учун ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва таклифлар киритиш (ҳар ойда 3 нафар)	4
5.	Ходимларнинг оилавий шароитларини ўрганиши ва асосли таклифлар киритиши (ҳар ойда 2 та)	8
6.	Кадрлар масаласига оид буйруқлар лойиҳаси ҳамда бошқа зарурий ҳужжатлар ва материалларни тайёрлаш (ҳар ойда 3 та)	6
7.	Ҳар ойда 2 ва ундан ортиқ маротаба ходимларнинг билим савияси ва касб маҳоратини оширишга доир ўқув машғулоти ташкил этилиши (буйруқ талаблари асосида ўтказиладиган машғулотлар бундан мустасно)	10
8.	Ходимлар билан яқка тартибдаги тарбиявий ишлар олиб бориши (ҳар ойда 4 нафар ходим билан)	8
9.	Ходимлар томонидан хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя этилишини аниқлашга йўналтирилган текширув ва рейдлар ўтказиш (ҳар ойда 2 ва ундан ортиқ)	8
10.	Мурожаатлар бўйича сайёр учрашувлар ўтказиши ёки уларнинг жойида текшириш орқали ҳал қилиниши	5
11.	Қонунчилик тарғиботи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятга қарши курашиш борасидаги иштироки:	
	Йил давомида республика ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 2 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 4 маротаба)	5
	Йил давомида вилоят ОАВ орқали чиқишлари учун (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун — 4 маротаба, Тергов департаменти ва Тошкент шаҳри учун — 2 маротаба)	4
	Ҳар ойда 4 маротаба аҳоли, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ўтказилган учрашувларда иштироки учун	4
12.	Методик қўлланма тайёрлаш ва чоп этиш (электрон нусхасини тарқатиш)	9

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари
ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган махсус
малака даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

**Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган
махсус малака даражасини бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар номи	Бажариш муддати
1-босқич	Тергов бўлинмалари бошлиқлари	Ходимнинг фаолиятини баҳолаб бориш	йил давомида
2-босқич	Тергов бўлими (бўлинмаси, гуруҳ) бошлиғи	Белгиланган мезонлар асосида тўпланган баллар ҳақидаги маълумот ва тегишли ҳужжатларни Тергов департаменти ёки тергов бошқармаси бошлиғига тақдим этиш	ҳар йили январь ойининг 10-кунигача
3-босқич	Тергов департаменти ёки тергов бошқармаси бошлиғи	Махсус малака даражасини бериш масаласини кўриб чиқиш учун тўпланган ҳужжатларни доимий комиссияга тақдим этиш	уч кун муддатда
4-босқич	Доимий комиссия	Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш	ўн кун муддатда
5-босқич	Доимий комиссия	Доимий комиссия қарорини ички ишлар органларининг молия ва моддий-техника таъминоти бўлинмаларига тақдим этиш	қарор қабул қилинган-дан сўнг уч кун муддатда
6-босқич	Молия ва моддий-техника таъминоти бўлинмалари	Доимий комиссия қарори асосида қўшимча устамалар тўлаш ҳақидаги буйруқ лойиҳасини тайёрлаш	уч кун муддатда
7-босқич	Ички ишлар органлари раҳбарлари ва бошлиқлари	Қўшимча устамалар тўлаш ҳақидаги буйруқни чиқариш	бир кун муддатда

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 сентябрдаги 727-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош
этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари
билан тақдирлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари терговчилари томонидан оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлашнинг асосий мақсади ва принциплари ҳамда тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлашнинг асосий мақсади ҳисобланади:

фош этилмаган оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов йўли билан ўз вақтида ва сифатли фош этилишини таъминлаш;

оғир ва ўта оғир жиноятларнинг қонуний, адолатли ва холисона тергов қилинишини таъминлаш;

тергов қилишнинг замонавий тактика ва методикаларини амалиётга жорий этиш;

терговчиларни оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлиги ва тергов қилганлиги учун муносиб рағбатлантириш;

терговчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва тергов қилишнинг илғор усулларини оммалаштириш.

3. Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик масалалари қонунийлик, адолатлилик, холислик, ошкоралик ва беғаразлик принциплари асосида кўриб чиқилади.

**2-боб. Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали
фош этиш ва тергов қилишга қўйиладиган талаблар**

4. Қуйидаги талаблардан бири мавжуд бўлган тақдирда оғир ва ўта оғир жиноятлар намунали фош этилган деб эътироф этилади:

оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилишнинг муқаддам қўлланилмаган тактик усул ва услубларини қўллаш орқали фош этилиши ҳамда ушбу тактик усул ва услублар оммалаштирилиши;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ҳамда бутунжаҳон Интернет тармоғидан фойдаланиб, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар доирасининг аниқланиши;

бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ички ишлар органла-

рининг соҳавий хизматлари томонидан фош этилмаган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг тергов йўли билан фош этилиши;

мукаддам фош этилмасдан ҳаракатдан тўхтатилган оғир ва ўта оғир жиноят ишларининг терговчи ташаббуси билан тикланиб, фош этилиши;

мукаддам фош этилмаган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган номаълум шахсларнинг бевосита терговчи томонидан тергов йўли билан аниқланиши;

тергов қилинган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган бошқа оғир ёки ўта оғир жиноятнинг бевосита терговчи томонидан аниқланиши.

5. Қўйидаги талабларнинг барчаси мавжуд бўлган тақдирда оғир ва ўта оғир жиноятлар намунали тергов қилинган деб эътироф этилади:

жиноят оқибатида шахс, жамият ва давлатга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши;

жиноят иши юзасидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асосланганлиги;

айбдор шахслар доираси тўлиқ аниқланиши ва уларнинг ҳаракатлари тўғри баҳоланиши;

жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилганлиги.

3-боб. Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун ходимларни пул мукофотлари билан тақдирлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби

6. Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун ходимларни пул мукофотлари билан тақдирлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузурида тузиладиган доимий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

7. Доимий комиссияларнинг таркиби, фаолият юритиш тартиби, раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари тегишли доимий комиссияларнинг раиси ҳисобланади.

Доимий комиссия раиси ва аъзолари мазкур комиссия қарорининг қонунийлиги, адолатлилиги ва холислиги учун масъул ҳисобланади.

8. Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

9. Доимий комиссия қарорига асосан оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун Ўзбекистон Республика-

си Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан қуйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти берилади:

оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали тергов қилганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида;

оғир жиноятларни намунали фош этганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг олти баравари миқдорида;

ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари миқдорида.

10. Оғир ва ўта оғир жиноятлар ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари терговчилари томонидан намунали фош этилганлиги ва тергов қилинганлиги учун уларни пул мукофотлари билан тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

11. Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотларини белгилаш жараёнида келиб чиққан низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

12. Мазкур Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар номи	Бажариш муддати
1-босқич	Тергов бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) бошлиғи	Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик ҳақидаги ҳужжатларни Тергов департаменти ёхуд тергов бошқармаси бошлиғига тақдим этиш	Айблов эълон қилингандан ёки жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг уч кун муддатда
2-босқич	Тергов департаменти ёхуд тергов бошқармаси бошлиғи	Оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик ҳақидаги ҳужжатларни ички ишлар органларининг доимий комиссиясига тақдим этиш	уч кун муддатда
3-босқич	Доимий комиссия	Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш	ўн кун муддатда
4-босқич	Доимий комиссия	Доимий комиссия қарорини ички ишлар органларининг молия ва моддий-техника таъминоти бўлинмаларига тақдим этиш	қарор қабул қилингандан сўнг уч кун муддатда
5-босқич	Молия ва моддий-техника таъминоти бўлинмалари	Доимий комиссия қарори асосида оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофоти билан тақдирлаш ҳақидаги буйруқ лойиҳасини тайёрлаш	икки кун муддатда
6-босқич	Ички ишлар органлари раҳбарлари ва бошлиқлари	Пул мукофоти билан тақдирлаш ҳақидаги буйруқни чиқариш	бир кун муддатда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1037** Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат
хизматлари портали орқали электрон давлат хиз-
матлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбир-
лари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини бажариш, шунингдек электрон ҳукумат марказий маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплекслари билан интеграциялаш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) янги версияси ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ягона порталда жорий этиш мақсадида давлат хизматларига бўлган талабни баҳолаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

Ягона порталда давлат хизматларига бўлган энг кўп талабни баҳолаш натижасида аниқланган энг кўп талаб қилинадиган давлат хизматлари жорий этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш «Ўзинфоком» маркази (кейинги ўринларда «Ўзинфоком» маркази деб аталади) Ягона порталда электрон давлат хизматларини жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари давлат хизматларини кўрсатувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда давлат органлари деб аталади) билан шартнома асосида талабгор электрон давлат хизматларини Ягона порталда ва расмий веб-сайтларда жорий этишда иштирок этадилар.

4. «Ўзинфоком» марказига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

Ягона портални техник қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

Ягона портал орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш;

Ягона порталда электрон давлат хизматларини жорий қилишда давлат органларига методологик ва техник ёрдам кўрсатиш;

Ягона порталнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

Ягона портал фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, кўрсатиладиган электрон давлат хизматларининг рўйхатини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўйидагиларни таъминласин:

икки ой муддатда давлат хизматларига бўлган талабни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

давлат органлари билан биргаликда мавжуд бўлган энг талабгор бўлган электрон давлат хизматларини Ягона порталнинг янги версиясига босқич-ма-босқич ўтказиш;

давлат органларига Ягона порталдаги давлат органининг шахсий кабинетидан фойдалана олишларини таъминлаш.

6. Давлат органлари:

бир ҳафта муддатда марказий аппаратнинг ва уларнинг ташкилий тузилмасига кирадиган ташкилотларнинг электрон давлат хизматлари кўрсатишда ваколатли бўлган ходимларини белгиласинлар, уларни «Электрон ҳукумат» (id.gov.uz) тизимидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш Ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтказсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги сўрови бўйича электрон давлат хизматларини автоматлаштирилган тарзда тақдим этиш учун тегишли веб-сервислар ишлаб чиқирилишини ва кузатиб борилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи Ш.Х. Шерматов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 сентябрь,
728-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив
давлат хизматлари портали тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) мақсадини, вазифаларини ва иш тартибini белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши давлат хизматлари кўрсатувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг (кейинги ўринларда давлат органлари деб аталади) расмий веб-сайтлари орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибига ҳам татбиқ этилади.

2. Ягона портал фаолияти «Электрон ҳукумат» тизими базасида фаолият кўрсатган ҳолда унинг ахборот, услубий, техник кузатуви ва маъмурчилиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш «Ўзинфоком» маркази (кейинги ўринларда «Ўзинфоком» деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Ягона портал давлат органлари томонидан кўрсатиладиган электрон давлат хизматларидан фойдаланишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади.

Давлат органлари расмий веб-сайтларида Ягона порталда мавжуд бўлган электрон давлат хизматини тегишли ҳавола (гиперҳавола)ни жойлаштириш йўли билан жорий қилинишига йўл қўйилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Электрон давлат хизматларининг ягона реестри — давлат хизматлари, шакллари ва бланкаларининг ягона реестри таркибида шакллантирилдиган ҳамда Ягона порталда эълон қилинадиган электрон давлат хизматларининг тўлиқ рўйхатини, шунингдек ушбу Низомга мувофиқ бошқа ахборотни ўз ичига олган бутунжаҳон Интернет тармоғидаги очиқ ва ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурси;

«Электрон ҳукумат» фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (Идентификациялашнинг ягона тизими) — жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳақиқий идентификацияланишини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорликда мансабдор шахсларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидан рухсат олиб фойдалана олишларини таъминловчи давлат ахборот тизими;

сўров — жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизмати кўрсатиш учун давлат органларига юборилдиган талаби;

идоралараро электрон ҳамкорлик — давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари орқали маълумотлар алмашуви;

электрон давлат хизмати регламенти (Регламент) — электрон давлат хизмати кўрсатиш тартиби ва унга қўйиладиган талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат;

электрон ҳужжатларнинг репозиторийси — электрон ҳужжатларни қайта ишлашни ва сақлашни таъминловчи, шунингдек Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш воситаларини тақдим этувчи ахборот ресурси;

электрон давлат хизмати — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизмати.

2-боб. Ягона порталнинг мақсади ва вазифалари

4. Қуйидагилар Ягона порталнинг мақсадлари ҳисобланади:

ариза берувчиларга давлат органлари томонидан электрон давлат хизматларини кўрсатишни таъминловчи ахборот тизимларининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашувини таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш орқали уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш.

5. Ягона портал қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ариза берувчиларга электрон давлат хизматларидан кафолатланган ва хавфсиз фойдалана олишларини таъминлаш;

электрон давлат хизматлари олиш учун сўровларни ва бошқа ҳужжатларни йўллаш ҳамда электрон давлат хизматлари кўрсатиш натижасини қабул қилиш;

давлат органларига электрон давлат хизматларидан фойдаланиш юзасидан сўровларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва натижасини ариза берувчиларга юбориш имкониятини яратиш;

тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда онлайн-тўлов имкониятларини амалга ошириш;

электрон давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳолати ва боришини кузатиш;

электрон ҳужжатларни шакллантириш, сақлаш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш;

келиб тушган сўровлар ва кўрсатилган электрон давлат хизматлар асосида статистик маълумотларни шакллантириш.

3-боб. Электрон давлат хизматлари турлари ва таснифи

6. Ягона порталда электрон давлат хизматлари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир-

лиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) томонидан давлат хизматларига бўлган талабни баҳолаш мезонларига мувофиқ таҳлил қилган ҳолда жорий қилинади.

7. Электрон давлат хизматлари фойдаланиш учун қулай бўлиши ва ариза берувчиларнинг эҳтиёжлари ҳамда манфаатларига мос бўлиши керак.

Ягона порталнинг асосий тили давлат тили ҳисобланади, шунингдек қорақалпоқ, рус, инглиз ва бошқа тиллардаги версиялари ҳам бўлиши мумкин.

8. Электрон давлат хизматлари ахборот ва интерактив давлат хизматлари шаклида кўрсатилиши мумкин.

Ариза берувчиларнинг ахборотга эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, давлат органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ва бошқача тарқатиш йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизмати ахборот давлат хизмати ҳисобланади.

Ариза берувчига ушбу шахс ва электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи ўртасида икки томонлама электрон ҳамкорлик йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизмати интерактив давлат хизмати ҳисобланади.

Интерактив давлат хизмати автоматлаштирилган давлат хизмати шаклида амалга оширилиши мумкин, унинг кўрсатилиши фақат ахборот тизимларидан ва «Электрон ҳукумат» тизими маълумотлар базаларидан, шу жумладан идоравий ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

9. Электрон давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида тақдим этиладиган ахборот долзарб, ишончли бўлиши ва рухсатсиз фойдалана олиш, чиқиб кетиши, йўқ қилиниши, бузиб кўрсатилиши, блокировка қилинишдан ҳимояланган бўлиши керак.

Электрон давлат хизмати кўрсатиш ёки ундан фойдаланиш жараёнларининг иштирокчиси бўлмаган шахсларга электрон давлат хизмати кўрсатилишида Ягона порталда шаклланган маълумотлардан Вазирлик билан келишилмаган ҳолда фойдаланиш тақиқланади.

10. Электрон давлат хизматлари пулли ёки бепул кўрсатилади.

Пулли электрон давлат хизматларидан фойдаланганлик учун ариза берувчилар томонидан тўловни амалга ошириш тартиби ва усуллари Регламентда белгиланади.

Давлат органлари Регламентда назарда тутилган ҳолатларда, шу жумладан электрон давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари ва тартиб-таомиллари қисқартирилишида электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун бошқа тўлов миқдорини белгилаши мумкин.

11. Ариза берувчиларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш даражаси бўйича электрон давлат хизматлари қуйидагиларга бўлинади:

паст — шахсий маълумотлар тақдим этилишини талаб қилмайдиган хизматлар;

ўрта — ҳақиқий шахсий маълумотлар тақдим этилишини талаб қиладиган хизматлар;

юкори — уларни кўрсатиш учун сўровлар электрон рақамли имзодан фойдаланиб юбориладиган хизматлар.

Давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ариза берувчиларнинг ҳақиқийлик даражасини Вазирлик билан келишган ҳолда белгилайди.

4-боб. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

12. Электрон давлат хизмати кўрсатиш тартиби ва унга қўйиладиган талаблар Регламентда белгиланади.

Регламент давлат хизмати кўрсатиш натижасини тақдим этувчи давлат органи томонидан Вазирлик билан келишган ҳолда ишлаб чиқилади ва келишув Электрон давлат хизматларининг ягона реестрида рўйхатга олиш учун асос ҳисобланади.

13. Регламент:

электрон давлат хизмати бир нечта давлат органлари иштирокида кўрсатилган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

электрон давлат хизмати битта давлат органи томонидан кўрсатилган тақдирда — тегишли давлат органи томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

14. Регламентда қуйидагилар бўлиши керак:

давлат хизматининг номи;

уни кўрсатишнинг қуйидаги тартиботлари тавсифи:

а) ариза берувчидан сўровни қабул қилиш тартиботи бўйича:

электрон давлат хизмати кўрсатиладиган шахслар тоифаси;

сўров бериш усули;

сўровда кўрсатиладиган маълумотлар (аризадаги маълумотлар рўйхати, ариза бланкаси);

сўров электрон шаклда берилганда ариза берувчи ҳақиқийлигининг талаб қилинадиган даражаси;

электрон давлат хизмати кўрсатиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рўйхати ва намуналари;

б) сўровни кўриб чиқиш ва қайта ишлаш тартиботлари бўйича:

электрон давлат хизмати кўрсатиш доирасида идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан олиннадиган маълумотлар рўйхати ва таркиби ҳамда уларни тақдим этувчи (олувчи) давлат органлари рўйхати;

сўровни кўриб чиқиш (қайта ишлаш) муддатлари ва усули, ахборот тизимидан фойдаланилган тақдирда — унинг давлат органлари давлат ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари реестридаги номи ва тартиб рақами;

сўровни кўриб чиқиш (қайта ишлаш) муддатлари;

хизмат кўрсатиш нархи ва тўлов усули (хизмат пулли бўлган тақдирда);

в) натижани сақлаш ва жавобни юбориш тартиботи бўйича:

давлат хизмати кўрсатиш натижасини сақлаш усули ва тури;

давлат хизмати кўрсатиш натижасини тақдим этиш шакли;

давлат хизмати кўрсатилишини рад этиш учун асослар.

15. Электрон давлат хизматини жорий этишда Регламент билан биргаликда Ягона порталда электрон давлат хизматларини жорий қилиш бўйича техник ҳужжатнинг (кейинги ўринларда Техник ҳужжат деб аталади) бўлиши ҳам талаб этилади.

16. Техник ҳужжат давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирлик ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ҳамда «Ўзинфоком» билан келишилгандан сўнг Вазирлик томонидан тасдиқланади.

17. Техник ҳужжатда Ягона порталда жорий этиладиган электрон давлат хизматини тузиш ва лойиҳалаштиришда талаб этиладиган график ва ёзувли маълумотлар, шу жумладан қуйидагилар:

электрон давлат хизмати кўрсатилаётган шахслар тоифаси;

электрон давлат хизмати кўрсатилиши тартиби ва босқичларининг таснифи;

электрон давлат хизматининг техник кўрсаткичлари;

электрон давлат хизматини кўрсатиш муддати ва унга масъул бўлган давлат органларини кўрсатган ҳолда тартибининг график тасвири;

давлат хизматини кўрсатиш нархи ва тўлов усуллари (хизмат пулли бўлган тақдирда);

ариза берувчидан сўровни қабул қилишда, сўровни кўриб чиқишда, натижаси сақланишида ҳамда жавоб йўлланишида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Ягона портал билан давлат органларининг тегишли ахборот тизимлари идоралараро электрон ҳамкорлиги тартиби мавжуд бўлади.

Техник ҳужжат электрон давлат хизматининг техник жиҳатдан амалга оширилиши учун талаб этиладиган бошқа турдаги маълумотларни ҳам ўзида жамлаши мумкин.

18. Ягона порталда электрон давлат хизматлари қуйидагилар орқали тақдим этилади:

ариза берувчининг шахсий кабинети;

давлат органининг шахсий кабинети.

Ягона порталдаги шахсий кабинетга кириш қонунчиликда белгиланган тартибда Ягона идентификациялаш тизими орқали амалга оширилади.

19. Электрон давлат хизматлари олиш учун сўровлар ариза берувчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

20. Ариза берувчининг шахсий кабинети электрон давлат хизматидан фойдаланиш, электрон давлат хизматини кўрсатиш ҳолатини кузатиб бориш, шахсий маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда электрон давлат хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш имкониятларини беради.

Ариза берувчининг шахсий кабинети «Электрон ҳукумат» тизимининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидаги, шу жумладан идоравий ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларидаги маълумотлар асосида фойдаланувчиларни кўрсатилиши лозим бўлган электрон давлат хизматлари ҳақида хабардор қилиш имконини беради.

21. Электрон давлат хизмати кўрсатиш бўйича сўровларни қабул қилиш ва уларга жавоб юбориш давлат органининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади.

Бунда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари хизматни кўрсатиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан мустақил равишда олади.

Электрон давлат хизмати кўрсатиш учун сўровни кўриб чиқиш ва қайта ишлаш, уни кўрсатиш натижасини сақлаш идоралараро ва идоравий ахборот тизимларидан, шу жумладан ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

22. Давлат органининг шахсий кабинети электрон давлат хизмати кўрсатишда керакли ҳужжатлар ва маълумотларни тайёрлаш, таҳрир қилиш, излаш ва тақдим этиш имконияти орқали давлат органининг ваколатли мансабдор шахси томонидан келиб тушган сўровларни қайта ишлаш учун мўлжалланган.

23. Давлат органининг кабинетидан фойдаланиш ҳуқуқи ваколатли мансабдор шахсга мазкур давлат органи раҳбарининг расмий сўрови асосида Вазирлик томонидан тақдим этилади.

Давлат органининг расмий сўровида Ягона идентификациялаш тизими рўйхатидан ўтган электрон давлат хизмати кўрсатиш учун давлат органи ваколатли мансабдор шахслари ҳақида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- а) ваколатли мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- б) эгаллаб турган лавозими;
- в) фойдаланувчига Ягона идентификациялаш тизимида идентификациялаш учун берилган маълумотлар.

24. Давлат органларининг электрон давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимлари электрон ҳукуматнинг инфратузилмаси билан интеграциялашган ва қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мос бўлиши керак.

25. Ягона портал орқали электрон давлат хизматлари кўрсатишда, уни кўрсатиш натижаси ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ шакл бўйича шакллантирилади ва тақдим этилади.

26. Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатлар шаклидаги электрон давлат хизматлари кўрсатиш натижалари давлат органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қоғоз манбада бериладиган ҳужжатларга тенглаштирилади.

27. Ариза берувчи давлат хизматлари кўрсатилиши бўйича сўровини кўриб чиқиш натижаси тўғрисидаги жавобни олиш шаклини танлаш ҳуқуқига эга.

Агар ариза берувчи сўровда жавобни қоғоз манбада юбориш талабини кўрсатган бўлса, давлат хизматлари кўрсатиш натижаси жисмоний шахс хоҳишига кўра доимий ёки вақтинчалик рўйхатда турган почта манзилидаги жойига, юридик шахсга эса — почта манзилига мувофиқ жойлашган жойига юборилади.

5-боб. Электрон ҳужжатлар репозиторийси

28. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш натижалари давлат органларидан электрон ҳужжат шаклида олинган маълумотлар асосида ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда электрон ҳужжатлар репозиторийсида сақланади.

29. Ариза берувчи Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатни қоғоз нусхасини ариза берувчининг шахсий кабинетини орқали олиш имкониятига эга бўлади.

30. Электрон ҳужжатларнинг қоғозли манбадаги нусхалари давлат хизматлари олиш учун анъанавий сўровда уларни ариза берувчилар томонидан тақдим этиш учун мўлжалланган (шахсан келиб, почта ёки факсимиль алоқа орқали).

31. Давлат органлари Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатни Электрон ҳужжатлар репозиторийсининг расмий веб-сайти орқали ноёб идентификация рақамини киритиш ёки электрон ҳужжатда жойлашган QR-кодни сканер қилиш йўли билан ариза берувчилардан олинган электрон ҳужжатларнинг қоғозли манбадаги нусхаларининг ҳақиқийлигини текшириш ва улар бўйича маълумотлар олиш имкониятига эга бўлади.

32. Давлат органлари идоравий ахборот тизимларидан ва маълумотлар базаларидан тақдим этиладиган ахборотнинг ҳақиқийлиги ва долзарблигини таъминлайди.

33. Вазирлик Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатлардаги ахборотнинг бузиб кўрсатилишига йўл қўймаслик чораларини кўради ва идоравий ахборот тизимларидан олинган электрон шаклдаги ахборотнинг мувофиқлигини таъминлайди.

34. Электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

35. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

36. Давлат органларининг раҳбарлари электрон хизматлар кўрсатилишини асосиз рад этиш ва уларнинг сифатсиз тақдим этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

37. Ариза берувчилар нотўғри маълумотлар тақдим этганликлари, электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун тухмат ва ҳақоратлардан иборат сўровлар берганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Ягона интерактив давлат хизматлари портали
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ягона интерактив давлат хизматлари
портали логотипининг тасвири

Ўзбекистон Республикаси
Давлат гербининг тасвири

(Давлат органининг
номи)

Манзили:

Тел:

Эл. почтаси:

№ ABC-123456789-DEF

Хужжат яратилган сана: _____
КК.ОО.ЙИЙИ

Кимга берилган: _____
Олувчининг Ф.И.О./Ташкилотнинг номи (олувчи)

Олувчининг идентификация рақами: _____
ПИНФЛ/СТИР

Хужжатнинг тури (*Маълумотнома, гувоҳнома, билдиришнома ва шу кабилар*)

Хужжатнинг матни (Давлат хизмати регламентига мувофиқ электрон давлат хизмати турига асосан шакллантирилади)

Хужжатни имзолаган шахс _____
Ф.И.О. (давлат органи раҳбари)

Хужжатнинг ҳақиқийлик муддати: _____
КК.ОО.ЙИЙИ (кун)

Мазкур хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон хужжатнинг нусхаси ҳисобланади.

Электрон хужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун edoc.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон хужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.

Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон хужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон хужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

Хужжатнинг
ҳақиқийлигини
тасдиқловчи
QR-код

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарорида:

а) 1-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизими ТУЗИЛМАСИ

Т/р	Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг салмоғи		
		давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	хўжалик бошқаруви органлари	хизматлар кўрсатмайдиган ташкилотлар
	Яқиний рейтинг, шу жумладан:	100%	100%	100%
I.	Расмий веб-сайт ва интерактив давлат хизматлари кўрсатиш	60%	15%	40%
1.1.	Интернет тармоғида расмий веб-сайтнинг мавжудлиги ва ундан фойдалана олиш	1%	1%	1%
1.2.	Расмий веб-сайтнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги	5%	5%	20%
1.3.	«Очиқ маълумотлар» бўлимининг мазмуни	8%	1%	11%
1.4.	«Электрон қатнашиш» учун имкониятлар мавжудлиги	16%	4%	8%
1.5.	Электрон давлат хизматлари кўрсатиш бўйича талабларни бажариш	30%	4%	х
II.	Ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари	16%	50%	22%
2.1.	Ахборот тизимлари, шу жумладан «Электрон ҳукумат» тизими доирасида фойдаланиладиган ахборот тизимлари	8%	2%	15%
2.2.	Идоралараро электрон ҳужжатлар айланиши тизимининг фаолият кўрсатиши	3%	1%	2%
2.3.	Ички электрон ҳужжат алмашинуви тизимининг фаолият кўрсатиши	1%	1%	1%
2.4.	Бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи маълумотлар базалари	4%	1%	4%
2.5.	Ишлаб чиқариш ва техник жараёнларни ташкил этиш, ходимлар бошқаруви доирасида фойдаланиладиган ахборот тизимлари	х	30%	х
2.6.	Моддий-техника ресурсларининг ҳисоб-китоби ва ҳисоботини тартибга солиш,	х	15%	х

Т/р	Кўрсаткич	Кўрсаткичнинг салмоғи		
		давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	хўжалик бошқаруви органлари	хизматлар кўрсатмайдиган ташкилотлар
	ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида фойдаланиладиган ахборот тизимлари			
III.	Ахборот хавфсизлиги	20%	20%	20%
3.1.	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ва воситаларини ташкилотнинг молиялаштириш манбалари билан тасдиқланган яқин йиллардаги фаолиятига жорий этиш тадбирлари режаларининг мавжудлиги	3%	3%	3%
3.2.	Ахборот хавфсизлиги бўйича ташкилий чора-тадбирларнинг мавжудлиги ва уларнинг амалга оширилиши ҳолати	7%	7%	7%
3.3.	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ходимларини ҳимоя қилиш бўйича жисмоний чора-тадбирларнинг мавжудлиги ва амалга оширилиши ҳолати	4%	4%	4%
3.4.	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш техник воситаларининг мавжудлиги ва ҳолати	6%	6%	6%
IV.	Ташкилий жиҳатдан баҳолаш	4%	15%	18%
4.1.	Ташкилотнинг молиялаштириш манбалари билан тасдиқланган, яқин йиллардаги фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш тадбирлари режаларининг мавжудлиги	1%	4%	6%
4.2.	Давлат хизматларини интерактив шаклга босқичма-босқич ўтказиш бўйича ўтказишнинг жадваллари ва саналари кўрсатилган ҳолдаги чора-тадбирлар дастурининг мавжудлиги	1%	х	х
4.3.	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш юзасидан раҳбарият орасидан масъул шахснинг мавжудлиги	1%	1%	2%
4.4.	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш юзасидан масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинманинг ёки тегишли хизматлар аутсорсинги бўйича шартноманинг мавжудлиги	1%	1%	4%
4.5.	Ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион механизмлар ва технологияларни жорий этиш	х	2%	х
4.6.	Ишлаб чиқарилган товар ва маҳсулотларни Интернет тармоғи орқали сотиш	х	3%	х
4.7.	АКТни жорий этиш ва ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил қилиш	х	4%	6%

Изоҳ: Давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг АКТни, шу жумладан «электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари, шунингдек АКТни ривожлантириш бўйича комплекс дастурлари ўз вақтида ва

тўлиқ рўёбга чиқарилиши, «электрон ҳукумат» хизматлари ва ахборот тизимларини жорий этишнинг ижроси таъминланмаган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари якуний баҳодан олиб ташланадиган 20 балл миқдорида «жарима» балли оладилар.

б) 3-иловада:

1-бандга қуйидаги мазмундаги «с» кичик банди қўшилсин:

«с) Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритиш учун қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган статистик ва бошқа ахборотлар»;

10-бандда:

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«а) веб-сайт бўйича кенгайтирилган излаш, шунингдек бошланғич излаш натижаси асосида чуқур излаш вазифалари»;

«б» кичик бандидаги «соддалаштирилган» сўзи «адаптация қилинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

«д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«д) фуқаролар мурожаатларининг кўриб чиқилиши ҳолати ва вақтини, шунингдек электрон давлат хизматлар кўрсатиш ҳолатини кузатиб бориш, шу жумладан электрон почтага ва/ёки аризачининг мобил телефонига билдиришномалар юбориш»;

«ж» кичик бандидаги «онлайн-сўровлар, блоглар, форумлар» сўзларидан сўнг «онлайн-чат» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги «и» кичик банди қўшилсин:

«и) веб-сайт орқали хизматлардан фойдаланишнинг ҳисобини юритиш механизми».

2. Вази́рлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «раҳбар ёки раҳбар томонидан ўрнатилган тартибда белгиланадиган бошқа шахс» сўзлари «мансабдор шахслар, давлат органининг раҳбарлари ёки ўрнатилган тартибда белгиланадиган бошқа ваколатли шахс» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Порталга интерактив давлат хизматларини жорий этишда давлат органларига методологик ва техник ёрдам бериш»;

в) 11-банднинг учинчи хатбошидаги «Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 13-банддаги «тегишли» сўзидан кейин «манбалари бўлмиш» сўзлари қўшилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 йил, 8-сон, 50-модда.), шунингдек қарорга 2-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг давлат ахборот ресурсларини ҳамда интерактив давлат хизматларини ҳисобга олишни такомиллаштиришга оид айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2009 йил 20 августдаги 239-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 йил, 8-сон, 61-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарорига 1-илованинг 38-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 йил, 3-сон, 12-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2010 йил 2 июндаги 104-сон қарорига 3-илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 йил, 6-сон, 25-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 1 февралдаги 24-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 йил, 2-сон, 3-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига 1-илованинг 87-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 йил, 11-сон, 79-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига 2-илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 йил, 12-сон, 95-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2013 йил 31 майдаги 152-сон қарорига илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 йил, 5-сон, 34-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига 1-илованинг 55-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 йил, 9-сон, 64-модда).

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2014 йил 17 июлдаги 196-сон қарорига 1-илованинг 28-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 йил, 7-сон, 73-модда).

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 мартдаги 74-сон қарорига илованинг 9-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 йил, 3-сон, 22-модда).

12. Вазирлар Маҳкамасининг ««Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида» 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 йил, 6-сон, 47-модда), шунингдек қарорга 1-илова.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1038** Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва компенсация тўловлари соҳасидаги муносабатларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги 165-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Марказ ходимларига тўлов манбаларидан қатъи назар, Давлат рақобат қўмитаси ходимлари учун қонун ҳужжатларида ва идоравий ҳужжатларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва компенсация тўловлари шартлари татбиқ этилади.

Бунда Марказ ходимлари йил якунлари бўйича фаолияти учун олти лавозим маоши миқдоригача мукофот билан рағбатлантирилади, унинг аниқ миқдори Давлат мулки қўмитаси раиси билан келишган ҳолда ҳар бир ходимнинг иш самарадорлигига қараб Марказ раҳбарининг қарори билан белгиланади.»

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 сентябрь,
729-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1039 Наманган шаҳрида замонавий маданият ва истироҳат
боғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда Наманган шаҳрининг туристик жозибадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва «Наманган истиқлол боғи» МЧЖ умумий йиғилишининг «Наманган истиқлол боғи» МЧЖ (кейинги ўринларда инвестор деб аталади) томонидан Наманган шаҳридаги собиқ «Машраб» боғи ўрнида замонавий маданият ва истироҳат боғини барпо этиш лойиҳасини (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Наманган вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда собиқ «Машраб» боғи (кейинги ўринларда боғ деб аталади) ҳудудида жойлашган барча бино ва иншоотларни белгиланган тартибда бузилишини, бузишдан бўшаган ер участкаларини лойиҳани амалга ошириши учун инвесторга белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг:

боғ ҳудудига туташ ҳудудда жойлашган 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда (кейинги ўринларда объект деб аталади) Наманган шаҳар ҳокимлигига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида текин бериш;

Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилиб олинган объектни баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган бозор қийматида мулк ҳуқуқи асосида инвесторга бериш;

Подшоота-чодалк ирригация тизимларига қарашли Фирвонсой сел омбори гидротехника иншоотини тегишли ҳудуди билан бирга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида, лойиҳа тўлиқ амалга оширилиб, фойдаланишга топширилгандан сўнг инвесторга бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Белгилансинки:

Наманган шаҳар ҳокимлиги инвесторга янги болалар спорти мактабининг қурилиши учун шаҳар ҳудудидан тегишли ер майдонининг белгиланган тартибда ажратилишини таъминлайди;

инвестор қабул қилиб олган объектнинг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган бозор қийматидан кам бўлмаган қийматдаги янги болалар

спорти мактабини 2019 йил 1 сентябрга қадар куриб битказилишини таъминлайди ва Наманган шаҳар ҳокимлигига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида давлат мулки сифатида топширади;

инвесторга ажратилган ҳудуддаги кўчмас мулк объектлари эгалари бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга пул компенсацияларини тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом талаблари доирасида амалга оширилади.

5. «Ўзбекэнерго» АЖ Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

электр энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигига риоя қилиш мақсадида боғ ҳудудидagi мавжуд 35/6 кВт Машраб нимстанциясини, 4 та темир устунли «Машраб» 35 кВ ҳаво электр узатиш тармоқ линияларини, 7 та бетон устунли 6 кВ ҳаво электр узатиш тармоқ линияларини ҳамда «Гулбоғ», «Мудофаа», «Олмос» фидерларидан келувчи ҳаво электр узатиш тармоқ линияларини ўз маблағлари ҳисобидан кўчириш;

боғ ҳудудини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида «Сардор» нимстанциясидан алоҳида 110 кВ линияли янги нимстанцияни ташаббускор маблағлари ҳисобидан куриш чораларини кўрсин.

6. Наманган вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда боғ ўрнида ташкил этилаётган замонавий маданият ва истироҳат боғини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминласин;

«Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда боғ ҳудудидан ўтувчи табиий газ тармоғини боғ ҳудудидан ташқарига кўчириш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Наманган вилояти ҳокимлигининг талабномаларига кўра, лойиҳани амалга ошириш доирасида жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмаган ҳолда кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Наманган вилояти ҳокимлигининг талабномаларига кўра, лойиҳани амалга ошириш доирасида жалб этиладиган хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда давлат божи ундирилмаган ҳолда кўп маротабалик визалар бериш ва муддатини узайтириш, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойида рўйхатга олиш ва вақтинчалик рўйхатда туриш муддати узайтирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги инвесторнинг талабномаларига кўра, лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган юқори малакали хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб қилишга рухсатномаларни беришни (муддатини узайтиришни), шунингдек, юқорида қайд этилган фуқароларга Ўзбекистон Республи-

каси худудиди меҳнат фаолиятини олиб боришга ҳуқуқ берадиган тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

10. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига инвесторга лойиҳани молиялаштириш, республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар ва уларга бутловчи буюмларни харид қилиш учун белгиланган тартибда кредитлар, шу жумладан чет эл валютасидаги кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳани амалга ошириш доирасида лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин ҳамда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АЖ, ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖ инвесторнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган металл прокати ва цемент маҳсулотларини тўғридан-тўғри шартномалар ҳамда тартибга солинадиган нархлар асосида ўрнатилган тартибда ажратилишини таъминласин.

«Ўзнефтмаҳсулот» АЖ инвесторнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган бензин, дизель ва битум маҳсулотларини ўрнатилган тартибда ажратилишини таъминласин.

13. Наманган вилояти ҳокимлиги инвестор билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш ишларини 2019 йил 1 мартга қадар яқунланишини, лойиҳанинг 2019 йил 21 март куни фойдаланишга топширилишини таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Наманган вилояти ҳокими Х.Х. Бозаров ва Наманган шаҳар ҳокими Ш.Ш. Абдуразақов зиммасига оқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 сентябрь,
730-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1040** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3160-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3160-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 сентябрь,
731-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 16 сентябрдаги 731-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Оила» илмий-амалий маркази иштирокчилар кенгаши таркиби тўғрисида» 2001 йил 30 майдаги 242-сон қарорига илованинг 13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. А. Қодиров — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институту ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 19 июндаги 175-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 25-сон, 273-модда):

а) 2-илованинг 10-бандидаги «Республика Маънавият тарғибот маркази ҳудудий бўлим раҳбари» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлими раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

10 ва 22-бандлардаги «Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

19, 20, 21 ва 23-бандлардаги «Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 13 июлдаги 214-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 53-модда) 2-илованинг еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«А. Қодиров — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 30 сентябрдаги 267-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 9-сон, 68-модда):

а) ўттиз бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«А. Қодиров — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари»;

б) ўттиз тўққизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) қирқинчи хатбоши ўттиз тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 71-модда) 4-илованинг 6-бандидаги «Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларининг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 14 декабрдаги 329-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ тўплами, 2013 й., 12-сон, 93-модда):

а) 1-илованинг 34-бандидаги «Республика Маънавият тарғибот маркази Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари

раислари» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари раҳбарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 23-бандидаги «Маънавият тарғибот маркази туман (шаҳар) бўлими раҳбари» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат марказининг туман (шаҳар) бўлинмалари раҳбарлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Даврий босма нашрларнинг мажбурий нусхалари юбориладиган муассаса ва ташкилотларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 31 январдаги 21-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 6-сон, 66-модда) иловада:

а) 13-банддаги «Муассаса ва ташкилотлар номи» устунидаги «Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат санъат музейи биносини реконструкция қилиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида» 2014 йил 23 декабрдаги 359-сон қарорининг 8-бандидаги «Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 17-сон, 206-модда) 1-иловада:

а) йигирма учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) йигирма тўртинчи — ўттинчи хатбошилари тегишли равишда йигирма учинчи — йигирма тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) йигирма учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А. Қодиров — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 12 августдаги 263-сон қарорига иловада:

а) 3, 15 ва 16-бандларнинг «Масъуллар» устунидаги «Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14 ва 17-бандларнинг «Масъуллар» устунидаги «Республика Маънавият тарғибот маркази» сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 14 апрелдаги 211-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 16-сон, 275-модда) 12-бандидаги «Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази»

сўзлари «Республика Маънавият ва маърифат маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исоқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 13 апрелдаги 208-сон қарорига иловада:

а) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. А. Қодиров — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари»;

б) 14-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 16 сентябрдаги 731-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 8 июндаги 288-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарори)» 2006 йил 7 ноябрдаги 230-сон қарорига илованинг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1042 Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спортчи лавозимини жорий этиш ҳамда уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3196-сон қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш ҳамда юксак маҳоратли спортчилар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2018 йил 1 январдан бошлаб Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари (кейинги ўринларда спорт мактаблари деб аталади) штатлар жадвалига «спортчи» лавозими киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«спортчи» лавозимига Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг асосий таркибидидаги спортчилар қабул қилинади;

спорт мактабларида «спортчи» лавозими бўйича штат бирликлари сони спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг аъзолари сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда икки ой муддатда «спортчи» лавозимига қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилаш тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб спорт мактабларида «спортчи» лавозими бўйича штат бирликларини сақлаш учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутсин.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Ж. Қурбонов ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф

муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
733-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

1043 Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги ва «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
734-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 сентябрдаги 734-сон қарорига
ИЛОВА

**Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва
сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар (кейинги ўринларда махсус қабулхона деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Махсус қабулхона ички ишлар органлари тизимига кирувчи, туман (шаҳар) маъмурий суди судьясининг қарори, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса, шунингдек ҳарбий комендантнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарори асосида маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус муассаса ҳисобланади.

3. Махсус қабулхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

4. Махсус қабулхоналар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузурида ташкил этилади.

5. Махсус қабулхоналарнинг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

6. Махсус қабулхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

7. Махсус қабулхона давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

**2-боб. Махсус қабулхонанинг асосий вазифалари ва
функциялари**

8. Қуйидагилар махсус қабулхонанинг асосий вазифалари ҳисобланади: маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлашни ташкил этиш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек уларга юклатилган мажбуриятларни бажаришларини ташкил этиш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

маъмурий қамоққа олинган шахслардан сақлаш харажатларини ундириш ва уларни меҳнатга жалб этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш.

9. Ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда махсус қабулхона қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлашни ташкил этиш бўйича:

туман (шаҳар) маъмурий суди судьясининг қарори, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса, шунингдек, ҳарбий комендантнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарори асосида маъмурий қамоққа олинган шахсларни кечаю кундуз қабул қилиш;

маъмурий қамоққа олинган шахснинг шахсий кўриқдан ўтказилиши, бармоқ изларининг рўйхатга олиниши, ушбу шахснинг фотосуратга олиниши, ундаги мавжуд ашёларнинг кўздан кечирилишини ташкил этиш;

маъмурий қамоққа олинган шахсни қабул қилиш пайтидан бошлаб унга телефон орқали адвокатга, қариндошларига ёхуд бошқа шахсларга қўнғирок қилиш ёки хабар қилиш ҳуқуқини бериш, шунингдек қабул қилинаётган чет эл фуқароси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилиш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг шахси ва психологик жиҳатдан мослиги ҳисобга олинган ҳолда сақланишини ташкил этиш;

махсус қабулхона ҳудудига шахсларнинг кириш-чиқиш режимига риоя этилиши, шунингдек махсус қабулхонанинг ички тартиб қоидаларига амал қилинишини ташкил этиш;

б) маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек уларга юклатилган мажбуриятларни бажаришларини ташкил этиш бўйича:

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг адвокати, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашув ҳуқуқи амалга оширилишини ташкил этиш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг оғзаки ёки ёзма шаклда берган аризалари, таклифлари ва шикоятлари бўйича тегишли чоралар кўрилишини ташкил этиш;

маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан почта жўнатмаларини ва йўқловларни олиш ҳамда жўнатишлари учун зарур шароитлар яратиш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг махсус қабулхона ҳудудидан четга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланишларини ташкил этиш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг махсус қабулхона мол-мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишларини ташкил этиш;

маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан бошқа шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи, шунингдек ўз ҳаёти ва соғлиғига ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатларни содир этишларининг олдини олиш чораларини кўриш;

в) маъмурий қамоққа олинган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича:

маъмурий қамоққа олинган шахсларга санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган моддий-маиший шароитлар яратиш;

мунтазам равишда дезинфекция ва бошқа санитария-гигиена тадбирлари ўтказилишини таъминлаш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларни белгиланган нормалар бўйича озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш вақтида уларнинг орасида беморлар ва тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида бирламчи тиббий кўрикни амалга ошириш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда тиббий даволанишга муҳтож бўлган шахсларни соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда ўрнатилган тартибда тиббий муассасаларга жойлаштириш;

г) маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш ва уларни меҳнатга жалб этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш бўйича:

тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда маъмурий қамоққа олинган шахслардан махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш чораларини кўриш;

туман (шаҳар) ҳокимликлари билан ҳамкорликда маъмурий қамоққа олинган шахсларни фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этиш чораларини кўриш;

меҳнатга жалб қилинган маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳақ олишлари ва меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлаш;

меҳнатга жалб этилган маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг доимий назоратда бўлишини ташкил этиш.

3-боб. Махсус қабулхонанинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

10. Махсус қабулхона ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

махсус қабулхонада жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг, ички тартиб қоидалари бузилишининг олдини олиш ҳамда маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг хулқ-атвори тўғрисида зарур ахборот

олиш учун назорат ва текширувнинг аудиовизуал, электрон воситалари ва бошқа техник воситаларини қўллаш;

маъмурий қамоққа олинган шахслардан сақлаш, тарқатиш, истеъмоладан қилиш ва фойдаланиш тақиқланган ҳужжатларни, пул маблағларини, қимматбаҳо буюмларни, нарсаларни ҳамда бошқа ашёларни олиб қўйиш;

махсус қабулхонанинг ички тартиб қоидаларига риоя этаётган ва меҳнатга виждонан муносабатда бўлаётган маъмурий қамоққа олинган шахсларга нисбатан рағбатлантириш (ташаккур эълон қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича телефон орқали лимитланган бир марталик қўшимча сўзлашув ҳуқуқини бериш, ҳар кунги сайр вақтини уч соатгача узайтириш) ҳамда Қонун талаблари ва ички тартиб қоидаларининг бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан интизомий жазо (огоҳлантириш, телефон орқали навбатдаги сўзлашув ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ҳақ тўланмайдиган жисмоний ишларга навбатдан ташқари жалб этиш) чораларини қўллаш;

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ёзма розилиги билан уларни ҳақ тўланадиган меҳнатга, шунингдек махсус қабулхона хоналарида санитария-гигиена, маиший шароитларни яхшилаш, ички ишлар органи ёки махсус қабулхона ҳудудини ободонлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳақ тўланмайдиган жисмоний ишларга жалб этиш;

Махсус қабулхона қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Махсус қабулхона қўйидаги мажбуриятларга эга:

маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилишини ташкил этиши;

маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарур чоралар кўриш;

махсус қабулхона иш фаолияти ҳақида зарур маълумотларни тайёрлаш ва бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларига тақдим этиш.

Махсус қабулхона қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Махсус қабулхона ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажарилиши учун жавобгардир.

4-боб. Махсус қабулхона фаолиятини ташкил этиш

13. Махсус қабулхонага раҳбарликни бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан тайинланадиган бошлиқ амалга оширади.

14. Махсус қабулхона бошлиғи ўз ваколатлари доирасида:

махсус қабулхона ваколоти доирасига кирувчи масалалар бўйича қарор-

лар қабул қилади ва махсус қабулхонага юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

махсус қабулхона фаолиятида қонунийликни таъминлаш чораларини кўради, ходимларнинг касбий тайёргарлиги ва интизоми, хизмат фаолияти юзасидан назоратни амалга оширади;

махсус қабулхонанинг кун тартибини тасдиқлайди ва ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

маъмурий қамокқа олинган шахсларни рағбатлантириш, шунингдек интизомий жазо чоралари қўллаш тўғрисида буйруқлар чиқаради ва уларга эълон қилади;

махсус қабулхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

5-боб. Яқуний қоидалар

15. Махсус қабулхоналар фаолияти устидан назорат бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари томонидан амалга оширилади.

Махсус қабулхоналарда қонунларга риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1044** Вазирлар Маҳкамасининг «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида» 2017 йил 10 майдаги 266-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида

Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида» 2017 йил 10 майдаги 266-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 19-сон, 342-модда) 6-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, Институт ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари жорий этилади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
735-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1045** Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш асосида қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини етакчи хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларга марказлаштирилган ҳолда юбориш, шунингдек маҳорат сабоқларини ўтказиш ҳамда мамлакатимиз мутахассисларини тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий технологиялари бўйича ўқитиш учун республикага малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш йўли билан уларни қайта тайёрлаш, малакаси ва касб кўникмаларини оширишни ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун хорижий етакчи тиббиёт ҳамда илмий муассасаларга юбориш, шунингдек республикага малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифларига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Режа-жадвалга мувофиқ амалга оширилади;

хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш учун юбориладиган давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт кадрлари танлов асосида танлаб олинади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра республикага хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасалардан малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини:

қисқа муддатли меҳнат шартномалари бўйича жалб этишда — хорижий тиббиёт мутахассисларининг яшаши давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан уларни республика меҳмонхоналарига жойлаштириш йўли билан ташкил этилади;

уларга мамлакатимизда бўлиш даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кундаги курси бўйича 20 АҚШ доллари эквивалентида ҳар кунлик норма бўйича миллий валютада суткалик пул тўланади.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига марказлаштирилган тартибда ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга юбориш, шунингдек республикага малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш харажатларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ва тасдиқланган Режа-жадвалга мувофиқ 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг «Соғлиқни сақлаш» соҳаси параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини етакчи хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга юбориш, шунингдек республикага малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун бюджетдан зарур маблағлар ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса — ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда ушбу маблағларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориш учун танлов асосида танлаб олиш, шунингдек республикага етакчи хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан таклиф этиладиган малакали хорижий тиббиёт мутахассисларининг рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда тасдиқласин;

давлат тиббиёт ташкилотларининг етакчи хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориладиган тиббиёт кадрларини танлаб олиш сифати, шунингдек бюджетдан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан зарур назоратни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жалб этиладиган хорижий мутахассислар учун кириш визаларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртманомалари бўйича консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жалб этиладиган малакали хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртманомалари бўйича ўз вақтида берилиши ва муддати узайтирилишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология,

атроф мухитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
736-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**1046 Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг моддий-техника
базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирла-
ри тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги ПҚ–3138-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг, айниқса ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш, уларни китоблар билан таъминлаш тизимини янада самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Ўздавкитобсавдотаъминоти» МЧЖнинг:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг майдони 270 кв. м бўлган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Марказ-1, Мустақиллик кўчаси, 6-уй ва майдони 1650 кв.м бўлган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Марказ-1, Мустақиллик кўчаси 7-уй манзилида жойлашган биноларини Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги «Китоб олами» МЧЖнинг устав фондига давлат улуши сифатида белгиланган тартибда бериш;

«Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Фафур Фулом ва Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти давлат корхонаси, «Ўздавкитобсавдотаъминоти» МЧЖ ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг «Китоб олами» МЧЖ устав фондига ўз улушларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқига мулк ҳуқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда:

«Китоб олами» МЧЖ устав фонди ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган бинолар ҳисобига оширилишини;

«Китоб олами» МЧЖнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи «Китоб олами» МЧЖ фаолиятини самарали ташкил этиш, шу жумладан республиканинг барча ҳудудларида унинг филиалларини очиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 июлдаги 193-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Х. Тангриев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раиси Қ.Қ. Қуранбоев зиммасига, Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ҳамда Маданият, санъат ва туризмни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
737-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲKAMACI CINIING
ҚАРОРИ**1047** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Давлат консерваториясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 августдаги ПҚ–3243-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Давлат консерваториясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 августдаги ПҚ–3243-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 3-сон, 11-модда) 9-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Марказнинг марказий аппарати ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудий бошқармалари Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уйда жойлаштирилсин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1999 йил 21 майдаги 263-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 27-модда) 13-бандидаги «Бухоро кўчасидаги 10-уйга» сўзлари «Мустақиллик шоҳкўчасидаги 107-уйда» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
738-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1048** Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспор-
тида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар
атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича та-
шиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқ-
лаш ҳақида» 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига ўзгарти-
риш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либерал-
лаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил
2 сентябрдаги ПФ-5177-сон Фармони ижро этиш ҳамда автомобиль транс-
портида йўловчилар ва юкларни ташишни лицензиялаш механизмни тако-
миллаштириш, автомобилларда ташувчилар фаолиятини амалга ошириш учун
янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор
қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспортида йўловчиларни
ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар
бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида» 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси
ҚТ, 2006 й., 7-сон, 51-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар
киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир
йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон автомо-
биль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг ўринбосари Ш.Ш. Шоваҳо-
бов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
739-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 сентябрдаги 739-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

- 1-илованинг 5-банди иккинчи хатбошида:
«р» ва «т» кичик бандлари чиқариб ташлансин;
«с» кичик бандидаги «шаҳарда» сўздан кейин «ва шаҳар атрофида» сўзлари қўшилсин.
- 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божи МИҚДОРЛАРИ

Фаолият турлари		Сигими (йўловчи ўрни ва юк кўтариш қуввати, тонна)	Автомототранспорт воситасининг бир бирлиги учун 1 йилга давлат божи миқдори (энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан шунча баравар)
1) йўловчиларни шаҳарда ташиш	автобуслар	14 ўрингача	1,0
		14 ўридан ортиқ	2,5
	микроавтобуслар	1 та транспорт воситаси учун	8,0
	енгил автомобиллар	4 ўрингача 4 ўридан ортиқ	2,0 3,5
2) йўловчиларни шаҳар атрофида ташиш	автобуслар	19 ўрингача	2,0
		19 ўридан ортиқ	4,0
	микроавтобуслар	1 та транспорт воситаси учун	8,0
	енгил автомобиллар	4 ўрингача 4 ўридан ортиқ	2,0 3,5
3) йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш	автобуслар	30 ўрингача	6,0
		30 ўридан ортиқ	16,5
	микроавтобуслар	1 та транспорт воситаси учун	19,5
4) йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш	енгил автомобиллар	1 та транспорт воситаси учун	5,5
	автобуслар	12 ўридан ортиқ	28,0
	микроавтобуслар	1 та транспорт воситаси учун	22,0
	енгил автомобиллар	1 та транспорт воситаси учун	7,0
5) юкларни автомобиль транспортида шаҳарда ва шаҳар атрофида ташиш		3,5 тоннагача	1,0
		3,5 тоннадан 10 тоннагача	2,5

Фаолият турлари	Сигими (йўловчи ўрни ва юк кўтариш қуввати, тонна)	Автомототранспорт воситасининг бир бирлиги учун 1 йилга давлат божи миқдори (энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан шунча барабар)
	10 тоннадан 16 тоннагача	4,0
	16 тоннадан ортиқ	5,5
6) юкларни автомобиль транспортида шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш	3,5 тоннагача	2,0
	3,5 тоннадан 10 тоннагача	4,0
	10 тоннадан 16 тоннагача	5,5
	16 тоннадан ортиқ	7,0
	1 та транспорт воситаси учун	7,0
7) юкларни автомобиль транспортида халқаро йўналишлар бўйича ташиш	1 та транспорт воситаси учун	7,0

Изоҳ: Давлат божи лицензия/лицензия варақаларини олиш учун тўланган кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида ҳисобланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1049 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 24 августдаги ПҚ–3242-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
740-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 сентябрдаги 740-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг
моддий-техника базасини ривожлантириш
жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) мақсади ва асосий вазифаларини, фаолиятини амалга ошириш ва Жамғармани бошқариш тартибини, шунингдек Жамғарманинг маблағларини шакллантириш манбаларини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди.

2. Жамғарма республика таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини замонавий талабларни ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда тизимли асосда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни энг илғор ўқув, ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари, ахборот-компьютер техникаси билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарорига мувофиқ Молия вазирлиги ҳузуридаги Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси негизида ташкил этилган.

3. Жамғарма юридик шахс тузмасдан ташкил этилган.

2-боб. Жамғарманинг асосий вазифалари ва маблағларидан фойдаланиш йўналишлари

4. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ва маблағларидан фойдаланиш йўналишлари ҳисобланади:

Жамғармага келиб тушаётган маблағларни кейинчалик улардан қонунчиликка мувофиқ мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади), шунингдек тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) мақсадида фойдаланиш учун жамлаш;

тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ мактабгача таълим муассасаларини, шу жумладан болалар суҳбатлашиш жойларини, ўйин майдончаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ва ҳудудларни ўраш ишларини молиялаштириш;

умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни, шу жумладан идоравий бўйсунувдагиларни, қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шу жумладан, зарур ҳолатларда ўқув корпусларини ўқув устахоналари ва лабораториялар билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш;

тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни молиялаштириш;

тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини молиялаштириш;

тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш;

замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тасдиқланган нормативлардан келиб чиқиб, таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория, илмий ва ишлаб чиқариш ускуналари, мусиқа чолғу асбоблари, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа элементлари билан, шунингдек ўқув мебеллари ва асбоб-анжомлари билан жиҳозлашни (тўлиқ жиҳозлашни) молиялаштириш;

замонавий талаблар ва белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, диагностика ва даволаш ускуналари, компьютер техникаси ҳамда бошқа тиббий аппаратлар, махсус мебель ва анжомлар билан жиҳозлашни ҳамда доимий равишда тизимли қайта жиҳозлашни молиялаштириш;

замонавий талаблар ва белгиланган нормативлардан келиб чиқиб, болалар мусиқа ва санъат мактабларини энг янги мусиқа ва чолғу асбоблари

ва махсус ускуналар, ўқитишнинг техник воситалари, ўқув мебеллари ва анжомлари билан жиҳозлашни молиялаштириш.

3-боб. Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари ва тартиби

5. Қўйидагилар Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмалардан тушадиган маблағлар;

«таълим» ва «соғлиқни сақлаш» соҳаси моддалари бўйича алоҳида сатр билан ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари маблағлари;

халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

хайрия қилувчилар — юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

6. Хўжалик юритувчи субъектлар (тўловчилар) Жамғармага мажбурий ажратмаларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланадиган тўлов объекти ва ставкаларидан келиб чиққан ҳолда йўналтирадилар.

7. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот тизимида очиладиган ғазначилик ҳисоб рақамларида жамланади.

4-боб. Жамғармани бошқариш

8. Таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Жамғармани бошқариш кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

9. Жамғармани бошқариш кенгаши:

умумий раҳбарликни амалга оширади ва Жамғармага юкланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил қилади;

Жамғарма даромадлари барқарор шакллантирилиши, ўз вақтида молиялаштирилиши ва Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши таъминланишини доимий назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасининг ҳолати мунтазам равишда ўрганилишини, кейинчалик уларнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йиллик дастурлари шакллантирилишини ташкил этади;

таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йиллик дастурларини тасдиқлайди;

умумий тасдиқланган параметрлар доирасида, зарурат бўлганда, Жамғарма даромадлари (манбалар бўйича) ва харажатларининг прогноз параметрларига ўзгартириш ва аниқликлар киритади;

Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси фаолиятини назорат қилади;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик юритувчи субъектларни ва нотижорат ташкилотларни жалб қилади, шунингдек хайрия қилувчилар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағларини жалб этишда Жамғармага кўмаклашади.

10. Жамғармани бошқариш кенгаши мажлислари заруратга кўра ўтказилади.

Жамғармани бошқариш кенгаши қарорлари мажлисда қатнашаётган Жамғармани бошқариш кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганда Жамғармани бошқариш кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

11. Жамғармани бошқариш кенгашининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари ва бошқа ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

12. Жамғарма маблағларини бошқариш Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш;

Жамғармани бошқариш кенгашига даромадлар манбалари билан боғланган ҳолда Жамғарма маблағларидан асосий йўналишлар (таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича фойдаланиш юзасидан таклифлар киритиш;

таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг аниқ манзилли рўйхатларининг бажарилишини таҳлил қилиш ва мониторинг олиб бориш

ҳамда тегишли материалларни Жамғармани бошқариш кенгашига киритиш;

зарурат бўлганда, жойларга чиққан ҳолда, таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йиллик дастурларини шакллантиришда иштирок этиш;

Жамғарма даромадлари ва харажатларини ойма-ой тасдиқлаш, шунингдек даромадлар параметрларини минтакалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг тегишли бўлинмаларига ҳамда харажатлар параметрларини Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича Молия вазирлигининг тегишли бўлинмаларига ва худудий молия органларига етказиш,

таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йилги дастурларини молиялаштириш назарда тутилган Жамғарма маблағларининг ҳисобга олинишини таъминлаш.

Жамғарманинг ижро этувчи директори вазифалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг мутасадди ўринбосарига юкланади.

5-боб. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

13. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига ва ушбу Низомга мувофиқ келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаларини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

14. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ҳар йили навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Жамғармага мажбурий ажратмалар тушумлари прогнозини тайёрлайди.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда жорий йил 15 июнгача кейинги йил учун Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига барча йўналишлар бўйича Жамғарма харажатлари прогнозларини, Жамғарма харажатлари бўйича бюджет сўровини ҳамда кейинги йил учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) бўйича таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йилги дастурларини тақдим этадилар.

16. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Жамғармага тушаётган маблағлар доирасида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда:

таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) дастурининг узил-кесил параметрларини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш манзилли дастурлари лойиҳалари асосида шакллантиради;

кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритиш учун келгуси йил таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли дастури лойиҳасини Жамғармани бошқариш кенгашига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади.

17. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиллик параметрлари тасдиқлангандан кейин Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси 10 кун мобайнида Жамғарма маблағларини олувчиларни (Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияларига улар учун белгиланган харажатлар ҳажмларини маълум қилади.

6-боб. Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

18. Жамғарма маблағлари:

а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фазначилик бошқармаларидаги (кейинги ўринларда фазначиликнинг ҳудудий бошқармалари деб аталади) хизмат кўрсатиладиган шахсий фазна ҳисобварақлари орқали:

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) харажатлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш харажатларига сарфланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг алоҳида қарорларига асосан буюртмачи сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари, шунингдек тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган тегишли вазирликлар ва идоралар белгиланган олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш харажатларига сарфланади;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида хизмат кўрсатиладиган шахсий фазна ҳисобварақлари орқали:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан

таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш харажатларига сарфланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) харажатларига сарфланади;

буюртмачи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси, белгиланган олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш харажатларига сарфланади;

буюртмачи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар белгиланган олий таълим муассасаларини жиҳозлаш харажатларига сарфланади.

19. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — тендер (танлов) савдолари асосида ва капитал қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қурилиш бўйича бирлашган дирекцияси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган тендер (танлов) савдолари асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан;

олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — тендер (танлов) савдолари асосида ва капитал қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибга мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан;

олий таълим муассасаларини жиҳозлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилган смета харажатлари асосида:

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича — тендер (танлов) савдолари асосида ва капитал қури-

лиш соҳасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари томонидан;

таълим муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган тендер (танлов) савдолари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

20. Таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг мақсадга мувофиқлиги, шунингдек миқдор, сифат ва етказиб бериш муддатлари бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторинги юзасидан жавобгарлик тендер (танлов) савдолари буюртмачилари — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган тегишли вазирлик ва идораларга, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига, шунингдек уларнинг ҳудудий бўлинмаларига юкланади.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг ҳудудий бошқармалари таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича шартномаларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар бўйича қатъиян харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг белгиланган тартибда тасдиқланган аниқ манзилли рўйхатларига мувофиқ харажатлар тўловини амалга оширадilar.

22. Қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича харажатларни тўлаш:

таълим муассасалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасалари бўйича — вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияларининг тўлов топшириқномалари асосида Фазначиликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасалари бўйича — таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг аниқ манзилли рўйхатлари бўйича белгиланган лимитлар доирасида ҳамда тендер (танлов) савдолари натижаларини ҳисобга олган ҳолда тузилган шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қурилиш бўйича бирлашган дирекциясининг тўлов топшириқномалари асо-

сида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан амалга оширилади.

олий таълим муассасалари бўйича — таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг аниқ манзилли рўйхатлари бўйича белгиланган лимитлар доирасида ҳамда тендер (танлов) савдолари натижаларини ҳисобга олган ҳолда тузилган шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг тўлов топшириқномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан амалга оширилади.

23. Шартномаларда:

қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг дастлабки икки ойи мобайнида тенг улушлар билан, қурилишнинг прогноз қилинаётган йили учун тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича аниқланган ишлар қийматининг 30 фоизгача миқдорда аванс тўловларини амалга ошириш;

хар ойда, ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдорида жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

шартномада кўрсатилган кафолат муддати тугагач қолган 5 фоизни пудратчига тўлаш мажбурий шартлари назарда тутилади.

24. Жихозлаш (тўлиқ жихозлаш) бўйича харажатларни тўлаш:

таълим муассасалари бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият бошқармаларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармаларининг тўлов топшириқномалари асосида Ғазначиликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тўлов топшириқномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан;

олий таълим муассасалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган тегишли вазирлик ва идораларнинг тўлов тўпшириқномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан амалга оширилади.

25. Шартномаларда:

шартнома умумий суммасининг камида 30 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга ошириш;

хар ойда, ажратилган аванс тўловларини ушлаб қолган ҳолда, етказиб берилган товарларнинг амалдаги ҳажмидан келиб чиқиб жорий молиялаштиришни амалга ошириш мажбурий шартлари назарда тутилади.

26. Маблағларни (шу жумладан, товарларни етказиб берувчилар, ишлар ва хизматларни бажарувчилар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги учун жарима санкцияларини қўллашдан олинган маблағларни) харажатларнинг тасдиқланмаган сметасисиз, шунингдек Жамғарма харажатлари прогнозидан назарда тутилмаган тадбирларга ёки ҳам умуман харажатлар сметалари бўйича ва ҳам харажатларнинг алоҳида турлари бўйича сметаларда белгиланганидан ортиқча сарфлаш тақиқланади.

Пудрат ташкилотлари, товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб берувчилар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун жарима санкцияларни қўллашдан тушган маблағлар Жамғарманинг шахсий ҳазна ҳисобварағига ўтказилади.

27. Жорий молия йили якунлари, шу жумладан, олдинги йилларда Жамғарма маблағлари олувчиларининг мажбуриятлари бўйича қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг аниқ манзилли рўйхатларида ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича харажатлар сметаларида назарда тутилган тўлиқ молиялаштирилмаган маблағлар Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари балансланганлиги таъминланишини ҳисобга олган ҳолда келгуси молия йилида тўланади.

28. Жамғарманинг ҳисоб рақамларидан маблағларни ушбу Низомда назарда тутилмаган мақсадларга ўтказиш ва вақтинчалик олиб қўйиш тақиқланади.

7-боб. Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг ўтказилиши ва тушишини ҳамда жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш

29. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг тузилиши ва ҳисобини қонунчиликда белгиланган тартибда юритади.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

30. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари:

Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан назоратни;

тўловчилар бўйича Жамғармага мажбурий ажратмалар ҳисоби юритилишини;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши бўйича текширишларнинг амалга оширилишини таъминлайдилар.

31. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай Жамғарманинг ижро этувчи

дирекциясига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 1-кунидаги ҳолати бўйича Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг ҳисобланган ва тушган суммалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек вазирликлар ва идоралар бўйича мазкур ажратмалар юзасидан қарзлар тўғрисида тезкор ҳисобот тақдим этади.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан Жамғармага мажбурий ажратмалар тўловларидан маблағлар тушишига тааллуқли қўшимча маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

32. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари томонидан таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга ажратилган Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармаларига тақдим этилади.

33. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қурилиш бўйича бирлашган дирекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун ажратиладиган Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига тақдим этилади.

34. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)га ажратиладиган Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига тақдим этилади.

35. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари томонидан таълим муассасаларини жиҳозлашга (тўлиқ жиҳозлашга) ажратилган Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармаларига тақдим этилади.

36. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган тегишли вазирлик ва идоралар томонидан олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш

(тўлиқ жиҳозлаш)га ажратилган Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига тақдим этилади.

37. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари — амалга оширилган харажатлар юзасидан ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 8-кунидан кечикмай Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича ҳисобот тақдим этадилар.

38. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда республика минтақалари бўйича Жамғармага мажбурий ажратмалар тушумларидан Жамғарма даромадлар прогнозининг бажарилиши ҳолатини таҳлил қилади ҳамда даромадларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушишига салбий таъсир кўрсатган аниқланган омиллар асосида уларни бартараф этишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўради.

39. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

40. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қурилиш бўйича бирлашган дирекциясининг, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг — таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар ҳамда тўланган маблағлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият бошқармаларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳудудий бошқармаларининг — таълим ва тиббиёт муассасаларига ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мебеллар ва бошқа анжомларнинг амалда етказиб берилганлиги ҳамда тўланган маблағлар, шунингдек уларнинг бошланғич ҳужжатларга (счёт-фактураларга) ва амалда бажарилган ишларга (хизматларга) мувофиқлиги тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида Жамғарма маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилганлиги юзасидан мониторингни амалга оширади.

41. Жамғарма маблағларидан тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ қатъиян мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан жавобгарлик Жамғарма маблағларини олувчилар — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузу-

ридаги «Ягона буюртмачи хизмати» тегишли инжиниринг компаниялари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қурилиш бўйича бирлашган дирекцияси, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари раҳбарлари зиммасига юкланади.

8-боб. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш

42. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 сентябрдаги 740-сон қарорига
2-ИЛОВА

Таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йилги дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган тегишли вазирликлар ва идоралар, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йилги дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш доирасида ташкилий тартиботларни ва уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини, шунингдек функциялари ва вазифаларини регламентлайди.

2. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари:

таълим муассасалари бинолари, инфратузилма объектларининг техник ҳолати ва жиҳозланганлигини тизимли асосда доимий ўрганадилар;

келгуси йилда реконструкция қилиниши, мукамал таъмирланиши ва жиҳозланиши (тўлиқ жиҳозланиши) керак бўлган таълим муассасалари рўйхатини ҳар йили 1 мартгача аниқлайдилар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларига киритадилар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳри маданият бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикасида Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари таълим ва тиббиёт муассасалари бинолари, инфратузилма объектларининг техник ҳолати ва жиҳозланганлигини мунтазам равишда доимий ўрганиб борадилар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари (туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан тақдим этилган рўйхат асосида), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳри маданият бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳудудий бўлинмалари ҳар йили 1 апрелгача келгуси йилда реконструкция қилиниши, мукамал таъмирланиши ва жиҳозланиши (тўлиқ жиҳозланиши) керак бўлган таълим ва тиббиёт муассасаларининг дастлабки рўйхатини аниқлайдилар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига киритадилар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари билан ҳар йили 5 апрелгача, таълим ва тиббиёт муассасаларининг тақдим этилган дастлабки рўйхатлари асосида таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) дастурларини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳлар тузилади.

Ишчи гуруҳлар таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг, Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бошқармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият бошқармаларининг,

Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармаларининг, «Давархитектқурилиш» қўмитаси Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий иқтисодиёт бошқармаларининг, шунингдек молия органларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари киритилади.

6. Ишчи гуруҳлар таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йилги дастурларини шакллантиришда ҳар бир таълим ва тиббиёт муассасаси биноларининг амалдаги техник ҳолатини ва уларнинг моддий-техника жиҳатидан таъминланганлигини, шунингдек ўқув корпусларининг ўқув устахоналари ва лабораториялари ташкил этиш билан кенгайтиришга бўлган эҳтиёжини, спорт заллари ва майдончалари, бошқа инфратузилма объектлари ташкил этилишини ҳамда уларнинг тегишли асбоб-ускуналар ва анжомлар, шунингдек лаборатория, ташхис, даволаш ускуналари ва бошқа тиббий аппаратлар, махсус мебель ва анжомлар билан жиҳозланишини ҳисобга оладилар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳар йили 1 июнгача Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг дастлабки дастурларини тақдим этадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг тақдим этилган дастлабки дастурларини ўрганадилар, зарурат бўлганда, жойнинг ўзига борган ҳолда уларни аниқлаштирадилар ҳамда ҳар йили 15 июнгача Жамғарманнинг ижро этувчи дирекциясига вилоятлар ва объектлар бўйича таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг кейинги йил учун дастурини тақдим этадилар.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан

биргаликда ҳар йили 15 майгача Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясига олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг кейинги йил учун дастлабки манзилли дастурини тақдим этадилар.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда ҳар йили 15 июнгача, зарурат бўлганда, жойига борган ҳолда, манзилли дастур лойиҳаси параметрларини аниқлаштирадилар.

10. Таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлашнинг манзилли дастурларини шакллантиришда бинолар томини таъмирлаш, иссиқлик тизими, электр ва сув таъминоти, шунингдек худуднинг ташқи чегарасини ўраш ҳамда санитария хоналарининг техник ҳолатини техник талабларга мувофиқлаштириш бўйича иш турлари инobatга олинади.

11. Таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йилги дастурларини шакллантиришда улардан ҳар бирининг техник ҳолати, моддий-техника жиҳатидан амалда таъминланганлиги, сменалилиги ва ўқувчилари сони ҳисобга олинади ҳамда ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, мебеллар, спорт анжомлари, ўқитишнинг мультимедий воситалари, компьютер техникаси, шунингдек тиббиёт ускуналари ва бошқа асбоб-ускуналарнинг асосиз равишда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

12. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғармага тушаётган маблағлар доирасида, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда, тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) дастурининг якуний параметрларини шакллантиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури лойиҳаси киритилиши билан боғланган муддатларда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Жамғармани бошқариш Кенгашига киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 сентябрдаги 740-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низом 55-бандининг олтинчи

хатбошидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 93-сон қарори 4-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарори 4-бандининг бешинчи хатбошидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ-3161-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 69-модда) 1-иловада «Бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш шўъбаси» бўлими «Бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш шўъбаси» бўлими билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

6-илова 1-бандининг 1.3-кичик бандидаги «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма» сўзлари «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ажратма» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-илованинг IV бўлими 4.1-бандининг 4.1.3-кичик бандидаги «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш,

мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма» сўзлари «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ажратма» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «2013 — 2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 27 майдаги 143-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 й., 22-сон, 283-модда) 2-бандида:

а) иккинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) тўртинчи — еттинчи хатбошилари тегишли равишда учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 июлдаги 207-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 й., 30-сон, 390-модда):

а) 3-банддаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 18-банди «Молиялаштириш манбалари» устундаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги тармоғи учун ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотиغا эга бўлган кадр тайёрлаш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 11 августдаги 222-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 33-сон, 416-модда):

4-банднинг иккинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик

лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловининг 1-банди «Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми» устунидаги Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент давлат стоматология институти фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини шакллантириш, шунингдек, тиббиёт олий таълим муассасалари стоматология факультетларининг клиник базаларини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 14 октябрдаги 287-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 42-сон, 522-модда) 9-бандининг учинчи хатбошидаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2020 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий спорт заллари билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2014 йил 3 декабрдаги 331-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 49-сон, 583-модда):

3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилари тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобига таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича дастурларни шакллантиришда уларнинг манзилли қисмига умумтаълим мактаблари учун спорт заллари қуриш лойиҳаларини киритсинлар.»

11. Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2019 йиллар даврида ижтимоий, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан комплекс ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш, Гулистон шаҳрини архитектуравий-режали қуришни тубдан янгилаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича бирин-

чи навбатдаги вазифалар тўғрисида» 2015 йил 9 сентябрдаги 262-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 36-сон, 480-модда):

а) 7, 9 ва 10-иловаларнинг «Молиялаштириш манбалари» устундаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академлицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-илованинг «Молиялаштириш манбалари» устундаги «Олий таълим муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий маҳорат спорт мактаблари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 28 январдаги 18-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2016 й., 1-сон., 7-модда) 4-бандидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 21 апрелдаги 118-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2016 й., 4-сон., 27-модда) 8-бандидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасидан» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 17 январдаги 15-сон қарорида:

2-банднинг олтинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 13 ва 36-бандлари «Молиялаштириш манбалари» устундаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм вилояти ҳудудларини ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 17 январдаги 16-сон қарорида:

2-банднинг бешинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг «Молиялаштириш манбалари» устунда:

28-бандидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банддаги «Касб-хунар коллежлар, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Қашқадарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги 20-сон қарорига 1-илованинг 40-банди «Молиялаштириш манбалари» устундаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 23 январдаги 26-сон қарорида:

2-банднинг бешинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 23 — 26-бандлари «Молиялаштириш манбалари» устундаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 23 январдаги 31-сон қарорида:

2-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар

коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 25 — 28-бандлари «Молиялаштириш манбалари» устундаги «Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Фарғона вилояти ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 26 январдаги 39-сон қарорига 1-илованинг «Молиялаштириш манбалари» устунда:

17-банддаги «Молия вазирлиги қошидаги Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 7-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик регламентининг 11-банди иккинчи хатбошидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 сентябрдаги 740-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 10 декабрдаги 291-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 66-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 13 июндаги 172-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 50-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 февралдаги 50-сон ҳамда «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 1 мартдаги 52-сон қарорлари)» 2011 йил 20 июндаги 183-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 55-модда) илованинг 18-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида» 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1645-сон қарори)» 2012 йил 3 февралдаги 30-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 6-модда) илованинг 14-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1050 Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 17 июлдаги ПҚ–3137-сон қарорига мувофиқ, дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш бўйича ягона талабларни белгилаш ва аниқ механизмларни жорий этиш, мувозанатлаштирилган импортни таъминлаш ва маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни прогнозлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг дорихоналарда муомалада бўлишининг статистика ҳисоботи шаклини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

тегишли ҳудудларни аниқлаган ҳолда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг дорихоналарда муомалада бўлишининг электрон тизимини уч ой муддатда эксперимент тариқасида жорий этсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, дорихоналар 2018 йил 1 январдан бошлаб ҳар чоракда муомалада бўлган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари бўйича ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
741-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 сентябрдаги 741-сон қарорига
ИЛОВА

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

дори воситалари — касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган доривор моддалар (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, доривор моддалар (субстанциялар), дори препаратлари;

тиббиёт буюмлари — касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек одам организмининг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган буюмлар;

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари — ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволаш учун талаб юқори бўлган ва аҳоли, тиббиёт ташкилотлари томонидан кўп фойдаланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ–2647-сон қарори билан тасдиқланган Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш бўйича республика комиссияси тасдиқлайдиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари;

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ёки тиббиёт буюмларига ҳисоблаб чиқилган эҳтиёж — касалланиш даражаси, беморлар сони, даволаш курслари ва бошқа мезонларни инобатга олган ҳолда, маълум бир вақтда беморлар эҳтиёжини таъминлаш учун зарур дори воситалари ёки тиббиёт буюмларининг Даволаш-профилактика муассасаларининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси томонидан битта тиббиёт муассасаси доирасида аниқланадиган ўртача миқдори;

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ёки тиббиёт буюмларига бўлган йиғма эҳтиёж — республика аҳолисининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган дори воситалари ёки тиббиёт буюмларига эҳтиёжни умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими доирасидаги ўртача миқдори;

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ёки тиббиёт буюмларига бўлган ҳақиқий эҳтиёж — тегишли ҳудуддаги даволаш-профилактика муассасаларининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси ва дорихоналар томонидан ўтган йилда (йилларда) дори воситалари ёки тиббиёт буюмларининг ҳудуд кесимида ҳақиқий истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқиладиган миқдори;

ҳалқаро патентланмаган ном (ХПН) — дори воситасини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан унга дори воситаси фаол субстанциясининг қисқартирилган номини бериш йўли билан идентификациялаш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика муассасасининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика муассасасида ташкил этиладиган ва ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган, уларни харид қилиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ҳамда қўллашни назорат қиладиган комиссия;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида ташкил этиладиган ва Асосий дори воситалари, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари рўйхатларини қайта кўриб чиқиб, ушбу рўйхатлардаги дори воситалари ва тиббиёт буюмларига республиканинг йиллик эҳтиёжини тасдиқлайдиган, шунингдек уларни харид қилиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ҳамда уларнинг қўлланишини назорат қиладиган комиссия.

3. Дорихоналар ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни товарнинг номенклатура бўйича қолган миқдорини ҳисобга олиш, электрон базага киритилган рецептларни ва товар чекларини ҳисобга олиш асосида унинг ҳақиқатдан сотилгани ҳақидаги маълумотлар бўйича аниқлайди. Агар электрон маълумотлар базаси мавжуд бўлмаса, дорихоналар ходимлари ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари тўғрисидаги ахборотни бундай дори воситаларини бериш ҳақидаги маълумотлардан товар чекларига қараб олади. Ушбу маълумотлар асосида ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг дорихоналарда муомалада бўлиши тўғрисидаги ҳисобот шакллантирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш бўйича республика комиссиясига ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларининг муомалада бўлиши ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда тақдим этади.

2-боб. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни ҳисоблаш

5. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари таркибига кирадиган наркотик ва психотроп моддаларга бўлган эҳтиёж Вазирлар Маҳкамасининг

«Ўзбекистон Республикасида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон қарорига мувофиқ бир йилда 1000 нафар аҳолига наркотик ва психотроп моддалар истеъмолининг нормаларидан (наркотик моддаларнинг тиббиёт мақсадлари учун сарфланадиган рухсат этилган нормалари) фойдаланган ҳолда аниқланади.

Ҳисоблаб чиқилган эҳтиёж қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathcal{E} = \mathbf{H} \times \mathbf{C} / 1000, \text{ бунда,}$$

\mathcal{E} — бир йилда ушбу дори воситасига нисбатан эҳтиёжнинг рухсат этилган энг кўп миқдори;

\mathbf{H} — бир йилда 1000 киши учун ушбу дори воситасига бўлган норматив эҳтиёж;

\mathbf{C} — ҳудуд аҳолисининг сони.

Наркотик ва психотроп моддаларга бўлган йиллик эҳтиёжни аниқлашда дорихона омборлари, даволаш-профилактика муассасалари ва дорихоналардаги препаратнинг тоза модда бўйича ҳисоб-китоб қилинган захираси эътиборга олинади.

Истеъмол қилиниши нормалаштириладиган ва қуйидагиларга риоя этилганда бериладиган дори воситаларининг ҳисоблаб чиқилган эҳтиёжига зарур тузатишлар киритилишига рухсат этилади:

буюриш қоидаларига қатъий амал қилинганда;

тайинлаш қоидаларига риоя этилганда;

ижтимоий дорихоналардан бериш қоидаларига риоя этилганда;

препаратнинг йил давомидаги ҳақиқий сарфлангани ҳақида маълумот бўлганда.

6. Ўзига хос (айрим касаллик кўзғатувчиларига нисбатан самарали ёки организмнинг баъзи аъзоларига алоҳида таъсир қилувчи) ва кенг таъсир доирасига эга (турли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, шунингдек организм функционал тизимларининг бир хил кўриниш ва турли этиологияга эга турли бузилишларида қўлланиладиган симптомик препаратлар) дори воситаларига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш ўзига хос ва кенг таъсир кўрсатувчи ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари учун мўлжалланган.

Ўзига хос ва кенг таъсир кўрсатувчи ижтимоий аҳамиятга эга дори воситаларига бўлган эҳтиёж мутахассислар учун мўлжалланган услуб ёрдамида аниқланади. Асосини муайян турдаги касаллик ҳақидаги маълумотлар, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, клиник протоколлар (даволаш схемаси ва препаратлар сони) ташкил этадиган ушбу услуб ҳар бир турдаги препарат учун алоҳида ҳисобланади.

Йиллик ҳисоблаб чиқилган эҳтиёж қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathcal{E} = \mathbf{C} \times \mathbf{C} \times \mathbf{B}, \text{ бунда,}$$

\mathcal{E} — препаратга бўлган йиллик эҳтиёж;

С — бир беморга бир марталик даволаш курси учун препарат сарфи;

С — бир беморда бир йилда ўтказиладиган даволаш курслари сони (мавжуд бўлганда);

Б — даволаш учун ушбу препарат қўлланиладиган беморлар сони (касалланиш).

7. Мутахассислар томонидан дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни ҳисоблашда амбулаторияда ва шифохонада даволанишга бўлган эҳтиёж ҳақидаги маълумотлар ҳисобга олинади. Амбулаторияда ва шифохонада даволанадиган беморлар бўйича маълумотларни соғлиқни сақлаш тизимининг статистика органлари тақдим этади. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжнинг якуний ҳисоб-китоби талабни тўлиқ қондириш ва мавжуд қолдиқлар ҳисобга олиниб, улардан ҳақиқатдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларга асосланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассислари ва маслаҳатчилари эҳтиёжни қуйидаги маълумотларни эътиборга олган ҳолда ҳисоблаб чиқади:

касаллик тўғрисида статистика маълумотлари;

касалланиш эҳтимоллиги;

аниқ бир касалликни даволашга мўлжалланган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қўллаш самарадорлиги;

дори воситасининг касалликни даволашда асосий ёки ўринни босувчи препарат сифатида қўлланиши;

дори воситаси ва тиббиёт буюмининг жамият соғлиғини сақлашдаги аҳамияти;

дори воситалари билан даволашнинг даволаш схемаларини ўз ичига оладиган батафсил баёни;

даволаш давомийлиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, клиник протоколлари.

9. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлашда қуйидагилардан фойдаланилади:

ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари;

клиник протоколлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг аҳоли сони, жинси ва ёш таркиби, 1000 нафар аҳолининг шифохонада даволаниш даражаси, тегишли йўналиш бўйича даволанган беморлар сони, асосий ва айрим касалликлар билан касалланиш даражаси бўйича маълумотлари.

10. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёж ҳар бир ном бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади ва бунда уларнинг дори воситалари гуруҳларига мансублиги (истеъмоқ қилиниши нормаланадиган, махсус таъсирга эга, кенг таъсир доирасига эга) эътиборга олинади. Шунингдек бу борада кўрсатиладиган тиббий хизматлар даражаси, даволаш профилактика муассасасида дори воситаларининг мавжудлиги, ҳудуддаги касалланиш ва эпидемиологик вазият ҳақида маълумотлар, даво-

ланган беморлар сони, ўтган йилда дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ҳақиқий истеъмоли ҳам ҳисобга олинади.

3-боб. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш босқичлари

11. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади ва қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

I босқичда даволаш-профилактика муассасасининг врачлари ушбу муассасанинг доимий фаолият кўрсатадиган комиссиясига тасдиқланган номдаги дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига мувофиқ белгиланган даврда беморларни таъминлаш учун зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари, шунингдек тиббиёт буюмларига ҳисоблаб чиқилган эҳтиёжни тақдим этади;

II босқичда даволаш-профилактика муассасасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси режалаштириладиган йил учун даволаш-профилактика муассасаси бўйича эҳтиёжни умумлаштиради, таҳлил қилади ва йиғма эҳтиёжни тасдиқлайди ҳамда уни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссиясига тақдим этади;

III босқичда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси даволаш-профилактика муассасаларининг ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини таҳлил қилиб, тегишли ҳудуднинг уларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжини шакллантиради ва тасдиқлайди. Тегишли ҳудуд бўйича ҳақиқий эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссиясига республиканинг йиллик эҳтиёжини шакллантириш учун юборилади.

12. Республиканинг ҳудудлар (чораклик) маълумотларига асосланган йиллик эҳтиёжи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассислари ва маслаҳатчилари эҳтиёжлари билан таққосланади.

13. Республиканинг йиллик эҳтиёжи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси мажлисида шакллантирилади, унга тузатишлар киритилади ва тасдиқланади ҳамда Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш бўйича республика комиссиясига топширилади.

4-боб. Яқунловчи қоида

14. Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига

эхтиёжнинг сифатли ва ўз вақтида аниқланиши, эҳтиёжни шакллантириш бўйича шахсий жавобгарлик даволаш-профилактика муассасалари ва дорихоналар раҳбарлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиқлари зиммасига юкланади.

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва
тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I босқич	Даволаш-профилактика муассасасининг врачлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Даволаш-профилактика муассасасининг врачлари тасдиқланган номдаги дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига мувофиқ белгиланган даврда беморларни таъминлаш учун зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари, шунингдек тиббиёт буюмларига эҳтиёжни ҳисоблаб чиқади. 2. Эҳтиёж даволаш-профилактика муассасасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссияга тақдим этилади. 	1; 2) ҳар йили (15 майгача)
II босқич	Даволаш-профилактика муассасасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Даволаш-профилактика муассасасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси тегишли даволаш-профилактика муассасаси бўйича режалаштириладиган йилга йиғма эҳтиёжни умумлаштиради, таҳлил қилади ва тасдиқлайди. 2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссиясига тақдим этади. 	1; 2) ҳар йили, эҳтиёж олинган кунда бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда (1 июнгача)
III босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссияси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Даволаш-профилактика муассасаларидан тушган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни таҳлил қилади, тегишли ҳудуднинг ҳақиқий эҳтиёжини шакллантиради ва тасдиқлайди. 2. Тегишли ҳудуд бўйича ҳақиқий эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг доимий фаолият кўрсатадиган комиссиясига республиканинг йиллик эҳтиёжини шакллантириш учун юборилади. 	1; 2) ҳар йили, ҳудудлардаги даволаш-профилактика муассасалари эҳтиёжи олинган кунда бошлаб 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда (20 июнгача)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1051 Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 131-моддасига мувофиқ ҳамда давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М.В. Тохирий зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 сентябрь,
742-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 18 сентябрдаги 742-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 131-моддасига мувофиқ давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлашти-

рилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат фойдасига воз кечиш — божхона режимда ваколатли шахс товардан воз кечади ҳамда уни божхона тўловлари тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда текинга давлат мулкига ўтказди;

давлат божхона хизматининг ҳудудий органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ва ихтисослаштирилган божхона комплекслари;

давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари;

товар — ҳар қандай кўчар мулк, шу жумладан валюта ва валюта бойликлари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситаси (йўловчиларни ташувчи транспорт воситаси, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно);

товарнинг кузатув ҳужжатлари — ҳисобварақ-фактура (инвойс), юк-лаб жўнатиш ва ўров варақлари ҳамда ташқи савдо фаолияти ва ўзга фаолият амалга ошириладиганда божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш билан боғлиқ битимлар тузилганлигини тасдиқлаш учун фойдаланиладиган бошқа ҳужжатлар, шунингдек коносамент, юк хати ёки товарларни ташиш шартномаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳамда шундай ташишда кузатиб борувчи бошқа ҳужжат;

ваколатли шахс — товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси ёки товарга ва (ёки) транспорт воситасига нисбатан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёхуд товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш юритувчи шахс;

топшириш-қабул қилиш далолатномаси — давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларнинг божхона органлари томонидан давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

3. Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни топшириш-қабул қилиш ва реализация қилиш тартиботи мазкур низомнинг 1-иловасига мувофиқ Схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Товарнинг давлат фойдасига воз кечиш режимига божхона расмийлаштируви

4. Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштириладиган

товарларнинг божхона расмийлаштируви товар қайси божхона органининг фаолият кўрсатиш зонасида турган бўлса ўша божхона органи томонидан амалга оширилади.

5. Товарни давлат фойдасига воз кечиш режимига жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 21-боби қоидаларига мувофиқ божхона органи томонидан бериладиган рухсатнома асосида ваколатли шахснинг аризаси (мазкур Низомга 2-илова) бўйича амалга оширилади.

Рухсатнома бериш тўғрисидаги аризада ваколатли шахснинг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Рухсатнома бериш тўғрисидаги аризада ваколатли шахснинг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича хабарномани электрон шаклда ахборот тизимлари орқали олишга розилигини билдиради.

Товарларнинг давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилишга рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза ваколатли шахс томонидан божхона органига «ягона дарча» тамойили бўйича Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали тақдим этилади.

3-боб. Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни топшириш-қабул қилиш

6. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган товар тўғрисида божхона расмийлаштируви амалга оширилгандан сўнг, ушбу товарлар бўйича тегишли барча рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиб, бир иш куни мобайнида ўзи жойлашган ҳудуддаги давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органига ёзма хабарнома юборади.

7. Давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган ёзма хабарномани олган куни давлат божхона хизматининг ҳудудий органи билан келишилган ҳолда давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган товарларни топшириш ва қабул қилиш жойини белгилайди.

8. Товардан давлат фойдасига воз кечган ваколатли шахс товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган ва давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан белгиланадиган жойга етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

9. Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган товарларни топшириш-қабул қилиш давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган ва давлат божхона хизматининг ҳудудий органи ўртасида 3-иловага мувофиқ тузилган далолатномага асосан амалга оширилади.

10. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органи давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган товарларнинг келгусидаги реализациясини таъминлаш учун божхона юк декларацияси, товарнинг кузатув ҳужжатлари, агар товар ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши лозим бўлса, ушбу органларнинг тегишли рухсатномасини давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга тақдим этади.

11. Давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган:

озик-овқат шаклидаги товарларни — «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси корхоналарига;

қимматли қоғозларни — Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига;

қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ҳамда ундан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасидан тегишли техник экспертизадан ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига топширади. Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ҳамда ундан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни техник экспертизадан ўтказишда асиллик даражаси тўлови ундирилмайди;

бошқа товарларни — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига аукцион ўтказиш тартибда реализация қилиш учун топширади. Тез бузиладиган ва паст қийматли товарлар тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан реализация қилинади.

12. Давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилиб топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича олинган товарларнинг сотилиши юзасидан Давлат божхона хизматининг ҳудудий органига ҳар ой якунида маълумот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ҳамда ундан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар сотилганлиги тўғрисидаги маълумотларни Давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига тақдим этади.

Давлат фойдасига воз кечилган товарларнинг реализацияси бўйича маълумотлар алмашинуви электрон шаклда амалга оширилади.

13. Давлат фойдасига воз кечилган товарларни реализация қилишдан тушган тушумлар давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органнинг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамида (ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг тегишли бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида) жамланади. Кўрсатиб ўтилган маблағлар куйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади;

50 фоизи — Давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органнинг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамларида (ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг тегишли бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб рақамларида) қолади ва давлат фойдасига воз кечилган товарларни баҳолаш, сақлаш ва реализация қилиш ҳамда давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органнинг тасарруф этиш ва бошқарув функ-

цияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга йўналтирилади.

4-боб. Яқунловчи қоида

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкени бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛЮВА

1051-модда

Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни топшириш-қабул қилиш ва реализация қилиш СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Тадбиркорлик субъектлари	Давлат фойдасига товарларни воз кечиш божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома олиш учун ваколатли шахс фаолият кўрсатиш зонасида товар турган божхона органига рухсатнома бериш тўғрисида ариза тақдим этади.	Тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат божхона хизматининг худудий органи	Божхона органи тегишли рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани олгандан сўнг Божхона кодексида назарда тутилган талаб ва шартларга риоя қилинганини текширади ва рухсатнома беради.	Ўн иш кунда
3-босқич	Тадбиркорлик субъектлари	Божхона органига электрон шаклда БЮД юборади.	Тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра
	Давлат божхона хизмати органлари ходимлари	Товарларнинг божхона расмийлаштирувини электрон шаклда амалга оширади.	Уч иш кунда
4-босқич	Давлат божхона хизматининг худудий органи	Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган товар бўйича божхона расмийлаштируви амалга оширилгандан сўнг ушбу товарлар бўйича тегишли барча рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиб, бир иш куни мобайнида ўзи жойлашган худуддаги давлат мулкени бошқариш бўйича ваколатли органга ёзма хабарнома юборади.	Бир иш кунда
5-босқич	Давлат мулкени бошқариш бўйича ваколатли орган	Хабарномани олган куни давлат божхона хизматининг худудий органи билан келишилган ҳолда давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган товарларни топшириш ва қабул қилиш жойини белгилайди.	Бир иш кунда
6-босқич	Давлат мулкени бошқариш бўйича ваколатли орган	Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қабул қилганидан кейин уларни мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ тегишли ташкилотларга реализация қилиш учун юборади.	Бир иш кунда
7-босқич	Давлат мулкени бошқариш бўйича ваколатли органдан товарларни қабул қилган ташкилотлар ва идоралар	Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларнинг реализация қилинишини таъминлайдилар.	Доимо

— 126 —

38 (798)-сон

Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими-
мига жойлаштирилган товарларни давлат
мулкени бошқариш бўйича ваколатли органга
топшириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

_____га
(божхона органининг номи)

(шахснинг Ф.И.О. ёки ташкилотнинг номи, манзили)

**Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига
жойлаштиришга рухсатнома бериш тўғрисидаги
АРИЗА**

_____ни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига
_____ жойлаштиришингизни сўрайман
(товарлар ва транспорт воситаларнинг номи)

уларнинг ўзига хос белгилари, сони — ўлчови, оғирлиги ва хоказо)

Воз кечиш сабаблари: _____

Товарларнинг турган жойи: _____

(рахбар ёки ваколатли шахснинг имзоси,
жисмоний шахснинг имзоси)

20__ йил «__» _____

Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли органга топшириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига
жойлаштирилган товарларни топшириш-қабул қилиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

№ _____
рақам ва сана (йил, ой, кун)

Мазкур далолатнома Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 131-моддасига мувофиқ _____
(давлат божхона хизматининг ҳудудий органи)

ТОМОНИДАН _____
(давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган)

га давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига расмийлаштирилган қуйидаги товарларни топшириш-қабул қилиш учун тузилган:

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди	Ўлчов бирлиги	Миқдори	БЮД рақами	Изоҳ

Қабул қилдим: _____ М.Ў.*
(давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли шахсининг (имзо)
Ф.И.О., лавозими)

Топширдим: _____ М.Ў.
(давлат божхона хизматининг ҳудудий органи ходимининг (имзо)
Ф.И.О., лавозими)

* Давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган номидан далолатномани моддий жавобгар шахс имзолайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1052 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 майдаги ПФ–5044-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 майдаги ПҚ–2972-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 майдаги ПФ–5044-сон Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 майдаги ПҚ–2972-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида кичик гидроэнергетикани ривожлантириш тўғрисида» 1995 йил 28 декабрдаги 476-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 сентябрь,
743-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 743-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 21 июндаги 290-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2004 й., 25-сон, 288-модда):

а) номидаги «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари «Ўзбекэнерго» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1 ва 8-бандлардаги «давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари «АЖ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

в) 2-банднинг биринчи хатбошида:

«давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари «АЖ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

«ГЭС» қисқартмаси чиқариб ташлансин;

г) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «давлат-акциядорлик компаниясининг» сўзлари «АЖнинг» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ва кўмир» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

электр энергетикасини (гидроэнергетикадан ташқари) ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантиришда қатнашиш;

замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар негизида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига ишлаб чиқарувчи қувватларни (гидроэнергетикадан ташқари) ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда кўмирдан устун даражада фойдаланиш, энергиянинг тикланадиган (гидроэнергетикадан ташқари), шу жумладан ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва жорий этиш»;

саккизинчи хатбошидаги «компаниянинг» сўзи «Ўзбекэнерго» АЖнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «ва кўмир саноати» «(гидроэнергетикадан ташқари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 6-банд ва 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 9 октябрдаги 289-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 41-сон, 528-модда):

а) Давлат органларига оператив бошқариш учун, шунингдек ташкилотларга кейинчалик самарали фойдаланиш учун бепул бериладиган давлат мулки объектлари рўйхатининг 221-позицияси чиқариб ташлансин;

б) Хўжалик бошқаруви органлари устав капиталига бериладиган давлат активлари рўйхатининг 39, 43, 49 ва 51-позициялари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 4-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Лойиҳалаш ташкилотларида давлат номидан акциядор (қатнашчи) функцияларини амалга оширувчи ҳамда «ТошуйжойЛИТИ» АЖ, «Иссиқликэлектр-лойиҳа» АЖ ва «Энерготармоқлойиҳа» АЖдаги муассислар улушларини уларга сотадиган вазирликлар ва идоралар рўйхатининг 24-позицияси чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2016 йил 10 февралдаги 33-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 6-сон, 56-модда):

а) Устав капиталидаги камида 15 фоиз улуши, шу жумладан қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан, хорижий инвесторларга сотиладиган акциядорлик жамиятларининг рўйхатида:

22 ва 26-позициялар чиқариб ташлансин;

28-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги «Ўзбекгидроэнерго» АЖ» бўлими қўшилсин:

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ		
28 ¹ .	«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖ	Тошкент шаҳри
28 ² .	«Гидромахсусқурилиш» АЖ	Тошкент шаҳри

б) Стратегик хом ашёни ишлаб чиқариш ва дастлабки қайта ишлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи акциядорлик жамиятларининг, шунингдек табиий монополиялар субъектларининг ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматларни тартибга солиб бориладиган нархлар бўйича етказиб берувчиларнинг рўйхатида:

194-позиция чиқариб ташлансин;

279-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги «Ўзбекгидроэнерго» АЖ» бўлими қўшилсин:

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ		
280.	«Гидролойиҳа» АЖ	Тошкент шаҳри

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 январдаги 61–ф-сон фармойиши 3-банди «б» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги «18-сон қурилаётган корхоналар давлат унитар бирлашган дирекцияси» сўзлари «Тошкент сув қурилиш инвест» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**1053** Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 январдан бошлаб амалға киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бир ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин:

Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари;

Кичик ҳажмли кемаларни техник кўрикдан ўтказиш қоидалари;

Кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидалари;

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидалари.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорға мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 сентябрь,
744-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорига
ИЛОВА

**Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли
фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро
муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан
хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини
олиб бориш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини (кейинги ўринларда давлат назорати деб аталади) олиб бориш тартибини белгилайди.

2. Давлат назорати Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Қуйидагилар давлат назоратини олиб боришнинг асосий принциплари ҳисобланади:

гуманизм, инсон ҳаёти ва саломатлигининг устуворлиги;

қонунийлик, объективлик;

мустақиллик, ошкоралик;

ахборотнинг ишончлилиги ва ўз вақтида берилиши;

фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш чораларини олдиндан кўриш;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

4. Давлат назорати аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

5. Қуйидагилар давлат назоратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хавф ва таҳдидларнинг омилларини барвақт аниқлашни, уларнинг профилактикаси ва юзага келишининг олдини олишни таъминлаш;

аҳолига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига хавф-хатар туғилганда комплекс ёрдам кўрсатиш, халқ билан мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бу борада ўзаро яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, мавжуд хавф-хатарлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва хабардор қилиш;

харбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилишини таъминлаш;

гидротехника иншоотлари, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш ҳамда сув объектларида одамлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан самарали назоратни амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, одамлар саломатлиги ва ҳаётини сақлаш, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектлар бўйича лойиҳалар ва қарорларнинг давлат экспертизасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси талабларига риоя этилиши қисмида иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан аҳолини ҳамда ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида ўз вазифаларини бажаришларини, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида ҳамда сув объектларида одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонунбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш.

6. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат назоратининг субъектлари (кейинги ўринларда давлат назорати субъектлари деб аталади) ҳисобланади.

7. Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш бўйича назорат ишларини олиб боровчи субъектлар фаолияти давлат назорати объекти ҳисобланади.

8. Давлат назорати фавқулодда вазиятларга олиб келувчи сабаб ва омилларни аниқлаш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида олдиндан кўриладиган чораларни таҳлил қилиш ва баҳолаш йўли билан амалга оширилади.

9. Қўйидагилар давлат назоратининг шакллари ҳисобланади:

аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига амал қилинишини текшириш;

ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектлар бўйича ишлаб чиқилган қарор ва лойиҳаларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси талабларига мос келиши юзасидан давлат экспертизаси (кейинги ўринларда лойиҳалар экспертизаси деб аталади) ўтказилишида иштирок этиш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш талабларига риоя этилишини назорат қилиш.

2-боб. Давлат назоратини олиб борувчи давлат органи ва унинг ваколатлари

10. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда ФВВ деб аталади) давлат назоратини олиб борувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

11. ФВВ ўз ваколоти доирасида қабул қилган қарорларининг давлат назорати субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

12. ФВВнинг қўйидаги мансабдор шахслари давлат назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

Фавқулодда вазиятлар вазири ва унинг ўринбосарлари;

ФВВ Марказий аппаратининг бошқарма, хизмат, инспекция ва бўлимлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, офицерлари ва мутахассислари; ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, офицерлари, бош инспекторлари ва мутахассислари;

«Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи, унинг ўринбосари, мутахассислари ва ҳудудий инспекторлари.

13. Текширишлар шаклида давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар белгиланган тартибда аттестациядан ўтган бўлиши ва текширишларни ўтказишга қўйилиши тўғрисидаги махсус гувоҳномага эга бўлиши керак.

14. Давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар қўйидаги ваколатларга эга:

давлат назорати субъектларига белгиланган тартибда кириш;

аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини текшириш;

шаҳарсозлик лойиҳаларининг ҳужжатларини, қуриладиган объектлар лойиҳаларини экспертиза қилишда уларнинг фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича талабларга амал қилиниши юзасидан иштирок этиш, шунингдек лойиҳалар экспертизаси натижалари бўйича ҳулосалар тузиш;

юримдик ва жисмоний шахслар томонидан кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини, шунингдек бундай кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юримдик ва жисмоний шахслардан давлат назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, маълумот ва тушунтиришларни сўраш ва олиш;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида қонун ҳужжатларининг талаблари бузилганлигини бартараф этиш ҳақида ёзма кўрсатмалар бериш.

15. Давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар қуйидагиларга мажбур:

текширилаётган давлат назорати субъектларига текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

давлат назорати субъектининг фаолиятига тўсқинлик яратмаслик;

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни рўйхатга олиш дафтарида ёзувларни амалга ошириш;

текшириш жараёнида маълум бўлган давлат сирларининг, тижоратга оид ва бошқа сир тутиладиган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаш;

давлат назорати субъектлари томонидан аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида қонун талабларининг бажарилишини текшириш натижалари юзасидан далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги конун ҳужжатлари, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидалари бузилганлиги аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида протоколлар тузиш ва айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун ишни судга юбориш;

алкоголли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмол қилиб маст ҳолатда бўлган кема бошқарувчиларини, шунингдек кичик ҳажмли кемани алкогольли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмол қилиб маст ҳолатда бўлган, кемани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлмаган, кемаларни бошқариш қоидаларини қўпол бузаётган шахсларни кемани бошқаришдан четлаштириш. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида протокол тузиш ва зарур ҳолатларда кемани, унинг двигателини олиб қўйиш ва кемалар эгалари ҳисобидан кемалар турадиган базаларга топшириш;

кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари бузилганлиги аниқланганда белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда маъмурий жазо қўллаш;

прейскурантга мувофиқ аҳоли ва ташкилотлардан кўрсатилган хизматлар учун тегишли хизмат ҳақи олиш.

16. Давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга давлат назорати субъектларига ташкилий-ҳўжалик ишларига оид топшириқлар бериш ва молия-ҳўжалик ишларига аралашиш тақиқланади.

17. Давлат назоратини амалга оширишга аралашиш, уни амалга оширувчи мансабдор шахсининг ишига ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш ва фаолиятига тўсқинлик қилиш тақиқланади.

18. Давлат назорати органи мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилган ёки унинг қонуний талабларини бажармаган шахслар белгиланган тартибда жавоб беради.

19. Давлат назоратини амалга оширувчи шахслар ўз фаолиятининг қонунийлиги, объективлиги, қонунчилик доирасида тўғри ташкил этилганлиги ва амалга оширилганлиги учун жавоб беришади.

3-боб. Давлат назоратини амалга ошириш тартиботлари

20. Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назорати ушбу Низом иловасидаги схема бўйича ташкил этилади.

21. Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида қонунчилик талабларига амал қилинишини текшириш қўйидаги турларга бўлинади:

комплекс текширув;

қисқа муддатли текширув;

назорат тартибидаги текширув.

Комплекс текширув — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири — Фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан жорий йил учун тасдиқланган Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг (кейинги ўринларда ФВДТ деб аталади) аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича асосий тадбирлари режаси (кейинги ўринларда асосий тадбирлар режаси деб аталади) асосида амалга оширилади.

Қисқа муддатли текширувлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида режадан ташқари текшириш тарзида амалга оширилади.

Қисқа муддатли текширувлар, тадбиркорлик субъектларидан ташқари, қўйидаги ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқадиган текширишлар зарурати пайдо бўлганда;

ФВВ ва унинг таркибий тузилмаларига давлат назоратидаги субъектлар томонидан аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар талаблари бузилиши фактлари ҳақида қўшимча расмий маълумотлар келиб тушганда;

фавқулодда вазиятлар содир бўлишини бартараф этиш учун;

санитария-эпидемиологик вазият кескинлашганда, шунингдек чегарадош давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши хавфи пайдо бўлганда.

Назорат тартибидаги текширув — давлат назорати субъектлари томонидан ўтган текширувда аниқланган камчиликлар бартараф этилишини таъминлаш мақсадида бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

22. Қўйидагилар давлат назорати субъектларини текшириш учун асос ҳисобланади:

а) комплекс текширувлар учун:

асосий тадбирлар режаси;

асосий тадбирлар режаси асосида текширишнинг мақсади, текширувчи-

лар таркиби ва муддати кўрсатилган ҳолда Фавқулодда вазиятлар вазири ёки ҳудудий бошқармалар (бўлимлар) бошлиқлари томонидан чиқарилган буйруқ;

б) қисқа муддатли текширувлар учун:

махсус ваколатга эга бўлган орган ёки унинг тегишли ҳудудий тузилмаларининг навбатдан ташқари текширув ўтказиш тўғрисидаги текшириладиган объект номи, муддати, мақсади ва текшириш сабаблари кўрсатилган қарори;

Фавқулодда вазиятлар вазири ва ҳудудий бошқармалар (бўлимлар) бошлиқларининг мансабдор шахслар таркиби ва текшириш муддати кўрсатилган буйруғи.

23. ФВВнинг назорат функциялари Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссиялари) билан қўшимча равишда келишмаган ҳолда фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ҳамда табиий, техноген, террористик-қўпоровчилик хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалалари, шунингдек меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган рўйхатга кирадиган объектларда фуқаро муҳофазаси талабларига амал қилиниши масалалари юзасидан олиб борилади.

24. Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш муддатлари ўн календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолатларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

25. ФВВ ва унинг ҳудудий бошқармалари (бўлимлари) комплекс текширув ўтказилиши тўғрисида давлат назорати субъектини текширув муддати ва предметини кўрсатган ҳолда текшириш бошланишидан камида ўттиз кун олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

26. Текширишлар, қоидага кўра, кундузги пайтларда амалга оширилади. Истисно ҳолатларда (фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг топшириқларига кўра) текширувлар тунги пайтларда ҳам олиб борилиши мумкин.

27. Текширувни ўтказиш вақти текшириладиган объектнинг иш вақтидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

28. Текширув бошланишидан уч кун олдин ФВВ марказий аппаратида — Вазирнинг биринчи ўринбосари — Штаб бошлиғи, жойларда эса — шахсан ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи томонидан йўриқнома ўтказилади, унда текширув муддати, унинг бориши тўғрисида маълумот бериш тартиби, текширув далолатномаларида акс этирилиши шарт бўлган масалаларга аниқликлар киритилади.

29. Текширув ўтказиш учун текширувчиларга вазир, вазирнинг ўринбосарлари, ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари бошлиқларининг

ёзма тақдимномаси берилади, ушбу тақдимнома текширув ўтказиш учун расмий хужжат ҳисобланади.

Тақдимномада кўрсатилмаган шахслар текширувларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Тақдимномасиз текширув ўтказиш тақиқланади.

30. Текширилаётган субъектга текшириш учун асос бўладиган хужжатлар тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади. Текширилаётган давлат назорат субъектининг мазкур хужжатларни олишдан бош тортганлиги текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Текширилаётган субъект мазкур хужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, ФВВнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текширилаётган хўжалик юритувчи субъект имзолайдиган далолатнома тузилади. Текширилаётган давлат назорати субъекти мазкур далолатномани имзолашдан бош тортганда, далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолда далолатнома имзоланган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади.

31. Текшириш ишлари давлат назорат субъекти вакилининг иштирокида олиб борилади.

Зарур ҳолатларда текширувга шартнома асосида экспертлар ва таржимонлар, шунингдек текширув натижаларидан манфаатдор бўлмаган бошқа ҳолислар жалб этилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари сўровига кўра мазкур бирлашмалар вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш участкаларини (цехларини) давлат назорати субъекти маъмуриятини хабардор қилмасдан, шунингдек қузатувчисиз айланиб чиқиш (кўздан кечириш) тақиқланади.

Текширувчи ишлаб чиқариш участкаларини (цехларини) айланиб чиқишдан (кўздан кечиришдан) олдин техника хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқнома билан танишиб чиқиши шарт.

32. Давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар, зарурат бўлганда, давлат назорати субъектлари томонидан махсус кийим ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши лозим.

33. Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида қонунчилик талабларининг бажарилишини текшириш изчиллиги ФВВ томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланган йўриқномалар ва услубий кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

34. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текширилаётган субъектга топширилган кун текширишни ўтказиш тугаган кун ҳисобланади.

Текширилаётган давлат назорати субъекти текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) олишдан бош тортганда, ФВВнинг

мансабдор шахси бу ҳақда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади. Бу ҳолда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхаси давлат назорати субъектига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

4-боб. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларнинг лойиҳалари ва қарорларини давлат экспертизасидан ўтказишда иштирок этиш

35. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларнинг лойиҳалари ва қарорларининг давлат экспертизаси (кейинги ўринларда давлат экспертизаси деб аталади) қўйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар бўйича лойиҳалар ва қарорларнинг аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги;

шаҳарсозлик ҳужжатларида ҳамда қуриладиган объектлар лойиҳаларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларнинг асосланганлиги ва тўлиқлиги.

36. Қўйидагилар давлат экспертизасининг объектлари ҳисобланади:

давлат дастурлари, концепциялари, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий тармоқларини ва ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда уларни жойлаштириш схемалари лойиҳалари;

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

хавфли ишлаб чиқариш объектларининг хавфсизлик декларациялари;

махсус ҳуқуқий режимли объектлар.

37. ФВВ давлат экспертизасининг ўз вақтида, комплекс, объектив ва сифатли ўтказилишини, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хулоса берилишини таъминлайди.

38. Давлат экспертизаси хулосасини бажариш давлат назорати субъектлари учун уларни амалга оширишда мажбурий ҳисобланади.

5-боб. Кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида назоратни амалга ошириш

39. Қўйидагилар кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида назоратни амалга ошириш мақсадлари ҳисобланади:

кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари, шунингдек бундай кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидалари бузилишини аниқлаш ва бартараф этиш;

сув ҳавзаларида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

40. Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари бузилиши-

ни аниқлаш ва бартараф этиш рейд тартибидаги назоратда амалга оширилади. Рейд тартибидаги назоратни амалга ошириш муддатлари ва изчиллиги ФВВ томонидан белгиланади.

41. Кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидалари бузилишини аниқлаш ва расмийлаштириш комплекс ва қисқа муддатли теширувлар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Давлат назорати натижаларини расмийлаштириш ва амалга ошириш

42. Давлат назорати натижаларини расмийлаштириш белгиланган тартибда:

текшириш натижалари бўйича давлат назорати субъектлари томонидан аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини текшириш натижалари бўйича маълумотнома ёки далолатнома;

давлат экспертизаси натижалари бўйича хулосалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат назорати натижалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

43. Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш соҳасида текширув натижалари белгиланган шакл бўйича далолатнома ёки маълумотнома тарзида расмийлаштирилади.

44. Маълумотнома аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилмаган тақдирда тузилади. Маълумотномада текшириш ўтказилганлиги қайд этилиб, ўтказилган текшириш бўйича саволлар рўйхати ҳамда бирор-бир камчилик аниқланмаганлиги кўрсатилади.

45. Маълумотнома ФВВнинг мансабдор шахси ва текширувда иштирок этган бошқа мансабдор шахслар томонидан имзоланиб, давлат назорати субъекти раҳбарига имзолаш йўли билан танишиб чиқиш учун тақдим этилади (юборилади).

46. Далолатнома аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилган тақдирда тузилади. Далолатнома тузишда ФВВнинг мансабдор шахси томонидан режа-

топшириқда кўзда тутилган ҳар бир савол бўйича мавжуд ҳолатдаги камчиликлар, қонунчилик ҳужжатларининг номи ва меъёрлари баён қилинади.

47. Далолатнома ФВВнинг мансабдор шахси ва текширувда иштирок этган бошқа мансабдор шахслар томонидан имзоланиб, давлат назорати субъекти раҳбарига имзолаш йўли билан танишиб чиқиш учун тақдим этилади (юборилади).

48. Текширув натижалари бўйича далолатнома (маълумотнома) ўтказилган текширувнинг асосий ҳужжати ҳисобланади.

49. Давлат назоратидаги субъектлар томонидан аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолатлар аниқланганда давлат назорати натижалари бўйича тузилган далолатнома асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида протокол тузилади.

50. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протокол ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган вақтдан бошлаб бир суткадан кечикмай текширув ҳужжатлари билан бирга маъмурий судга юборилади.

Агар ҳуқуқбузарлик натижасида моддий зарар етказилган бўлса, у ҳолда бу ҳақда ҳам протоколда қайд этилади.

Протокол уни тузган шахс ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан, агар гувоҳлар ҳамда жабрланувчилар бўлса — улар томонидан ҳам имзоланади.

51. Маъмурий судга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
текширишни ўтказиш учун тақдимнома;
объектни текшириш бўйича режа-топшириқ;
давлат назоратидаги субъектни текшириш далолатномаси;
комиссияда қатнашган мутахассисларнинг ҳулосаси;
ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг тушунтириш хати;
маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида протокол;
имзолашдан бош тортганлик ҳақидаги далолатнома (агар мавжуд бўлса);
ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг паспорти (ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг) нусхаси;

текширувчи мансабдор шахснинг (комиссия раисининг), текширишни ўтказиш учун тақдимнома берган ФВВ мансабдор шахси номига аниқланган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек маъмурий иш материалларини судга юбориш ҳақида рапорти;

юқорида кўрсатилган барча ҳужжатлар билан биргаликдаги кузатув хати.

52. Материаллар судга юборилишидан ва суд томонидан кўриб чиқилишидан қатъи назар, текширишни ўтказган ФВВ мансабдор шахслари текширилган давлат назоратидаги субъектнинг тегишли раҳбарлари ва масъул шахслари томонидан аниқланган камчиликлар бартараф этилишини назорат қилиб боришни таъминлаши шарт.

53. Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари бузилганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга ФВВнинг ФВДТ назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ва катта

офицери, Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси бошлиғи ва бош мутахассиси, шунингдек ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг бош инспекторлари ҳақлидирлар.

54. Давлат назорати натижалари қонунчилик асосида бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

55. Комплекс текширув натижаларига кўра давлат назоратидаги субъектинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлик ҳолати қуйидагича баҳоланади:

«Тайёр» — аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари тўлиқ бажарилиши таъминланмоқда;

«Чекланган тайёр» — аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг тўлиқ бажарилиши таъминланмаяпти, мавжуд камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш мумкин;

«Тайёр эмас» — аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши қисман таъминланаяпти, айрим талаблар бажарилмаган.

7-боб. Яқунловчи қоида

56. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини ташкил этиш
СХЕМАСИ**



Давлат назорати
объектлари

Аҳолини ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳаси, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, одамларни сув ҳавзаларида хавфсизлигини таъминлашни назорат қилувчи давлат субъектларининг фаолияти давлат назорати объектлари ҳисобланади

Давлат назорати
шакллари

Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига амал қилинишини текшириш

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш талабларига риоя этилишини назорат қилиш

Ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий аҳамиятта эга бўлган объектлар бўйича ишлаб чиқилган қарор ва лойиҳаларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси талабларига мос келиши юзасидан давлат экспертизаси ўтказилишида иштирок этиш

Давлат назорати
натижаларини
расмийлаштириш

Далолатнома, маълумотнома

Лойиҳалар экспертизаси натижалари бўйича хулоса

Натижаларни
амалга ошириш

Тақдимнома, маъмурий қонун бузилиши тўғрисида протокол, судга мурожаат этиш ва б. қ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1054 Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандарти (Асосий қоидалар) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг «Давлат бошқаруви» магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандарти 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратураси тингловчилари томонидан малакавий амалиёт ва стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида тингловчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим дастурлари бўйича таълим хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида (кейинги ўринларда Академия деб аталади) бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсларини 2015/2016 ва 2016/2017 ўқув йилларида яқунлаган битирувчилар учун бериладиган давлат намунасидаги сертификат 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Академия бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсларини 2015/2016 ва 2016/2017 ўқув йилларида муваффақиятли яқунлаган битирувчиларга давлат намунасидаги сертификатлар берилишини таъминласин.

3. Академиянинг бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсларига 2017/2018 ўқув йилида:

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган бир йиллик курсларга 60 нафар (шундан 40 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва 60 фоизи тўлов-контракт асосида);

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган тўрт ойлик курсларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига 100 нафар тингловчи ўқишга қабул қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Академияда магистратурага ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган тўрт ойлик курсларга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ходимлари қабул қилинади ҳамда ушбу курсларга белгиланган қабул квотасидан ташқари қўшимча қабул тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

5. Академия ҳамда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи бошқа таълим муассасалари ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни Бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандарти (Асосий қоидалар)га бир ой муддатда мувофиқлаштирсинлар.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 сентябрь,
745-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 745-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура
мутахассисликлари бўйича олий таълимнинг
ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ
(Асосий қоидалар)**

1-боб. Асосий қоидалар

1. Мазкур давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПФ–5139-сон фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 5 январдаги 5-сон ва «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. «Бошқарув кадрлари тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандарти (Асосий қоидалар)» (кейинги ўринларда БКТ ОТ ДТС деб аталади):

бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;

бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура битирувчиларининг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малакавий талабларини;

ўқув юклагаси ҳажмини;

бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайди.

3. БКТ ОТ ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини баҳолашни, бошқарув кадрларини тайёрлаш сифатини, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлашни тартибга солувчи ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни (ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар) тайёрлаш учун асос ҳисобланади.

4. БКТ ОТ ДТС олий маълумотли бошқарув кадрларини тайёрловчи барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

5. БКТ ОТ ДТСини ишлаб чиқиш қуйидаги ҳужжатларга асосланади:

О‘з DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар;

ЎзРСТ 1.8-94. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Амал қилинадиган ҳужжатларни ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;

О‘з DSt 1.9-95. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.

2-боб. Асосий тушунчалар

6. БКТ ОТ ДТСда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

олий таълим — узлуксиз таълимнинг олий маълумотли кадрлар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалаврият ва магистратура;

магистратура — бакалаврият негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;

магистр — олий таълимнинг магистратура босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даража;

олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом) — аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг ўқув режалари ва фанлар дастурини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Мазкур ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради;

олий таълимнинг давлат таълим стандарти — бошқарув кадрлари тайёрлаш соҳасига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, битирувчилар умумий тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, бошқарув кадрлари тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгиладиган эталон даражаси;

малака талаблари — узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчиларининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар;

бошқарув кадрлари буюртмачиси — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари

ўқитиш муддати — тингловчилар томонидан ўқув режалари ва фанлар дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат;

ўқув фанлари блоки — ўқув режалари ва фанлар дастурларининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминладиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми;

ўқув режаси — магистратуранинг муайян мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгиладиган ҳужжат;

ўқув фани — таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, бошқарув фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўникмалар тизими;

ўқув йили — олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври. Ўқув йили икки календарь йил билан белгиланади;

ўқув семестри — олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми;

ўқув фани дастури — таълим мазмуни, унинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат;

малакавий (бошқарув) амалиёти — ўқув жараёнининг бир қисми бўлиб, у назарий билимларни мустаҳкамлаш, бошқарув фаолиятида амалий кўникма ва малака ҳосил қилиш, ўқув режалари ва фанлар дастурларининг маълум (якуний) қисмидаги мавзу ҳамда магистрлик диссертацияси бўйича материаллар тўплаш учун хизмат қилади;

стажировка — илғор тажриба (шу жумладан, хорижий тажриба)ни ўрганиш асосида магистратура мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурлар талабларини мақсадли ўзлаштириш, муайян бошқарув лавозимларида бошқарув фаолияти соҳасидаги назарий билимлар ва амалий кўникмаларни синовдан (апробациядан) ўтказиш, магистратура тингловчиларининг тахлилий, тадқиқот олиб бориш ва ижодий маҳоратини фан ва ишлаб чиқаришни таълим билан боғлаш орқали шакллантириш, тингловчиларни илмий-техникавий жараённинг энг янги ютуқлари, иқтисодиёт соҳасидаги замонавий техника ва технологиялар ҳамда бошқарув фаолиятидаги илғор тажриба ва методология билан таништириш;

якуний давлат аттестацияси — магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим ўқув режа ва дастурларининг бажарилиши сифатини баҳолаш;

ўқитиш сифатини назорат қилиш — тингловчининг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

таълим сифатини назорат қилиш — ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш;

олий таълим муассасаси аттестацияси — олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг БКТ ОТ ДТС талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир;

олий таълим муассасаси аккредитацияси — олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг БКТ ОТ ДТС мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

3-боб. Олий таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар турлари

7. Олий таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасидаги магистратуранинг аниқ йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти;

олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланадиган магистратура мутахассислигининг ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари;

олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланадиган олий таълим муассасаси фаолиятининг аниқ йўналишларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар.

8. Олий таълимнинг бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасини стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш мазкур БКТ ОТ ДТСга мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

1-§. Магистратуранинг ўқув режалари мазмуни

9. Бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фан дастурлари давлат ва жамиятнинг бошқарув кадрларига бўлган эҳтиёжидан, фан, маданият, техника, технология ютуқларидан, бошқарув кадрларини тайёрлаш назарияси, услубияти ва амалиёти ривожланишининг жаҳон тенденцияларидан, буюртмачилар эҳтиёжларидан, бошқарув фани ва амалиёти ривожланишининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, битирувчининг давлат, хўжалик ва жамият бошқаруви соҳасидаги келгуси фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.

10. Ўқув режалари тингловчилар томонидан қуйидаги фан блокларининг ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;

илмий фаолият.

11. Ўқув режалари ушбу фан блоклари билан бирга, тингловчилар фикрини инобатга олган ҳолда олий таълим муассасаси ҳузуридаги кенгаш (кейинги ўринларда ОТМ кенгаши деб аталади) қарори билан ҳар йили белгиланадиган танлов фанларини ҳам ўз ичига олиши зарур.

12. Ўқув режалари ва дастурларини ўзлаштиришда ихтиёрий фанлар сифатида режалаштириладиган ҳамда ўқув фанларининг бир неча масалалари ёки муаммоларига қаратилган тингловчиларнинг мустақил таълим олишлари назарда тутилиши лозим.

13. Магистратура мутахассисликлари бўйича бошқарув кадрларни тайёрлаш жараёни ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши лозим.

14. Битирувчиларнинг якуний давлат аттестациясини ташкил этиш ҳамда бошқарув кадрларини тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш тартиби, қоидалари ва жараёни ОТМ кенгаши томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

2-§. Ўқув режанинг ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

15. Бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассислиги ўқув режалари ва фан дастурларининг мазмуни назарий ва амалий билимлар ҳамда ихтисослик бўйича касбий малакалар, танқидий, таҳлилий, илмий-тадқиқот ҳамда ижодий фикрлаш, стратегик ҳиссиёт ва башорат қобилиятини ўзлаштириш зарурати ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилади.

16. Умумметодологик фанлар блоқи қўйидагиларни назарда тутиши лозим:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича замонавий концепциялар, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг миллий стратегияси ва концепцияси мақсади, вазифалари ва устувор йўналишлари бўйича тасаввурларни шакллантириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларида бошқарувни ҳуқуқий таъминлаш (танланган мутахассислик хусусиятларини инобатга олган ҳолда), давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, бошқарув ходимларининг қарорлар қабул қилишидаги ваколатлари ҳамда жавобгарлиги соҳасида назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш;

замонавий менежмент, ташкилотлар ва инсон ресурсларини бошқариш психологияси ва социологияси бўйича билим ва кўникмаларни бериш, танқидий, таҳлилий, тадқиқот олиб бориш ҳамда ижодий фикрлаш кўникмасини, замонавий лидерлик сифатлари ва қобилиятини шакллантириш;

бошқарувда илғор ахборот-коммуникация технологиялари, «Электрон ҳуқумат» тизими хусусиятларидан фойдаланиш, маълумотларни компьютер технологиялари асосида таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

бошқарув фаолияти соҳасида хорижий тилда иш юритишни ўзлаштириш, хорижий тилда музокаралар олиб бориш ҳамда амалий ва тадқиқот натижаларини оммавий тарзда намоён этиш қобилиятини шакллантириш.

17. Мутахассислик фанлари блоқи қўйидагиларни назарда тутиши лозим:

аниқ мутахассислик бўйича бошқарув фанининг илғор хорижий тажрибаси, назарияси, методологияси ва амалиётининг ривожланиш йўналиш-

лари тўғрисида назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

танланган мутахассислик бўйича ақлий салоҳиятни мустаҳкамланишига, раҳбар кадрнинг доимий равишда ўз устида ишлаш, ўзини ривожлантиришига бўлган табиий эҳтиёжини шакллантиришга ёрдам бериш;

бошқарув фаолияти билан боғлиқ аниқ мутахассислик бўйича билимларни шакллантириш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш, бошқарув қарорларини қабул қилишда касбий салоҳият ва компетенциясини ривожланишига ёрдам бериш;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишини бажариш бўйича назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни, касбий фаолиятда мақсадли натижаларга эришиш учун мазкур жараёни моделлаштириш ва тизимли ёндашувни шакллантириш.

18. Илмий фаолият блоки илмий ва амалий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, тингловчилар томонидан танланган мутахассисликка мувофиқ илмий-тадқиқот муассасаларида илмий изланишларни олиб боришни назарда тутиши лозим.

Ушбу блок доирасида илмий тадқиқотлар олиб бориш услубияти, асослантириш ва раддия бериш, илмий ва тадқиқот маълумотларидан мақсадли фойдаланиш, тадқиқот мавзуси бўйича мустақил таҳлил ва хулосаларни тайёрлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришни ҳисобга олиш лозим.

19. Илмий-тадқиқот иши:

мустақил тадқиқот олиб бориш, бошқарув фаолияти соҳасида аниқ амалий муаммоларни ифодалаш, улар бўйича тадқиқот олиб бориш ва натижаларга эришиш кўникмаларини шакллантириши;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб бориш, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий ва таҳлилий мақолалар тайёрлаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириши;

тингловчиларга ахборот технологияларининг энг янги ва илғор ахборот базаларидан фойдаланиш, уларни магистрлик диссертациясини бажаришда қўллаш бўйича кўникмаларни сингдириши лозим.

20. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш:

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш битирувчилар якуний давлат аттестациясининг таркибий қисми ҳисобланади ва олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланадиган талаб ва тартибларга мувофиқ илмий раҳбар бошчилигида тингловчилар томонидан амалга оширилади.

21. Бошқарув кадрларини тайёрлаш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси Кенгаши қарори билан, тингловчиларнинг ихтиёрига кўра магистрлик диссертацияси химояси қўшимча иккита мутахассислик фани бўйича давлат аттестациясига алмаштирилиши мумкин.

22. Малакавий (бошқарув) амалиёт ўқув режасининг таркибий қисми ҳисобланади. Малакавий (бошқарув) амалиётни ташкил этиш тартиби ва қоидалари бошқарув кадрларини тайёрлаш хусусиятларидан келиб чиққан

ҳолда ОТМ кенгаши томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

23. Стажировка ўқув жараёни режасига мувофиқ амалга оширилиб, бошқарув ишини ташкил этишнинг илғор, шу жумладан хорижий тажрибасини, бошқарув қарорларини тайёрлашда аниқ муаммоли вазиятларни ўрганиш ва ҳал этишни, асослантириш ва қабул қилишни ўрганишга қаратилган.

Стажировкани ташкил этиш тартиби ва қоидалари бошқарув кадрларини тайёрлаш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Низом билан тартибга солинади.

5-боб. Бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура битирувчиларининг тайёргарлигига нисбатан кўйиладиган умумий малакавий талаблар

24. Магистратура битирувчиси:

танланган мутахассислик бўйича бошқарув функцияларини бажаришга, илмий ва амалий тадқиқотларни амалга оширишга, шунингдек фан, маданият, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ва бошқарув соҳасининг замонавий ютуқларини амалиётга татбиқ этишга йўналтирилган касбий тайёргарликка эга бўлиши;

стратегик мақсадларни шакллантира олиши ва махсус йўналтирилган масалаларни ҳал қила олиши, мутахассисликнинг илмий муаммолари бўйича қарорлар қабул қила олиши, таянч билимлар яратиб, улардан касбий фаолиятда фойдалана олиши;

илмий тадқиқотлар методологияси ва меҳнатни ташкил қилишни билиши; таҳлил усулларини қўллаши ва тадқиқот натижаларини қайта ишлаши, тегишли соҳа фаолияти билан боғлиқ илмий тадқиқотлар натижаларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши ва тақдим этиши;

таҳлилий ва илмий-тадқиқот ишларининг моҳиятини хорижий тиллардан бирида тушуниши, хорижий тилда музокаралар олиб бориш бўйича таянч билимга эга бўлиши, амалий ва тадқиқот фаолияти натижаларини хорижий тилда оммавий баён қила олиши;

бошқарувда илғор ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий «электрон ҳукумат» тизими, ахборотни таҳлил қилиш ҳамда бошқарув қарорларни қабул қилишнинг самарали усуллари, касбий вазифаларни автоматлаштириш ва моделлаштириш бўйича кўникмаларга эга бўлиши;

илмий асосда жамоани бошқаришни ташкил эта олиши, ташкилот олдига қўйилган вазифаларни бажаришда уларни йўналтира олиши, бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши;

Ўзбекистон давлатчилиқ тарихини ва миллий кадриятларини чуқур билиши ва тушунтириб бера олиши лозим.

6-боб. Ўқув юкламасининг ҳажми

25. Бошқарув кадрларини тайёрлаш — барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги таълим) ўқиш шакли учун аудитория машғулотлари ва илмий фаолиятнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқиш муддати 2 йил давом этганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши керак.

26. Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши лозим: назарий ва амалий таълим — 30% дан кўп эмас;

аттестация — 14% дан кам эмас;

таътил — 16% дан кўп эмас;

илмий фаолият (тадқиқот ва амалиёт) — 40% дан кам эмас.

27. Илмий фаолият магистратура тингловчисининг индивидуал календарь режаси асосида ташкил этилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий-тадқиқот иши ҳамда магистрлик диссертациясини тайёрлаш — 50% дан кўп эмас;

малакавий (бошқарув) амалиёти ва стажировка — 50% кам эмас.

28. Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда фан блоклари бўйича қуйидаги шаклда тақсимланиши лозим:

умумметодологик фанлар — 40% дан юқори эмас;

ихтисослик фанлари — 60% кам эмас.

29. Ҳар бир фан блоки бўйича танлов фанлари умумий ўқув юкламасининг 30% миқдорида белгиланади.

30. Айрим олий таълим муассасаларида таълим мутахассислиги бўйича алоҳида ўқув юкламалари ва улар тақсимотининг бошқа ҳажми белгиланиши мумкин.

7-боб. Бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

31. Магистратура мутахассисликлари бўйича бошқарув кадрларини тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ички назорат — олий таълим муассасаси томонидан ОТМ кенгаши тасдиқлайдиган Рейтинг назорат тизими ҳақидаги низом асосида амалга оширилади;

яқуний давлат назорати — ўқув фанлари бўйича давлат аттестацияси ва олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари ўқув режаларига мувофиқ магистратура тингловчиларининг магистрлик диссертация ҳимоясини ўз ичига олади.

32. Бошқарув кадрларни тайёрлаш хусусиятларини инобатга олган ҳолда яқуний давлат назоратини ташкил этиш тартиби ва қоидалари олий таъ-

лимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда ОТМ кенгаши томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

давлат-жамоатчилик назорати — олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқарув кадрлари буюртмачилари томонидан амалга оширилади;

ташқи назорат — белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

33. Олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш — олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассислиги бўйича бошқарув кадрларини тайёрлаш фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда давлат аттестацияси ва аккредитацияси бўйича ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 745-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академиясининг «Давлат бошқаруви»
магистратура мутахассислиги бўйича
ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ**

1-боб. Асосий қоидалар

1. Мазкур давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори ва «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг «Давлат бошқаруви» магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандарти» (кейинги ўринларда ДБ ММ ДТС деб аталади) таҳлилий фикрлаш ва стратегик режалаштириш, турли масалаларнинг мак-

бул ечимини топиш, ташаббускорлик ва етакчилик кўникмаларига эга бўлган давлат, хўжалик ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни инobatга олган ҳолда давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштиришга қодир кадрлар салоҳиятини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда Академия деб аталади) томонидан ишлаб чиқилган.

3. ДБ ММ ДТС — бошқарув кадрларини тайёрлашнинг асосий қоидаларини, таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифалари ва турларини, ўқув режаси, фанлар дастурлари, малакавий амалиёт ва стажировка мазмунига қўйиладиган умумий талабларни, ўқув режа тузилмасини, шунингдек кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш тартиби ва механизмини белгилайди.

4. ДБ ММ ДТС ўқув жараёнини тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режаси, ўқув фанлари дастурлари, амалиёт ва стажировка дастурлари, академик қоидалар ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

5. Мамлакатни ривожлантириш стратегиясининг устувор вазифалари, жамиятдаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация қилиш, фан-техника ва технология ютуқлари, бошқарув кадрларини тайёрлашда замонавий усул ва воситаларни қўллаш, хорижий тажриба бошқарув кадрларига қўйиладиган талабларни такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

6. ДБ ММ ДТСини ишлаб чиқиш қўйидаги ҳужжатларга асосланади:

О'z DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар;

ЎЗРСТ 1.8-94. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Амал қилинадиган ҳужжатларни ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;

О'z DSt 1.9-1995. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.

2-боб. Асосий тушунчалар

7. Мазкур давлат таълим стандартида қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат бошқаруви — оммавий эҳтиёж ва манфаатларни қондириш мақсадида жамиятнинг турли соҳаларида ташкиллаштириш, тартибга солиш, раҳбарлик, назорат ва ижрочиликка қаратилган қонуности фаолият;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда Академия деб аталади) — мам-

лакатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини изчил ривожлантириш, иқтисодийни бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш вазифаларини замонавий талаблар даражасида ҳал этишга лаёқатли бўлган давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида ташкил этилган олий таълим муассасаси;

малакавий амалиёт — ўқув режасидаги фанлар бўйича эгалланган назарий билимларни амалий ўзлаштириш ҳамда раҳбарлик кўникма ва малакаларини ривожлантириш мақсадида тингловчиларнинг бошқарув фаолияти билан уйғунлашган турли даражадаги ташкилотларда фаолият юритиши, шунингдек магистрлик диссертацияси бўйича зарур маълумотларни йиғиши учун ўтказиладиган ўқув жараёнининг таркибий қисми;

стажировка — ўқув режасидаги фанлар бўйича эгалланган назарий билимларни амалий ўзлаштириш ҳамда раҳбарлик кўникма ва малакаларини ривожлантириш мақсадида Академия магистрининг асосий иш жойида ёки таклиф этилаётган лавозим бўйича фаолият юритиши, шунингдек магистрлик диссертацияси бўйича якуний илмий-амалий тадқиқот олиб бориш учун ўтказиладиган ўқув жараёнининг таркибий қисми;

кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш — ўқитиш мазмуни ва натижаларининг ДБ ММ ДТС талабларига мувофиқлигини текшириш;

ўқитиш муддати — тингловчи томонидан ўқув режаси ва фанлар дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат;

ўқитиш сифатини назорат қилиш — тингловчининг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

ўқув йили — бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври;

ўқув режаси — магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжат;

ўқув семестри — ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг ёки амалиётнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат ёки ҳисоботлар ҳимояси билан тугалланадиган қисми;

ўқув фани — фан, маданият, техника, ишлаб чиқариш, шунингдек, давлат, хўжалик ва жамият бошқарувининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўникмалар тизими;

ўқув фанлари блоки — ўқув режасининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми;

ўқув фани дастури — таълим мазмуни, унинг магистрлар томонидан

ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат;

якуний давлат аттестацияси — магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси ва магистрлик диссертацияси ҳимояси) магистр томонидан олий таълим ўқув режаси ва дастурларининг бажарилиши сифатини баҳолаш.

3-боб. Таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаси ва турлари

8. ДБ ММ ДТС қуйидагиларни ўз ичига олади:

зарварақ (титул);

мундарижа;

бошқарув кадрларини тайёрлашнинг норматив ҳаволалари ва асосий тушунчалари;

таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифалари ва турлари;

ўқув режаси ва фанлар дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;

малакавий амалиёт ва стажировка мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;

ўқув режа тузилмаси;

кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш.

9. Магистратура мутахассислигининг давлат таълим стандарти, ўқув режа ва фанлар дастурлари таълим жараёнини ташкил этувчи норматив ҳужжатлар ҳисобланади.

4-боб. Ўқув режа ва фанлар дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

10. Академияда магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари мазмуни тахлилий фикрлаш ва стратегик режалаштириш, турли масалаларнинг мақбул ечимини топиш, ташаббускорлик ва етакчилик кўникмаларига эга бўлган бошқарув кадрларини тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштиришга қодир салоҳиятли кадрларни тайёрлашга қаратилган чуқур назарий ва амалий билимлар беришни назарда тутган ҳолда шакллантирилади.

11. Магистратура мутахассислиги ўқув режаси тингловчи томонидан қуйидаги мажбурий блоклар (умумметодологик ва мутахассислик фанлари) ўзлаштирилишини назарда тутади:

давлат бошқарувининг таянч фанлари;

бошқарувда мутахассислик фанлар;
ихтисослик фанлари (ҳар бир ихтисослик бўйича алоҳида);
факультатив курслар.

Ўқув фанлари блоки доирасида жойлардаги амалий машғулотлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ўқув режаси мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда, танлов фанларини ҳам ўз ичига олади.

Ўқув режасида магистрларнинг асосий иш жойидаги бошқарув фаолияти билан уйғунлашган ташкилотларда малакавий амалиётни ўташи, асосий иш жойида ёки таклиф этилаётган лавозим бўйича стажировка ўташи белгиланади.

Ўқув режасидаги фанлар дастурларида ўқув фанларининг долзарб масалалари ва муаммолари бўйича магистрнинг мустақил таълим олиши назарда тутилади.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари республика ва ҳудудларнинг иқтисодиёти, ижтимоий тармоқлари ҳамда бошқа соҳаларида давлат ва жамият бошқаруви учун муҳим бўлган назарий ва амалий билимларни замонавий педагогик ва ахборот технологиялари бўйича чуқур билим, амалий кўникмаларга эга бўлган кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилиши лозим.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари фан, техника, иқтисодий ва ижтимоий соҳа, давлат ва хўжалик бошқаруви соҳасидаги ислохотларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб турилиши лозим.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари бошқарув кадрларини тайёрлашда зарур бўлган тизимли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (аниқлик ва ноаниқлик шароитида бошқарув қарорларини қабул қилиш, ўйинлар назарияси, турли вазиятли масалаларни кўриб чиқиш ва ҳ. к.) усулларни қўллаш, тингловчиларда бошқарув кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари сайёр дарсларни ташкил этиш, фан дастурида кўзда тутилган мавзуларни чуқур ўрганиш мақсадида жойларда машғулотлар олиб боришни назарда тутиши лозим.

Магистрларда билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ шакллантириш учун ўқув режа ва фанлар дастурларидаги ўқув фанлари маъруза, семинар, амалий машғулот, суҳбат ва илмий мунозаралар шаклида ташкил этилиши назарда тутилади.

12. Ўқув режадаги фанлар блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:

а) Давлат бошқарувининг таянч фанлари:

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари бўйича билимлар берилиши;

мамлакатда макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш зарурияти, иқтисодиётни тартибга солишнинг замонавий механизмлари, макроиқтисодий

даражада монетар, фискал ва бошқа усуллардан ташаббускорлик ҳамда етакчиликда фойдаланиш тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириши;

давлат, хўжалик ва жамият бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича билимларни шакллантириши;

хорижий мамлакатлар давлат бошқарувининг хусусиятлари ва ижобий тажрибаси бўйича билимларни шакллантириш;

бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашда адолат, қонунийлик ва интизомни қарор топтириш бўйича кўникмаларни шакллантириши;

бошқарувнинг замонавий усулларига, стратегик режалаштириш, таҳлилий фикрлаш ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича менежмент ҳамда иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши;

давлат бошқарувида ахборот технологиялардан фойдаланиш ва «электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш натижасида давлат, жамият ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбар кадрларида замонавий дастурий воситалардан фойдаланиш бўйича билимларни шакллантириши;

бошқарув кадрларида этика, лидерлик ва нутқ маданияти асослари бўйича билимларни эгаллаш орқали нотиклик санъати ривожлантирилишини таъминлаши;

бошқарув кадрларининг халқаро музокаралар ва раҳбарлик мулоқотларида хорижий тилни қўллаш бўйича керакли билимларни таъминлаши лозим.

б) Бошқарувда мутахассислик фанлари:

тегишли соҳа давлат бошқаруви мутахассислиги учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

бошқарув фаолиятида таҳлилий фикрлаш ва стратегик режалаштириш, ташаббускорлик ва етакчилик кўникмаларига эга бўлишни таъминлаши;

мамлакатда бандлик сиёсатини амалга оширишда ижтимоий лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш йўналишларида мақбул ечимларни топиш юзасидан кўникмаларни шакллантириш;

бошқарув фаолиятида фойдаланиладиган билимлар базасини яратиш, жамлаш ва уларни раҳбарлик лавозимларида қўллаш бўйича кўникмаларни ривожлантириши;

давлат молиясини бошқариш ва бюджет ҳисобини юритиш жараёнларини акс эттирувчи дастурий маҳсулотларни эгаллаш бўйича зарур кўникмаларни шакллантириши;

жамоат ташкилотларини бошқариш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган билим ва кўникмаларни ривожлантириши;

бошқарув соҳасида тадқиқот ишларини бажариш, раҳбарлик фаолиятида бошқарув қарорларини қабул қилишда тизимли ёндашиш борасидаги билимлар, амалий маҳоратларни оширишни назарда тутиши лозим.

в) Ихтисослик фанлари:

ихтисослик фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги ислохотлар, фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, шунингдек, кадрлар буюрт-

мачилари ҳисобланган давлат, жамият ва хўжалик бошқаруви органлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Академия Кенгаши томонидан тасдиқланади.

г) Факультатив курслар:

мамлакатда турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар мазмун-моҳияти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган факультатив курслар ва уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар Академия Кенгаши томонидан тасдиқланади.

5-боб. Малакавий амалиёт ва стажировка мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

13. Академия тингловчиларининг малакавий амалиёти ва стажировкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратураси тингловчиларининг малакавий амалиёт ва стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низом асосида ташкил этилади.

14. Малакавий амалиёт:

бошқарув соҳасидаги назарий билимлар асосида бошқарув кўникма ва малакаларини шакллантиришни;

индивидуал изланиш ва таҳлилий хулосалар асосида бошқарув қарорларини қабул қилишга, мустақил ишлашга ўрганишни;

ўқув режа ва фан дастурларини амалий ўзлаштириш ҳамда раҳбарлик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида магистрнинг бошқарув фаолияти билан уйғунлашган турли даражадаги ташкилот ва корхоналарда раҳбарга ёрдамчи сифатида фаолият юритишни;

магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича зарур маълумотлар йиғишни таъминлаши лозим.

15. Стажировка:

магистрлик диссертациясини яқунлаш учун илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштиришни;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида бошқарув соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар билан таништиришни;

стажировка объектида мутахассислиги доирасида тизимли изланиш ва ностандарт вазиятларда бошқарув қарорларини қабул қилиш малакасини, амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантиришни;

ўқув режа ва фан дастурларини амалий ўзлаштириш ҳамда раҳбарлик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида тингловчининг асосий иш жойида ёки таклиф этилаётган лавозим бўйича раҳбарга референт-маслаҳатчи сифатида фаолият юритишни таъминлаши лозим.

6-боб. Ўқув юкламасининг тузилмаси

16. Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини

ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига — 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

17. Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, тингловчилар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Тингловчиларнинг академик гуруҳлари (поток) учун маъруза соатлари аудиторий вақтининг 40 фоиздан ошмаслиги зарур. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Ўқиш муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 92 ҳафтани ташкил этади.

Таълим дастурини ўзлаштириш жараёнида курсларнинг айрим муаммо ва масалалари бўйича тингловчиларнинг мустақил ишлари кўзда тутилиши лозим.

Таълим дастурини ўзлаштиришда айрим мустақил таълим усуллари ҳам кўзда тутилади.

18. Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислиги йўналишларига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

Давлат бошқарувининг таянч фанлари — 33 — 38% гача;

Бошқарувда мутахассислик фанлар — 33 — 38% гача;

Ихтисослик фанлар — 18 — 23% гача;

Факультатив курслар — 8 — 12% гача.

		1 курс	2 курс	Жами	
Ўқув жараёни	Назарий таълим		32	8	40
	Амалиёт ва илмий фаолият	Магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаш	-	2	2
		Малакавий амалиёт ва стажировка	14	22	36
		Аттестация	3	8	11
	Жами		49	40	89
Таътил		3	-	3	
Жами		52	40	92	

19. Академия магистратура мутахассисликлари тингловчиларининг илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш тартиби тегишли қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда Академия Кенгаши томонидан тасдиқланади.

7-боб. Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш

20. Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

босқичли назорат — ўқув режасига мувофиқ равишда ўқув фанлари доирасида тингловчилар ўртасида тест-синовларини ҳамда ташқаридан жалб этилган мутахассислар ёрдамида суҳбатларни ташкил қилиш;

сиртқи назорат — магистратура тингловчиларини узоқ муддатли (бир йилгача) ишлаб чиқариш амалиёти ва стажировкаларини самараси ва сифатини таъминлаш мақсадида узлуксиз устоз-рахбар мулоқотини ўрнатиш;

масофавий назорат — ўқув режасига мувофиқ ўқув фанлари доирасида масофавий таҳсил оладиган тингловчиларни кафедралар ва бўлимлар томонидан назорат қилиш;

давлат-жамоатчилик назорати — ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари, кадрлар буюртмачилари томонидан олиб бориладиган назорат;

яқуний давлат назорати — давлат бошқаруви мутахассисликлари бўйича уларнинг ўқув режасига мувофиқ равишда ўқув фанлари бўйича давлат аттестацияси ва магистрлик диссертация ҳимояси.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 745-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган
ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари (кейинги ўринларда давлат талаблари деб аталади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон фармонларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида (кейинги ўринларда Академия деб аталади) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган мажбурий талабларни белгилайди.

2. Давлат талаблари Академияда бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

3. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

замонавий билим, кўникма, малака ва компетентлигини шакллантириши ва тингловчиларнинг касб ва лавозимларга мувофиқлиги;

замонавий бошқарув технологияларига таяниши;

таълим дастурлари мазмунининг бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш турлари ва шаклларига мослиги.

4. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўқув юкмасида маърузалар ҳажми умумий аудитория соатининг 40 фоизидан ошмаслиги керак.

5. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш касбий фаолиятдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда, шунингдек масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида амалга оширилиши мумкин.

2-боб. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш

6. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш — мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида халқаро стандартлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим дастурлари асосида давлат ва жамият бошқаруви бўйича янги зарурий ҳамда етарли билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришдан, янги касбий фаолиятга йўналтиришдан иборат.

7. Қайта тайёрлаш тингловчининг асосий ишидан ажралган ва ажралмаган ҳолда ташкил этилади.

8. Қайта тайёрлашнинг ўқув юкмаси Академия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тасдиқландиган ўқув режа асосида белгиланади. Бунда тингловчиларнинг мустақил таълимига асосий эътибор қаратилади.

9. Қайта тайёрлаш муддати касбий фаолиятдан ажралган ҳолда 16 ҳафта, касбий фаолиятдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 40 ҳафта (тажриба ортиришни ҳисобга олган ҳолда, ўқув юкмасининг жами 576 соатдан кам бўлмаган ҳажми)ни ташкил этади. Аудитория машғулотлари ҳафтасига 36 соатдан, ўқув юкмасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соатдан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

10. Қайта тайёрлаш курсини тўлиқ ўзлаштирган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади.

11. Қайта тайёрлаш курсини ўзлаштирган ва якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчиларга мазкур давлат талабларининг 1-илоvasида белгиланган намунадаги диплом берилади.

3-боб. Бошқарув кадрларининг малакасини ошириш

12. Бошқарув кадрларининг малакасини ошириш — тегишли таълим турлари бўйича Давлат талабларидан келиб чиққан ҳолда, бошқарув кадрларининг малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бориш орқали уларнинг касбий маҳоратини ўсишини таъминлашдан иборат.

13. Малака ошириш асосий ишдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда ташкил этилади.

14. Малака оширишнинг ўқув юкламаси ҳажми Академия томонидан буюртмачи билан келишган ҳолда тасдиқланадиган ўқув режа асосида белгиланади.

15. Малака ошириш муддатлари Академия томонидан буюртмачи билан келишган ҳолда 1 ойгача белгиланиши мумкин.

16. Малака ошириш муддати 18 соатдан кам бўлмаслиги лозим.

Малака ошириш муддатлари, ўқув режа ва фан дастурлари Академия ва буюртмачи билан келишилади ва у Академия Кенгашида тасдиқланади.

17. Малака ошириш курсидан муваффақиятли ўтган бошқарув кадрларига мазкур давлат талабларининг 2-илоvasида белгиланган намунадаги сертификат берилади.

4-боб. Бошқарув кадрларининг тажриба орттириши

18. Тажриба орттириш — таълимнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, бошқарувчилик малакаси ва кўникмасини амалий жиҳатдан узлуксиз такомиллаштириб боришни таъминлаш, бошқарув кадрларини давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги янги ютуқлар билан таъминлаш мақсадида аниқ йўналишлар бўйича касбий таълим дастурларини ўзлаштиришдан иборат.

19. Тажриба орттириш — давлат ва нодавлат ташкилотларида қайта тайёрлаш курси тингловчиларининг назарий ва амалий билимлари, малака ҳамда кўникмаларини чуқурлаштиришга қаратилган.

20. Қайта тайёрлаш курси тингловчиларининг тажриба орттириш тартиби Академия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда белгиланади.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган дастурлар асосида тингловчиларнинг хорижий давлатлар таълим муассасаларида ва давлат органларида тажриба орттиришлари ташкил этилиши мумкин.

5-боб. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг тайёргарлигига қўйиладиган умумий талаблар

22. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

ошириш курслари тингловчиларининг тайёргарлигига қўйиладиган умумий талабларга қуйидагилар киради:

1) қуйидаги билим ва кўникмаларни эгаллаш:

давлат ва жамият бошқарувининг конституциявий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини;

давлат хизматини ўташнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини, давлат хизматини ташкил этиш ва амалга оширишни;

фуқаролик жамияти асосларини, фуқаролик жамияти институтларини ва ижтимоий шерикчиликнинг ҳуқуқий асослари;

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳияти ва аҳамиятини;

худудларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишни; ёшларга оид давлат сиёсатини;

давлат молияси, унинг бўғинларини ва уни бошқаришни, бюджет ҳисоби ва ҳисоботини;

нодавлат нотижорат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлашни шакл ва тамойилларини;

стратегик молиявий менежментни;

инсон ресурсларини бошқариш ва корпоратив бошқарув соҳасидаги қонунчиликни;

менежмент ва корпоратив бошқарув соҳасидаги замонавий тенденцияларни;

ахборот ва унинг таркибий қисмларини;

давлат интерактив хизматларини;

бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолай олишни;

аниқ вазиятлар таҳлилида муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилишнинг усулларини белгилай олиш ва қўллаётган натижаларни баҳолай олишни;

раҳбар шахси ва раҳбарлик услубларини;

жамоадаги психологик жараёнларни;

чет тилларидан бирида мулоқотга кириша олиш (зарур бўлганда мулоқотни бошқара олиш)ни билиши;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими ва фаолият йўналишларини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда замонавий усул ва шаклларида фойдаланишни;

нодавлат нотижорат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсатининг муҳим жиҳатларини;

тизимли таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, менежментнинг замонавий тамойиллари ва усуллари, корпоратив бошқарув тамойиллари ва механизмлари тўғрисида назарий билимларни;

иш самарадорлигини ошириш бўйича замонавий ахборот технологияларини қўллаш олишни;

бошқарув жараёнидаги муаммолар, вазиятлар таҳлили ва босқичлари ҳамда бошқарув қарорлари қабул қилиш ва амалга ошириш усулларини;

низоларни ҳал этиш технологияларини;

ходимларни баҳолаш ва шахснинг ўз ўзини бошқариш услубларини;

жамоага таъсир этиш услубларини;

чет тилларидан бири бўйича ўз мутахассислик соҳаларига оид ёки оид бўлмаган кенг қўламли бирмунча узун ва мураккаб матнларнинг услубий жиҳатларини, очиқ ойдин ёки бирмунча яширин баён этилган фикрларни аниқлаган ҳолда тушуна олишни;

2) бошқарувни ташкил қилиш ва уни самарали амалга ошириш;

3) ташкилотда замонавий ташкилий ва корпоратив маданиятни шакллантириш ва меҳнат муносабатларини самарали ташкил этиш усулларини амалда қўллаш;

4) ўз иш фаолияти самарадорлигини ошириш учун замонавий ахборот технологиялари ҳамда «Электрон ҳукумат» тизимидан самарали фойдаланиш;

5) вазиятлар бўйича таҳлилий фикрлаш ҳамда стратегик режалаштириш;

6) ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

7) муаммоли вазиятларни аниқлай олиш;

8) ташкилотда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш;

9) стратегик ва оралиқ мақсадларни аниқлаш;

10) вазифаларни тақсимлаш;

11) ташкилотда мақбул маданиятни яратиш ва жорий этиш малакаларига эга бўлиш;

12) масъулиятни ҳис қилиш, ташаббускорлик ва қатъиятлилик;

13) вазиятни объектив баҳолаш ва назорат қилиш;

14) ўз мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалай олиш;

15) жамоада уйғун муҳитни шакллантира олиш;

16) ташкилот фаолиятига таъсир кўрсатувчи шароит ўзгаришларини олдиндан англаш ва баҳолаш;

17) ташкилотнинг ички имкониятларини таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ечишнинг самарали йўлларини топиш;

18) ташкилотнинг инновацион фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

19) энг илғор тажрибалар, янгиликларни муваффақиятли ўзлаштиришни ташкил этиш;

20) ташкилотчилик, шахсий ташаббускорлик, қарорлар қабул қилиш, музокаралар олиб бора олиш;

21) ўз фикрларини ҳам ёзма, ҳам оғзаки баён этиш компетенцияларига эга бўлиш.

6-боб. Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш

23. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

Академияда тасдиқланган тегишли ички-тартиб қоидалар асосида ўқув жараёни даврида амалга ошириладиган ички назорат;

қайта тайёрлаш курси тингловчиларининг фанлар бўйича аттестацияси ва битирув малакавий иши ҳимоясига қаратилган якуний давлат назорати;

ваколатли давлат органи, нодавлат нотижорат ташкилотлари, кадрлар буюртмачилари томонидан олиб бориладиган давлат-жамоатчилик назорати;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси ва кадрлар буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган ташқи назорат.

7-боб. Якуний қоида

24. Мазкур Давлат талабларига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари эҳтиёжларини ўрганишдан, бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этишдан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида
бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган
давлат талабларига
1-ИЛОВА

*Ўзбекистон Республикасининг
Давлат герби*

O'zbekiston Respublikasi

Qayta tayyorlash haqida

DIPLOM QT № 000000

_____ (Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____ dan 20__ yil _____ gacha
_____ da

_____ (Qayta tayyorlash ta'lim muassasasining nomi)

_____ soatga mo'ljallangan

_____ (Qayta tayyorlash kursining nomi)

qayta tayyorlash kursida ta'lim olib, _____
_____ mavzusida bitiruv ishini Davlat
attestatsiya komissiyasida _____
bahoga himoya qildi va qayta tayyorlash o'quv kursini muvaffaqiyatli tamomladi

Muhr o'rni

Rektor _____

Sana _____

Qayd raqami _____

**Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги дипломнинг
ТАВСИФИ**

Қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч пушти рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Давлат герби, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI» ва «Qayta tayyorlash haqida DIPLOM» сўзлари босилади. Диплом икки лотин ҳарфи — QT ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч пушти ранг фонда босиб чиқарилади.

Диплом:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти-та ҳимояга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида
бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган
давлат талабларига
2-ИЛОВА

*Ўзбекистон Республикасининг
Давлат герби*

O'zbekiston Respublikasi

Malaka oshirish haqida

SERTIFIKAT MO № 000000

_____ (Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____ dan 20__ yil _____ gacha
_____ da

_____ (Malaka oshirish ta'lim muassasasining nomi)

jami _____
_____ (soatli)

_____ (Malaka oshirish kursining nomi)

bo'yicha malakasini oshirdi.

Muhr o'rni

Rektor _____

Sana _____

Qayd raqami _____

**Малака ошириш ҳақида давлат намунасидаги сертификат
ТАВСИФИ**

Малака ошириш тўғрисидаги сертификат А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч кул рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Давлат герби, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI» ва «Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи — МО ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кул ранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти-та ҳимояга эга.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 745-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси магистратураси
тингловчилари томонидан малакавий амалиёт ва
стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ****1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда Академия деб аталади) магистратураси тингловчилари томонидан уларнинг доимий яшаш жойидан

ташқарида бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларда малакавий амалиёт ва стажировка ўташ тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

қабул қилувчи ташкилот — тингловчиларнинг малакавий амалиёти ва стажировкаси ўтказиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар;

малакавий амалиёт (кейинги ўринларда амалиёт деб аталади) — ўқув жараёнининг бир қисми бўлиб, у назарий билимларни мустаҳкамлаш, бошқарув фаолиятида малака ва маҳоратга эга бўлиш, ўқув режалари, фан дастурлари ҳамда магистрлик диссертацияси мавзусининг муайян (яқуний) қисми доирасида материаллар йиғиш имконини яратади;

стажировка — илғор тажриба, шу жумладан, хорижий тажрибани ўрганиш асосида магистратура мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурлар талабларини мақсадли ўзлаштириш, муайян бошқарув лавозимларида дублёр (референт) вазифасини бажариш орқали бошқарув фаолияти соҳасидаги назарий билимлар ва амалий кўникмаларни синовдан (апробациядан) ўтказиш, магистратура тингловчиларининг таҳлилий, тадқиқот олиб бориш ва ижодий маҳоратини фан ва ишлаб чиқаришни таълим билан боғлаш орқали шакллантириш, тингловчиларни илмий-техникавий жараённинг энг янги ютуқлари билан, иқтисодиёт соҳасидаги замонавий техника ва технологиялар билан ҳамда бошқарув фаолиятидаги илғор тажриба ва методология билан таништириш;

Академиядан бириктирилган амалиёт ва стажировка раҳбари — Академия ректори томонидан тайинланган, тингловчининг амалиёт ва стажировка ўташини ташкиллаштириш учун масъул шахс;

қабул қилувчи ташкилотдан амалиёт ва стажировка раҳбари — Академия тингловчисининг амалиёт ва стажировкасига раҳбарлик қилиш учун қабул қилувчи ташкилот раҳбари томонидан тайинланадиган масъул шахс;

Амалиёт ва стажировка ўташ дастури — ўқув режалари асосида Академия томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тегишли дастур.

3. Амалиёт ва стажировка ўташ муддати, жойи тегишли дастур ҳамда назарий тайёргарлик, танланган магистрлик диссертацияси мавзуси ҳисобга олинган ҳолда ўқув режа асосида аниқланади.

4. Барча амалиёт ва стажировкалар ўқув режада белгиланган муддатларда ўтказилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри ва вилоят ҳокимлари, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари Академия тингловчиларининг малакавий амалиёт ва стажировкаси (дублёр сифатида) сифатли ва мақсадли ўтиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

2-боб. Малакавий амалиётнинг тузилиши ва мазмуни

6. Академиянинг магистратура таълими бўйича ўқув дастурида қуйидаги амалиёт турлари назарда тутилади:

6 ҳафта давомида давлат, жамият ва хўжалик бошқаруви тизимида микро даражада амалиёт ўташ;

6 ҳафта давомида давлат, жамият ва хўжалик бошқаруви тизимида мезо даражада амалиёт ўташ;

4 ҳафта давомида давлат, жамият ва хўжалик бошқаруви тизимида макро даражада амалиёт ўташ;

7. 16 ҳафтага мўлжалланган амалиётнинг умумий дастури қуйидагиларни ўз ичига олади:

амалий маҳорат ва кўникма;

магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича маълумотлар йиғиш;

амалиёт натижалари бўйича ҳисобот ёзиш;

малакавий ҳисобот мазмуни (концепцияси) бўйича ҳимоя;

ташкilot раҳбарининг дублёри сифатида ишлаш;

«устоз — шогирд» модели асосидаги таълим.

8. Давлат, жамият ва хўжалик бошқаруви тизимида микро даражадаги амалиёт қабул қилувчи ташкilotларнинг амалий фаолияти ҳақидаги тасаввурни шакллантиради ҳамда бирламчи касбий маҳорат ва кўникмаларни эгаллашни назарда тутди. Амалиётнинг мазкур шакли аудиториялардаги таълим яқунлангандан сўнг ўтказилади.

Мазкур амалиётнинг мақсади ўқув дастуридаги фанларни ўзлаштириш жараёнида олинган назарий билимларни мустаҳкамлашдан иборат.

9. Микро даражадаги амалиётнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: индивидуал топширикқа мувофиқ ташкilot фаолияти билан боғлиқ вазифаларга доир маълумотлар (материаллар)ни йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича дастлабки малакага эга бўлиш;

ташкilotнинг соҳавий фаолияти хусусиятларини аниқлаш;

индивидуал топширикқа кўра касбга оид тушунчаларни муайян ташкilotга боғлаган ҳолда ишлата олиш;

давлат, жамият ва хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан ўзаро алоқаларини таҳлил қилиш;

ташкilotнинг тизим сифатидаги тавсифи юзасидан тасаввурга эга бўлиш;

индивидуал топширикқа мувофиқ ташкilot бошқаруви тизими ҳақида тушунчага эга бўлиш.

10. Давлат, жамият ва хўжалик бошқаруви тизимида мезо даражадаги амалиёт микро даражадаги амалиётдан кейин ўтказилади ва тингловчиларга соҳа бўйича маҳоратни ошириш ва бошқарув принципларини амалиётда қўллаб кўриш имконини беради.

Ушбу амалиётнинг мақсади вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмаларида ишлаш учун зарур бўладиган мутахассис иш усули ва услубларини ўрганиш, касбий малака ва билимларга эга бўлишдан иборат.

11. Мезо даражадаги амалиётнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат, жамият ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятига оид талаблар билан танишиш;

ташкilotнинг бошқарув ва иш юритиш тизимини ўрганиш;

бўлинмалар (бўлимлар) функция (вазифа)ларини белгилаш ва уларнинг ишларини мувофиқлаштириш тизимини ўрганиш;

мутахассислар орасида вазифалар ҳамда иш ҳажми тақсимотини таҳлил қилиш;

ташкilotда илғор бошқарув усуллари ва қарорларни қўллаш тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

бошқарув ва назорат тизимини таҳлил қилиш;

давлат, жамият ва хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан ўзаро алоқаларини таҳлил қилиш;

барча турдаги ҳужжатлар мазмуни ва ҳисобини юритишни ўрганиш;

ўқув жараёнида ўзлаштирилган (эгалланган) малакани амалиётда қўллаш олиш.

12. Давлат, жамият ва хўжалик бошқаруви тизимида макро даражадаги амалиёт мезо даражадаги амалиётдан кейин ўтказилади ва тингловчиларга магистрлик диссертацияларини ёзишда зарур бўладиган материалларни йиғишлари учун касбий фаолиятни ўзлаштиришнинг узлуксиз ва тадрижий жараёнини таъминлаб беришни назарда тутати.

Мазкур амалиётнинг мақсади бошқарув ва инновацион фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш ҳамда бажариш, шунингдек, натижалар юзасидан ҳисобот тайёрлаш бўйича малака, маҳорат ва билимларга эга бўлишдан иборат.

13 Макро даражадаги амалиётнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

амалиёт бўйича ҳисобот тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш учун материаллар йиғиш ва уларни қайта ишлаш;

мутахассисликка оид назарий ва амалий билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳамда уларни муайян масалалар ва муаммоларни вазиятларни ҳал қилиш учун бошқарув қарорларини қабул қилишда қўллаш;

ишни мустақил равишда олиб боришни ривожлантириш ва ўрганилаётган муаммо ҳамда масалаларни ечишда тадқиқот ва тажриба ўтказиш усуллари (методлари)ни ўзлаштириш;

тингловчиларнинг замонавий талабларга мувофиқ равишда мустақил ишлай олишларига бўлган тайёргарликларини аниқлаш.

14. Малакавий ҳисобот мазмуни (концепцияси) бўйича ҳимоя якуний босқич бўлиб, унда тингловчиларнинг амалиёт даврида бажарган ишлари натижалари таҳлил этилади ва баҳоланади. Амалиёт ҳисоботи ҳимояси Академия профессор-ўқитувчилари таркибидан ҳамда қабул қилувчи ташкilotнинг мутахассис-амалиётчиларидан иборат эксперт гуруҳ олдида кейс-стади усулида тақдимот шаклида ўтказилади. Эксперт гуруҳининг таркиби Академия ректори томонидан тасдиқланади.

15. Амалиёт ҳисоботи ҳимояси ҳар йили сентябрь ойида 2 ҳафта давомида қуйидаги мезонларга мувофиқ ўтказилади:

амалиётда назарий билимларни қўллаш даражаси;

амалиёт ўташ даврида тингловчилар томонидан йиғилган материаллар, ўрганилган ва ечилган масалаларнинг мазмуни, даражаси ва сифати.

16. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчиларининг амалиёти алоҳида махсус дастур ҳамда 12 кунга мўлжалланган ўқув режа асосида ташкил этилади. Мазкур малакавий амалиётнинг мақсади битирув малакавий ишини тайёрлаш учун материаллар йиғиш ҳисобланади.

3-боб. Стажировканинг тузилиши ва мазмуни

17. Академиянинг таълим дастури бўйича 2-курсада ўқиётган тингловчилар учун стажировка, шу жумладан хорижий стажировка ташкил этиш назарда тутилади.

18. Стажировка ўқув жараёнида тингловчилар томонидан эгалланган бошқарув фаолиятига боғлиқ назарий билимлар ва касбий малака ҳамда маҳоратни мустаҳкамлаш, муайян иш жойида бошқарув фаолиятига тайёрланиш ва магистрлик диссертациясининг амалий қисмига материаллар йиғиш учун йўналтирилган.

19. Стажировка 16 ҳафта давомида тингловчиларнинг доимий яшаш жойидан ташқарида бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг таркибий бўлинмалари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларда бўлиб ўтади.

20. Стажировканинг мақсади:

тингловчиларнинг малакавий амалиёт дастурларини ўзлаштиришда олинган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш;

ўзларининг хизмат вазифаларини ижро этишда амалий малака ва маҳоратдан самарали фойдалана олиш кўникмасини ошириш ҳисобланади.

21. Стажировканинг асосий вазифалари:

иш жойида амалий малака ва маҳоратни қўллаш;

магистрлик диссертациясини тайёрлаш.

22. Стажировка дастури қуйидагиларни ўз ичига олади:

раҳбарнинг дублёри ёки референт-маслаҳатчиси сифатидаги вазифани бажариш;

лавозимга келиш, иш жойига мувофиқ равишда лавозим функциялари ва вазифаларини дублёр сифатида ижро этиш;

мазкур иш ўрнига оид тартиб ва фаолият йўналишларини ўзлаштириш, ушбу лавозимга лаёқати бор ёки йўқлигини, бор бўлса унинг даражасини текшириш;

бажарилган ишлар, уларнинг натижалари юзасидан берилган топшириқларни тушуниш;

бажарилган ишлар ва уларнинг натижалари юзасидан берилган топши-

риқлар тушуниланлигини расмийлаштириш, стажировка ҳисоботида ушбу бажарилган вазифаларга тайёргарликни баҳолаш;

тақдимот ва стажировка ҳисоботи ҳимояси.

23. Ҳимоя якуний босқич сифатида 1 ҳафта давомида стажировка даврида тингловчилар томонидан бажарилган ишлар натижаларини баҳолаш асосида ўтказилади.

Стажировка ҳисоботи ҳимояси Академия профессор-ўқитувчилари таркибидан ҳамда қабул қилувчи ташкилотнинг мутахассис-амалиётчиларидан иборат эксперт гуруҳ олдида тақдимот шаклида ўтказилади. Эксперт гуруҳининг таркиби Академия ректори томонидан тасдиқланади.

24. Академия тингловчиларининг хориждаги стажировкалари чет элдаги ҳамкорлар билан тузилган шартномалар (битимлар) асосида ташкил этилади. Илғор хорижий тажрибаларни соҳавий ташкилотлар ва марказларда ўргатиш мақсадида Академия ходимлари раҳбарлигида тингловчиларни 1 ойлик муддат билан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хорижга юборилади.

25. Хориждаги стажировка дастури қўйидаги талабларни ўзи ичига олади: таълим ихтисослигига мувофиқ келувчи бир хил ёки айнан ўхшаш (идентив ёки аналог) идораларнинг фаолиятини ташкил этиш ва юритиш тартиби, шакллари ҳамда муаммолари таҳлили;

касбий лаёқат, татбиқ этиш ва имплементация қилиш мақсадида хорижий ташкилотда қўлланиладиган метод ва методологиялар таҳлили;

асосий иш жойи бўйича стажировка ўтаётган ташкилот (муассаса) ёки унинг таркибий бўлинмаларида амалга ошириш мумкин бўлган ўзгаришлар ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

26. Хориждаги стажировка ҳисоботи ҳимояси 1 ҳафта давомида тақдимот шаклида ўтказилади. Хориждаги стажировка ҳисоботи ҳимояси бўйича Комиссия таркиби Академия ректори томонидан тасдиқланади.

4-боб. Амалиёт ва стажировка ўташ даврида тингловчига қўйиладиган талаблар

27. Тингловчи:

методик ва инструкторив материаллар билан танишиши, Академия томонидан тайинланган амалиёт ва стажировка раҳбаридан йўл-йўриқ олиши;

амалиёт ва стажировка ўташ чораларини кўриш ва назорат қилиш бўйича ташкил этиладиган тадбирларда қатнашиши;

амалиёт ва стажировка ўташ дастурларида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда тўлиқ ҳамда сифатли бажариши;

Академия платформасидаги онлайн ва оффлайн тизими воситасида профессор-ўқитувчилар ва илмий раҳбарлардан олинган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариши;

хар куни тартибли равишда кундалик юритиши;

талабга кўра юритаётган кундалигини Академия томонидан тайинланган амалиёт ва стажировка раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этиши;

келгуси ўқув ва амалий фаолиятда фойдаланиши мумкин бўлган материалларни йиғиб бориши;

кабул қилувчи ташкилотнинг ички меҳнат коидалари ва талабларига риоя этиши шарт.

28. Тингловчи Академия томонидан тайинланган раҳбарига амалиёт ва стажировка якуни бўйича қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

амалиёт ва стажировка кундалиги;

келажакда ўқув ва амалий фаолиятда фойдаланиш учун тингловчига якуний хулосалардан сўнг қайтариб бериладиган амалиёт ва стажировка ўташ даврида йиғилган материаллар жилди (уларнинг рўйхати кундаликда ўз ифодасини топиши зарур).

29. Узрли сабабларсиз амалиёт ва стажировкани ўташдан озод этилишга йўл қўйилмайди.

5-боб. Амалиёт ва стажировкани ташкил этиш талаблари

30. Амалиёт ва стажировка ўташни ташкил этиш жараёнига қўйиладиган талаблар махсус дастурлар асосида аниқланади. Барча босқичларда тингловчиларнинг узлуксиз ва тизимли равишда касбий бошқарув фаолиятини ўзлаштиришлари таъминланиши ташкил этилиши талаб этилади.

Хориждаги стажировка мавзуси ва мазмуни Академиянинг таълим ва илмий тадқиқот фаолиятидаги бугунги ва истиқболдаги равнақи масалаларига мувофиқ келиши ва стажировка дастурлари талабларига жавоб бериши зарур.

31. Ўқитувчиларнинг амалиёт ва стажировкадаги юкламалари ўқув режаси ҳамда амалиёт ва стажировка турларида белгиланган ўқув педагогик соатлар (ҳафталар) миқдоридан келиб чиқиб аниқланади.

32. Амалиёт ва стажировка Академия ректорининг буйруғи асосида ташкил этилади. Унда амалиёт ёки стажировка турлари, муддати ва жойлари, моддий таъминот, яшаш жойини тақдим этиш, жавобгар шахслар ва юбориладиган тингловчилар рўйхати таркиби, амалиёт ва стажировка раҳбари белгилаб берилади.

33. Қабул қилувчи ташкилотдан тайинланган амалиёт ва стажировка раҳбарлари амалиёт ва стажировка ўташ жойларида меҳнат муҳофазаси талаблари ҳамда тингловчилар ҳаётининг хавфсизлиги бўйича тегишли чораларни кўради.

34. Академия тингловчиларининг чет элдаги стажировкалари хорижий ҳамкорлик бўйича тузилган шартномалар (битимлар) асосида ташкил этилади.

35. Амалиёт ва стажировкани ташкил этиш ва ўтказишни мувофиқлаштириш Академиянинг тегишли таркибий бўлимида амалга оширилади.

36. Амалиёт ва стажировкани ташкил этишга оид саволлар юзасидан тингловчиларни хабардор қилиш (ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳисобот-

лар ҳимояси билан боғлиқ бўлган маълумотларни тақдим этиш) Академиянинг тегишли таркибий бўлими томонидан корпоратив почта манзилларига юбориш орқали амалга оширилади. Тингловчилар электрон шаклдаги хабарларни мунтазам равишда кузатиб боришлари зарур.

37. Академия томонидан тайинланган амалиёт ва стажировка раҳбари: амалиёт ва стажировкага кетаётган тингловчиларга Академиянинг тегишли таркибий бўлимлари билан биргаликда йўриқнома ўтказди;

тингловчиларнинг амалиёт ва стажировка ўташ жойига етиб келишини назорат қилади;

қабул қилувчи ташкилот раҳбари ҳамда у ердан тайинланган амалиёт ва стажировка раҳбари билан алоқа ўрнатади;

амалиёт ва стажировка ўташ дастурларида белгиланган вазифаларни бажаришда тингловчиларга методик ёрдам кўрсатади;

амалиёт ва стажировканинг барча даври учун шахсий режа тузади, қабул қилувчи ташкилот томонидан тайинланган амалиёт ва стажировка раҳбари билан ҳамкорликда иш ҳажми ҳамда мазмунини аниқлайди;

тингловчиларни амалиёт ва стажировка ўташ объектлари бўйича таксимлашда иштирок этади;

амалиёт ва стажировка муддатлари, мазмуни махсус дастурларнинг ижроси юзасидан назоратни ташкил этади, шунингдек, амалиёт ва стажировка ўташ жойларига бориб тингловчиларнинг йўқламаларини юритади;

малакавий амалиёт ва стажировка ҳисоботи ҳимоясида иштирок этади;

амалиёт ва стажировка ўташ ҳамда ушбу йўналишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритилган ҳисоботни тайёрлайди, уни Академияга тақдим этади.

38. Қабул қилувчи ташкилот раҳбари:

амалиёт ва стажировка ўташ бўйича Академия билан шартнома тузади;

тингловчиларни амалиёт ва стажировка ўташга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради;

қабул қилувчи ташкилотнинг малакали ва тажрибали мутахассислари орасидан тингловчининг амалиёт ва стажировкасини ўташи бўйича масъулларни тайинлайди, шунингдек, назорат юритувчи ишчи гуруҳни тузади;

малакавий амалиёт ва стажировканинг сифати ҳамда унинг мақсадли ўтишига шахсан масъул ҳисобланади;

амалиёт ва стажировканинг қониқарсиз ташкил этилишига шахсан жавобгар бўлади;

дастурга мувофиқ амалиёт ва стажировкани ташкил этиш учун тегишли шароитлар яратади.

39. Амалиёт ва стажировка қабул қилувчи ташкилот ҳамда Академия ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ташкил этилади. Мазкур шартномада ушбу ташкилот зиммасига амалиётчи (стажёр) учун жой тақдим қилиш мажбурияти юклатилади.

Амалиёт ва стажировка ўтказиш бўйича тузилган шартномада Академия ва қабул қилувчи ташкилот ҳужжатнинг предмети, томонлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари, амалиёт ва стажировкани ташкил этиш тартиби, шартноманинг

амал қилиш муддати, уни бекор қилиш асослари, шунингдек, томонларнинг жавобгарлиги каби масалаларни келишиб оладилар.

40. Амалиёт ва стажировка бошланиши билан тингловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, ички тартиб қоидалари ва улар танишиши зарур бўлган ҳужжатлар танишиш учун тақдим қилинади.

41. Амалиёт ва стажировка бўйича қўйиладиган баҳолар таълим жараёнидаги баҳоларга тенглаштирилади ва тингловчиларнинг ўзлаштириш даражаси бўйича умумий рейтингининг якуний натижаларида ҳисобга олинади.

42. Академия устави ва мазкур Низомга мувофиқ амалиёт ва стажировка натижалари бўйича қониқарсиз баҳо олган, шунингдек узрсиз сабабларга кўра дастурларда белгиланган вазифаларнинг бажарилмаслиги тингловчини академик қарздор сифатида белгиланган тартибда ўқишдан четлаштириш учун асос бўлади.

6-боб. Моддий таъминот

43. Амалиёт ва стажировка ўташ даврида тингловчининг асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

44. Амалиёт ва стажировка ўташ даври учун хизмат сафари, йўл ҳақи ва яшаш харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Академия тингловчиларига амалиёт ёки стажировка ўташ жойига етиб олиш ва назарда тутилган ўқув дастурига мувофиқ қайтиб келиш учун бир марталик йўл ҳақи тўлаб берилади.

45. Амалиёт ва стажировка ўташ даврида тингловчиларга яшаш жойини ижарага олиш учун қуйидаги миқдорларда ойлик компенсация тўланади:

Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида яшаш учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдориди;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туман марказлари ва аҳоли пунктларида яшаш учун энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдориди.

46. Академия магистратураси тингловчиларини хорихдаги бошқарув кадрларни тайёрлаш бўйича етакчи илмий-маърифий муассасалар ва марказларга, шунингдек чет мамлакатларнинг давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, жамоат ташкилотларига мажбурий тартибда бир ойлик муддатга юбориш Академиянинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Истеъдод» жамғармасининг бюджет маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига ташкил этилади.

7-боб. Якуний қоида

47. Амалиёт ва стажировка ўташни ташкил этиш билан боғлиқ барча

хужжатларни юритиш (хужжатлар айланишини ташкил этиш) Академиянинг тегишли таркибий бўлими томонидан зарур бўлимлар ва қабул қилувчи ташкилотларни жалб этган ҳолда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 745-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун
масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали ўқув курсларини
ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Масофадан ўқитиш усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малакани ошириш курслари (кейинги ўринларда масофавий курслар деб аталади) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбар кадрларини асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ўқув дастурларини мустақил ўзлаштириши асосида амалга оширилади.

3. Масофавий курслар онлайн (масофадан туриб реал вақт режимида видеомаърузаларни, маслаҳатларни, назорат турларини олиб бориш) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) режимларда ташкил этилади. Мазкур курсларнинг сифати ва самарадорлигининг доимий назорати Академия Ўқув-услугий бўлими электрон мониторинг тизимида қайд этилади ҳамда белги-ланган талабларга мувофиқлиги таъминланади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбар кадрларининг масофавий курсларда ўқиши шартнома асосида амалга оширилади.

**2-боб. Масофавий курсларнинг асосий мақсад ва
вазифалари**

5. Масофавий курсларни ташкил этишнинг асосий мақсади тингловчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил ўқиши ва изланишини замонавий таълим технологиялари асосида рағбатлантиришдир.

6. Масофавий ўқитиш шаклининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёналарига замонавий таълим технологияларини кенг жорий этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбар кадрларига асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва малакани ошириш ўқув дастурларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали ўзлаштириш имкониятини яратиш, мустақил таълимни рағбатлантириш.

3-боб. Масофавий курсларга тингловчиларни қабул қилиш ва таълим жараёнини ташкил этиш

7. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбар кадрларини масофавий курсларга қабул қилиш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг буюртмасига мувофиқ амалга оширилади.

8. Масофавий курслар бошланишидан олдин тингловчиларга Академия ўқув-услубий бўлими томонидан электрон портфолио логини ва пароли берилади. Тингловчилар мазкур логин ва парол ёрдамида «Масофавий курслар» бўлимига киради ва тизимда ўзининг шахсий кабинетига эга бўлади.

9. Масофавий курс давомида тингловчи курсларни ташкил этиш ва ўтказиш режасига, ўқиш давомийлиги (келишув асосида)га амал қилиши, шунингдек онлайн ва оффлайн режимидаги таълим жараёнида шахсан ўзи иштирок этиши талаб этилади.

10. Масофавий курсларда тингловчининг фаолияти тасдиқланган график асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

онлайн кириш тест синови — курс бошида тингловчиларнинг тегишли қайта тайёрлаш ва малакани ошириш йўналиши бўйича дастлабки билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун ташкил этилади;

онлайн кириш тест синовларини муваффақиятли топширган тингловчиларга «Масофавий курслар» тизимидаги ресурслар (мустақил таълим учун тақдимотлар, ўқув, аудио ва видео материаллар)дан фойдаланишга рухсат берилади.

11. Йўналиш ўқув режасидаги фанларни ўзлаштириш кетма-кетлиги тингловчи томонидан мустақил равишда танланади. Бунда тингловчи ўқув фанлари мазмунини электрон таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда мустақил ўзлаштиради.

12. Масофавий курсларда қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув режасидаги ўқув фанлари бўйича онлайн маърузалар ташкил этилади.

13. Онлайн маърузалар Академиянинг тажрибали профессор-ўқитувчилари, малакали амалиётчилар томонидан замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион таълим технологияларини қўллаб амалга оширилади.

Ҳар бир онлайн маърузалар ўтказилишидан олдин тизимда махсус эълон (куни, соати ва мавзуси тўғрисида хабар) бериб борилади.

14. Курс давомида тингловчи ўқув режасидаги ҳар бир фан бўйича ассесмент (жорий назорат) топшириқларини бажаради.

Ассесмент топшириқлари ҳар бир фан мавзулари тўлиқ ўзлаштирилгандан кейин электрон тизимда бажарилади ва уларни муваффақиятли топширган тингловчиларга навбатдаги фанларни ўзлаштиришга рухсат берилади.

Ўқув режасидаги барча фанлар бўйича тингловчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари уларнинг электрон рейтинг дафтарчасида қайд этилиб борилади.

15. Курс давомида тингловчиларга буюртмачилар эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ўқув режаларидаги фанлар бўйича маърузалар, маслаҳатлар онлайн ёки оффлайн шаклда, махсус режа асосида ташкил этилади.

16. Битирув иши мавзуси тингловчи томонидан тизимдаги мавжуд мавзулар доирасида ихтиёрий танланади ва Академиянинг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори буйруғи билан тасдиқланади. Битирув ишини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

17. Масофавий курсларда тингловчиларнинг амалиёти (стажировка) тингловчи фаолият кўрсатаётган ташкилотнинг тегишли йўналиш тузилмалари базасида, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Раҳбар кадрларнинг малакавий амалиёти Академиянинг амалиёт, стажировка ва жойлардаги машғулотларни ташкил этиш бўлими орқали шакллантирилади ва назорат қилинади.

Амалиёт якунлари бўйича тингловчининг ҳисоботи ва натижалари қайд этилган баённома кўчирмаси тасдиқланган ҳолда тизимнинг тегишли қисмига илова қилинади.

18. Оралиқ (чиқиш) онлайн тест синовлари масофавий курс дастури доирасида тайёрланган саволлар асосида, белгиланган режа бўйича ташкил этилади.

Бунда тингловчиларга оралиқ (чиқиш) онлайн тест синовларини асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда тегишли марказларда, жорий вақтда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг якунида ўтказиладиган тест синовларида қатнашаётган бошқа тингловчилар билан биргаликда топширишга рухсат берилади.

19. Масофавий курс давомида тингловчининг жорий (ассесмент баллари, электрон портфолио кўрсаткичлари ва амалиёт натижалари) ва оралиқ назорат (чиқиш тести) турлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари Академия бошқарув кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультети тизимида қайд этиб борилади.

20. Масофавий курсларда ўқиш давомийлиги белгиланган режа асосида амалга оширилади. Бунда курсларнинг ўқув дастурларини тўлиқ ўзлаштирган, жорий ва оралиқ назорат топшириқларига ажратилган максимал баллнинг 56 фоизидан юқори балл тўплаган тингловчиларга якуний аттестацияга киришга рухсат берилади.

21. Агар тингловчи узрли сабабларга кўра якуний аттестацияга кела олмаса, унга такрорий аттестациядан ўтиш муддатидан келиб чиққан ҳолда кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида якуний назоратга киришга рухсат берилади.

Белгиланган муддат давомида курсларнинг ўқув дастурларини ўзлаштирмаган тингловчилар масофавий курслардан ўтмаган ҳисобланади.

4-боб. Масофавий курслар тингловчилари билимини якуний баҳолаш

22. Масофавий курслар тингловчиларини якуний баҳолаш тегишли йўналишлар бўйича Академияда ташкил этиладиган имтиҳон комиссиялари томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Якуний қоида

23. Масофавий ўқитиш жараёнида юзага келадиган низолар Академия Кенгаши томонидан ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 745-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида тингловчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим дастурлари бўйича таълим хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида (кейинги ўринларда Академия деб аталади) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим дастурлари бўйича таълим хизматлари (кейинги ўринларда таълим хизматлари деб аталади) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

буюртмачи — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар;

таълим олувчи — ўрнатилган тартибда Академияда таълим дастурлари асосида билим олувчи жисмоний шахс;

таълим хизмати — Академия ва буюртмачи ўртасида тузилган пул-

лик хизмат кўрсатиш шартномасига биноан буюртмачининг ҳисобидан ва талаби асосида таълим бериш фаолияти;

асосий таълим дастури — буюртмачи талаби асосида Академия томонидан шакллантирилган таълим дастури;

қўшимча таълим дастури — Академия томонидан ишлаб чиқилган ҳамда буюртмачига таклиф этилган таълим дастури.

3. Таълим хизматларини кўрсатиш Академия уставига мувофиқ амалга оширилади, ундан келиб тушадиган маблағлар Академия уставида назарда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

4. Таълим хизматларини кўрсатиш нархи ўқув дастурларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили Академия кенгаши томонидан белгиланади. Тегишли ўқув дастурлари бўйича таълим хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ маълумотлар Академия расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

5. Академия ўқув дастури ва шартнома шартларида белгиланган таълим хизматлари кўрсатилишини таъминлаши лозим.

6. Академия ва буюртмачи ўртасида шартнома тузилганидан сўнг таълим хизматлари кўрсатиш нархини ўзгартирилишига йўл қўйилмайди, икки томоннинг розилиги билан шартнома предмети кенгайтирилган ҳоллар бундан мустасно.

7. Академия томонидан қуйидаги таълим хизматлари кўрсатилиши мумкин:

Академия ўқув жараёни дастурлари асосида таълим олувчиларнинг малакасини ошириш;

буюртмачи талабига асосан таълим олувчиларнинг малакасини ошириш;

Академиянинг магистратура мутахассислигига ўқишга кириш истагини билдирган номзодларни тайёрлаш.

2-боб. Таълим хизматлари кўрсатиш ва шартнома тузиш тартиби

8. Академия буюртмачи билан шартнома тузишга қадар таълим хизматлари кўрсатиш тўғрисида аниқ маълумотларни буюртмачига тақдим этиши лозим.

9. Буюртмачига тақдим этиладиган маълумотларда қуйидагилар ўз ифодасини топган бўлиши керак:

Академиянинг жойлашган манзили;

асосий ва қўшимча таълим дастурларини амалга ошириш йўналишлари;

таълим хизматлари рўйхати ва уларни кўрсатиш тартиби;

таълим хизматлари нархи;

таълимни тугатгандан кейин бериладиган ҳужжат шакли;

Академиянинг ички тартиб-қоидалари.

10. Буюртмачининг сўровига биноан Академия қуйидаги ҳужжатлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши керак:

Академия устави ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар;

шартнома намуналари;
асосий ва қўшимча таълим дастурлари;
таълим хизмати кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар.

11. Маълумотлар буюртмачига қуйидаги усулларда етказилади:

Академия расмий веб-сайти;

буклетлар;

проспектлар.

12. Маълумотлар ўзбек тилида ёки буюртмачининг сўровига кўра рус тилида тақдим этилади.

13. Таълим хизматлари кўрсатиш учун томонлар ўртасида тузилган таълим хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) асос бўлиб ҳисобланади.

14. Шартнома тузишда бир буюртмачига бошқасига нисбатан устуворлик берилишига йўл қўйилмайди.

15. Шартнома оддий ёзма шаклда тузилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

Академия тўғрисидаги тўлиқ маълумот;

буюртмачи — юридик шахснинг тўлиқ номи, почта манзили, унинг номидан ҳаракат қилувчи мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили;

таълим олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, телефон рақами;

ижрочи, буюртмачи ва таълим олувчининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

таълим хизмати нархи ва уни тўлаш тартиби;

таълим дастурининг тури ва йўналиши;

таълим муддати;

таълим дастурини эгаллаган таълим олувчига бериладиган ҳужжат шакли; шартномани талабларини ўзгартириш, қўшимча киритиш ва бекор қилиш асослари;

таълим хизмати хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар.

16. Шартномага таълим олувчининг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган шартларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

17. Шартнома уч нусхада расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси Академияда сақланади, иккинчи нусхаси буюртмачига, учинчи нусхаси таълим олувчига тақдим этилади.

18. Шартнома Академия номидан Ректор томонидан имзоланади.

19. Буюртмачи шартномада кўрсатилган тартибда ва муддатда таълим хизмати учун тўловларни амалга оширади.

3-боб. Академия ва буюртмачининг жавобгарлиги

20. Томонлар шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарил-

маганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун шартномада ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

21. Ўқув дастурларида назарда тутилган таълим хизматларини кўрсатишда аниқланган камчиликлар учун буюртмачи қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

пул тўлаш шартсиз таълим хизматини кўрсатиш;

таълим хизмати кўрсатиш нархини мос равишда пасайтиришни;

камчиликларни бартараф этишга қаратилган харажатларни қоплашни.

Агар буюртмачини юқорида қайд этилган ҳолатлар қаноатлантирмаса, у ҳолда буюртмачи шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиши мумкин.

22. Қуйидаги ҳолларда шартнома Академия томонидан бир томонлама тартибда бекор қилиниши мумкин:

таълим олувчининг ўқув дастурида белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги;

таълим хизмати кўрсатиш учун тўловнинг шартномада белгиланган муддатда тўланмаганлиги;

Академия ички тартиб-қоидаларига риоя қилинмаганлиги.

4-боб. Яқуний қоида

23. Томонлар ўртасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 745-сон қарорига
7-ИЛОВА

*Ўзбекистон Республикасининг
Давлат герби*

О'zbekiston Respublikasi

Qayta tayyorlash haqida

SERTIFIKAT QT № 000000

_____ (Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____ dan 20__ yil _____ gacha
_____ da

_____ (Qayta tayyorlash ta'lim muassasasining nomi)

_____ soatga mo'ljallangan
(Qayta tayyorlash kursining nomi)

qayta tayyorlash kursida ta'lim olib, _____
_____ mavzusida bitiruv ishini
Davlat attestatsiya komissiyasida _____ bahoga
himoya qildi va qayta tayyorlash o'quv kursini muvaffaqiyatli tamomladi

Muhr o'rni

Rektor _____

Sana _____

Qayd raqami _____

**Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги
сертификатнинг
ТАВСИФИ**

Қайта тайёрлаш тўғрисидаги сертификат А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч пушти рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Давлат герби, паст қисмида эса — 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI» ва «Qayta tayyorlash haqida SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи — QT ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч пушти ранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;

нақшли растр;

хар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгардиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти-та химояга эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1055 Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
яқунларини сарҳисоб қилишнинг янги концепция-
сини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Жуда қисқа давр мобайнида мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш мақсадида жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, халқ билан бевосита мулоқот ўрнатишнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали шакллари жорий этиш, айниқса, мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларини қамраб олган ҳолда жойларга чиқиб фуқароларни қабул қилиш бўйича кенг қамровли тадбирларни амалга оширишга қаратилган қатор давлат ва ҳудудий дастурлар қабул қилинди.

Жойларда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида, шунингдек, фуқароларимизнинг талаб ва таклифларига биноан қисқа вақт ичида шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар қуриш, ичимлик сув, иссиқлик таъминоти, канализация тизимларини модернизация қилиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир дастурлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат органлари ишини ташкил этишнинг амалдаги механизмлари, ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти органларининг бугунги кундаги ўзаро ҳамкорлиги ҳолати мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш, аҳолининг кундалик муаммоларига ўз вақтида ечим топиш имконини бермаяпти.

Республика органларининг туман ва шаҳарлардан узилиб қолганлиги ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш даражасини инобатга олган ҳолда манзилли амалий чораларни ишлаб чиқиш имконини бермаяпти.

Республика ва маҳаллий бюджет маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишнинг жорий тартиби, биринчи навбатда, энг устувор лойиҳаларнинг манзилли, ўз вақтида ва муносиб равишда молиялаштирилишини таъминлай олмаяпти.

Давлат органлари фаолияти натижаларини баҳолашда улар томонидан амалга оширилаётган ишлар аҳолининг ҳаёт сифатини қанчалик яхшилаётганига ҳамда маҳалла ва туманларнинг (шаҳарларнинг) ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янада жадаллаштиришга бўлган таъсири етарлича эътиборга олинмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига тушган бир миллиондан ортиқ мурожаатлар юқоридагилардан далолат бермоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, биринчи навбатда, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш шакллари ва усулларини тубдан такомиллаштириш, ижроия ва вакиллик ҳокимияти органлари томонидан жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга ўз вақтида барҳам бериш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3182-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилишнинг янги концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) ва Концепция схемаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

жойларда аниқланган муаммо ва камчиликларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда ҳал этишнинг намунавий «йўл харитаси» макети (кейинги ўринларда «йўл харитаси» деб аталади) 3-иловага мувофиқ;

уйма-уй юришни ҳисобга олиш дафтари макети 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилиш ишлари ушбу Концепция асосида ўтказилишига ва тасдиқланган йўл хариталарининг ўз вақтида самарали ижросини таъминлашга;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини доимий ва манзилли ўрганиш борасида ҳамкорликда олиб бориладиган тизимли фаолиятини ташкил этиш ва натижаси юзасидан мутасаддиларнинг халқ олдида ҳисобот бериши учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хўжалик фаолияти бошқармаси уйма-уй юришни ҳисобга олиш дафтارينинг уч кун муддатда зарур нусхада чоп этилишини ва Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига етказилишини таъминласин.

Уйма-уй юришни ҳисобга олиш дафтارينинг чоп этиш ва тарқатиш масалалари билан боғлиқ бўлган харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира фонди ҳисобидан белгиланган тартибда қопланиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош

вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, иқтисодиёт вазири Г.К. Саидова ва молия вазири Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 сентябрь,
746-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 746-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
яқунларини сарҳисоб қилишнинг янги
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилишнинг янги концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарорининг 9-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Концепциянинг асосий мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат: мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари «қуйидан — юқорига» ҳамда «юқоридан — қуйига» тамойили асосида ўтказилади. Яъни, кун тартибидаги масала ва муаммолар маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика тамойилига кўра шакллантирилади;

шакллантирилган муаммоларни самарали ва ўз вақтида ҳал этиш бўйича «йўл хариталари» туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади;

туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари «йўл хариталари»ни ҳар чоракда камида бир марта муҳокама қилади, ижроси юзасидан масъуллар ҳисоботини тинглаш амалиёти жорий этилади. Туман ҳокимлиги ваколатидан ташқари бўлган ва ҳал этилмаган муаммолар бўйича маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига (кейинга ўринларда худудлар деб аталади), мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун юборади;

туманлардан (шаҳарлардан) шакллантирилган ва туман (шаҳар) ваколатидан ташқари бўлган муаммолар бўйича «йўл хариталари» Қорақалпоғис-

тон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари томонидан тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари «йўл хариталари»ни ҳар чоракда камида бир марта муҳокама қилади, ижроси юзасидан масъуллар ҳисоботини тинглаш амалиёти жорий этилади. Ваколатидан ташқарида бўлган ва ҳал этилмаган муаммолар бўйича маълумотларни мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун юборади;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудлар маълумотлари ва ўзлари аниқлаган муаммолар асосида шакллантирилган «йўл хариталари»ни тасдиқлайди. Мазкур «йўл хариталари»даги муаммоларнинг ижросини ҳар чоракда камида бир марта муҳокама қилади. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ваколатидан ташқарида бўлган ва ҳал этилмаган муаммолар бўйича тегишли маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари туманлар (шаҳарлар), ҳудудлар ва давлат ва хўжалик бошқаруви органлари маълумотлари ва ўзлари аниқлаган муаммолар асосида шакллантирилган «йўл хариталари»ни тасдиқлайди. Мазкур «йўл хариталари»даги муаммоларнинг ижросини ҳар чоракда камида бир марта муҳокама қилади;

Вазирлар Маҳкамаси туманлар (шаҳарлар), ҳудудлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ваколати доирасидан ташқарида бўлган ва ҳал этилмаган муаммолар бўйича мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва ҳудудларга тегишли топшириқ беради. Яъни, «қуйидан — юқорига» тамойили асосида шакллантирилган масала ва муаммоларнинг ижроси ва амалий назорати «юқоридан-қуйига» тамойили асосида таъминланади.

2-боб. Туманлар (шаҳарлар)нинг асосий муаммоларини шакллантириш, масъуллар ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларининг ҳисоботи шакллари

3. Туманлар (шаҳарлар)ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини сарҳисоб қилишда қуйидаги йўналишлардаги асосий муаммолар шакллантирилади:

туманда (шаҳарда) маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича тасдиқланган режаларнинг ижро этилиши ҳамда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш;

туман (шаҳар) миқёсида экспорт салоҳиятини янада ошириш ва ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар;

тумандаги мавжуд ишсизлик муаммоларини ҳал этиш, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш масалалари;

туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари, ички йўл

ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ҳамда инфратузилма объектларининг (мактаб, боғча ва спорт объектларининг) аҳволи;

аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва уларни сифатли қуриш масалалари;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифи мобайнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, баёнлари ижросини таъминлаш.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган секторлардаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан қўшимча масалалар ҳам киритилади.

4. Туман (шаҳар) ҳокими, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органларининг туман (шаҳар) раҳбарлари — туманлар (шаҳарлар) ва маҳаллалардаги асосий муаммоларни шакллантириш ва уларни бартараф этишга масъул ҳисобланади.

5. Шакллантирилган муаммоларни самарали ва ўз вақтида ҳал этиш бўйича «йўл хариталари» туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланиб, ҳар чоракда камида бир марта муҳокама қилинади.

Туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларида туман (шаҳар) ҳокими, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органларининг туман (шаҳар) раҳбарлари ушбу Концепциянинг 3-бандида келтирилган муаммоларнинг ижроси юзасидан ҳисобот бериш амалиёти жорий этилади.

6. Туманлар (шаҳарлар)ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳисоботида ушбу Концепциянинг 3-бандида келтирилган асосий муаммоларнинг ижроси ва натижаси акс этади.

Шунингдек, ҳисоботда ҳар бир амалга оширилган ишнинг ёки ҳал этилган муаммонинг натижавийлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда таҳлиллар келтирилади. Яъни, ушбу ишнинг амалга оширилиши ёки муаммонинг ҳал этилиши аҳолига қандай фойда келтирилганлиги изоҳланади. (Масалан, ишга туширилган қорхона қанча маҳсулот ишлаб чиқарди, қанча экспорт қилинди, қанча ишчи ўрни яратилди, маҳаллий бюджетга қанча қўшимча солиқ тушди ва бошқалар).

7. Туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида тасдиқланган «йўл хариталари»нинг ўз вақтида бажарилишига ва масъулларнинг иш фаолиятига ҳолис баҳо берилади.

8. Туман (шаҳар) ҳокимлиги, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланган ҳисоботни («йўл хариталари»нинг ижроси), шунингдек, ваколатидан ташқарида бўлган ва ҳал этилмаган муаммолар бўйича маълумотларни ҳудудларга, мутасадди давлат ва хўжалик

бошқаруви органлари ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун юборади.

3-боб. Худудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)нинг асосий муаммоларини шакллантириш, масъуллар ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларининг ҳисоботи шакллари

9. Худудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини сарҳисоб қилишда қуйидаги йўналишлардаги асосий муаммолар шакллантирилади:

худудий ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича тасдиқланган режаларнинг ижро этилиши ҳамда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш;

худудлар миқёсида экспорт салоҳиятини янада ошириш ва ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар;

худудларда мавжуд ишсизлик муаммоларини ҳал этиш, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш масалалари;

худудларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари, ички йўл ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ҳамда инфратузилма объектларининг (мактаб, боғча ва спорт объектларининг) аҳоли;

шаҳар марказларида кўп қаватли уйлар қурилиши ва қишлоқ жойларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш;

худудларга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва худудда инвестицион муҳитни янада яхшилаш;

худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифи мобайнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, баёнлари ижросини таъминлаш;

ушбу Концепциянинг 8-банди асосида ва бошқалар.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати худудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган секторлар томонидан ҳам қўшимча муаммолар аниқланади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органларининг худудий тузилма раҳбарлари — худудлардаги асосий муаммоларни шакллантиришга ва уларни бартараф этишга масъул ҳисобланади.

11. Шакллантирилган муаммоларни самарали ва ўз вақтида ҳал этиш бўйича «йўл хариталари» Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенге-

си, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланиб, ҳар чоракда камида бир марта муҳокама қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органларининг ҳудудий тузилма раҳбарларининг ушбу Концепциянинг 9-бандида келтирилган муаммоларнинг ижроси юзасидан ҳисобот бериши амалиёти жорий этилади.

12. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳисоботида ушбу Концепциянинг 9-бандида келтирилган асосий муаммоларнинг ижроси ва натижаси акс этади.

Шунингдек, ҳисоботда ҳар бир амалга оширилган ишнинг ёки ҳал этилмаган муаммонинг натижавийлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда таҳлиллар келтирилади. Яъни, ушбу ишнинг амалга оширилиши ёки муаммонинг ҳал этилиши аҳолига қандай фойда келтирганлиги изоҳланади. (Масалан, ҳудудда ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси қанчага ошди, кимлар бундан манфаатдор бўлди ва бошқалар).

13. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари йиғилишларида тасдиқланган «йўл хариталари»нинг ўз вақтида бажарилишига ва масъулларнинг иш фаолиятига ҳолис баҳо берилади.

14. Ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланган ҳисоботларни («йўл хариталари»нинг бажарилишини), шунингдек ваколатидан ташқарида бўлган ва ҳал этилмаган муаммолар бўйича маълумотларни мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун юборади.

4-боб. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг асосий муаммоларини шакллантириш, масъуллар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларининг ҳисоботи шакллари

15. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилишда қуйидаги йўналишлардаги асосий муаммолар шакллантирилади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўзларига тегишли мавжуд муаммоларни туман (шаҳар) ва ҳудудлар бўйича муҳокама қилиш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига тегишли қисми бўйича белгиланган вазифалар ижросини таҳлил этиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи мобайнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш;

ушбу Концепциянинг 8 ва 14-бандлари асосида.

16. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари — тармоқ ва соҳадаги асосий муаммоларни шакллантириш ва ҳал этиш бўйича масъул ҳисобланади.

17. Шакллантирилган муаммоларни самарали ва ўз вақтида ҳал этиш бўйича «йўл хариталари» давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланиб, унинг бажарилиши давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг Ҳайъат йиғилишларида ҳар чоракда камида бир марта муҳокама қилинади.

18. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳисоботида ушбу Концепциянинг 15-бандида келтирилган асосий муаммоларнинг ижроси ва натижалари акс эттирилади.

Шунингдек, ҳисоботда ҳар бир амалга оширилган ишнинг ёки ҳал этилган муаммонинг натижавийлиги ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳамда таҳлиллар келтирилади. Яъни, мазкур ишнинг амалга оширилиши ёки муаммонинг ҳал этилиши аҳолига қандай фойда келтирганлиги изоҳланади. (Масалан, ишга туширилган инвестиция лойиҳасининг иқтисодиётга таъсири, қанча қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди, экспорт ҳажми қанчага ошди, қанча аҳоли иш билан таъминланди ва шу кабилар).

19. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳисоботи, шунингдек ваколатидан ташқарида бўлган ва Концепциянинг 15-бандида келтирилган ҳал этилмаган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан тегишли таклифлар биринчи раҳбар томонидан тасдиқланиб, Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун юборилади.

5-боб. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича асосий муаммоларни шакллантириш, масъуллар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларининг ҳисоботи шакллари

20. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилишда қуйидаги йўналишлардаги асосий муаммолар шакллантирилади:

Комплекс таркибига кирувчи тегишли тармоқ ва соҳалар бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг ижросини батафсил таҳлил қилиш;

республика ҳудудлари бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг Комплексга тааллуқли топшириқларининг ижросини кенг қамровли таҳлил қилиш, тегишли ҳисоботларни эшитиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи мобайнида ҳар бир ҳудудлар бўйича Комплекс таркибига кирувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органларига берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда туман (шаҳар)лар, ҳудудлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ваколатида ҳал этилмаган муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ қарорлар қабул қилиш.

21. Вазирлар Маҳкамаси тегишли комплекслари раҳбарлари — Комп-

лексадаги асосий муаммоларни шакллантириш ва уларни ҳал этишга масъул ҳисобланади.

22. Концепциянинг 20-бандида келтирилган муаммоларни самарали ва ўз вақтида ҳал этиш бўйича «Йўл хариталари» Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбарлари томонидан тасдиқланиб, ҳар чорақда камида бир марта муҳокама қилинади.

23. Муҳокама натижалари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси комплекслари ваколатидан ташқарида бўлган муаммолар ҳисобот шаклида Комплекс раҳбари томонидан тасдиқланиб, Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига кўриб чиқиш учун киритилади.

6-боб. Вазирлар Маҳкамасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини муҳокама қилиш

24. Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилишда қуйидаги йўналишлардаги асосий муаммолар шакллантирилади:

республикада макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижроси, яъни ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, инфляция даражаси, давлат бюджети ижроси ҳамда экспорт ва импорт масалалари;

республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда ҳар бир ҳудуд ва туман бўйича ижрони таъминлаш юзасидан ҳисоботларни эшитиш ҳамда мавжуд муаммоларни бар-тараф этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўзларига тегишли масалалар юзасидан ҳудудлар ва туманлар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарларининг тармоқлар бўйича ҳисобот бериши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи мобайнида ҳар бир ҳудуд бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар, фармойишлар ва баёнлар ижроси юзасидан ҳисоботларни эшитиш.


25. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ишчи орган — Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларидаги асосий муаммоларни шакллантириш, улар ижросини қатъий назоратга олиш ва натижаси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида ҳисобот беришга масъул ҳисобланади.

26. Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан ўтказилади ҳамда қарор қабул қилинади, қабул қилинган қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилади.


Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 746-сон қарорига
2-ИЛОВА

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини сарҳисоб қилиш янги концепциясининг СХЕМАСИ


I. Туман (шаҳар) даражасида




II. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри даражасида




III. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари даражасида



IV. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари даражасида



V. Вазирлар Маҳкамаси даражасида



Жойларда аниқланган муаммо ва камчиликларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ҳамда ҳал этишнинг намунавий «йўл харитаси» макети

НАМУНА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
туман (шаҳар) ҳокими

2017 йил «__» _____

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан 2018 йилга мўлжалланган (ҳар чорақда янгиланиб борилади) «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Фуқаролар йиғини номи	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажатлар, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
1-сектор бўйича						
<p>«Йўл харитаси» — Дастурни амалга ошириш бўйича қўтилаётган натижалар:</p> <p>— «йўл харитаси»га киритилган маҳаллалар — __ та (_____, _____)</p> <p>— «йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун белгиланган молиявий маблағларнинг тахминий ҳажми — _____ млрд сўм;</p> <p>— «йўл харитаси» доирасида капитал таъмирланадиган объектлар — __ та;</p> <p>— «йўл харитаси» доирасида таъмирланадиган ички йўллар (км) — __ км;</p> <p>— «йўл харитаси» доирасида бандлиги таъминланадиган фуқаролар — _____ нафар.</p>						
I. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ногиронлар ва муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш:						
1.	Ушбу «Йўл харитаси» — Дастурга киритилган МФЙлар	МФЙлар ҳудудидаги ногиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш	1. МФЙ ҳудудидаги ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар рўйхатларини шакллантириш. 2. Рўйхатга киритилган оилаларни зарур дори воситалари, ногиронлик арава-вачалари билан таъминлаш. 3. Рўйхатга киритилган оилалар билан касаначилик, сартарошлик, қандолатчилик, атторлик, пойабзални таъмирлаш	150 млн сўм (тумандаги тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига)	10 сентябргача 1 октябргача	туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (_____), туман соғлиқни сақлаш бўлими (_____), «Маҳалла» фондининг туман бўлимаси (_____),

Т/р	Фуқаролар йиғини номи	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажатлар, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
			<p>фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида асбоб-ускуналар сотиб олиши учун имтиёзли кредитлар олишлари юзасидан суҳбатлар ўтказиш.</p> <p>4. Рўйхат асосида 50 та хонадонга 100 тадан товуқ боқиш учун имтиёзли банк кредитларини олишда амалий ёрдам бериш.</p> <p>5. Рўйхат асосида 50 та хонадонда 1 сотихли иссиқхона қуриш учун имтиёзли банк кредитларини олишда амалий ёрдам кўрсатиш.</p> <p>6. Туман жамоатчилик назорати гуруҳи томонидан ушбу чора-тадбирлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.</p>	2 млрд сўм (тумандаги тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига)	1 ноябргача 1 декабргача	Агробанкнинг туман филиали (_____), Халқ банкнинг туман филиали (_____), туман хотин-қизлар кўмитаси раиси (_____)
2.						
3.						
II. Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициялар жалб этиш:						
4.	МФЙ номи	Маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик соҳасидаги тажрибасини инobatга олиб томорқа маданиятини ривожлантириш, оилавий бизнесни шакллантириш натижасида фуқароларнинг иқтисодий маданиятини ошириш ва моддий эҳтиёжларини қаноатлантириш орқали фуқаролар ўртасида салбий ҳолатларнинг олдини олишга эришиш.	<p>1. Худудлардаги ўз бизнесини йўлга қўйган самарали фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирокида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш.</p> <p>2. Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик тажрибасини ошириш мақсадида семинарлар ўтказиш.</p> <p>3. Маҳаллада томорқа маданиятини ошириш мақсадида 20 та оиланинг имтиёзли кредит олиб лимон ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишларини ташкил қилиш.</p>	энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида (тижорат банкларининг кредит маблағлари) МФЙ кафилиги асосида	1 октябрга қадар мунтазам равишда	Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари туман бўлими (_____) «Маҳалла» фонди туман бўлини маси (_____), Туман хотин-қизлар кўмитаси (_____), туман ИИБ (_____), тижорат банклари, МФЙ Кенгашлари
5.						

Т/р	Фуқаролар йиғини номи	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажатлар, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
III. Томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш:						
6.	Хонобод МФЙ	Маҳалладаги жами 1200 гектар томорқа ер майдонига тўлиқ экин экишни, хонадонларнинг камида 15%ига иссиқхона 50%ига томорқа ерларига экин экишни ташкил этиш. Банklar томонидан берилган имтиёзли кредитлар асосида иссиқхонани қуриш ва томорқа ердан фойдаланиш учун керакли жиҳозлар олинишини ташкил этиш.	1. Уйма-уй юриб томорқа ерларига экин эмаган аҳолини аниқлаш. 2. Аниқланган аҳолига экин экишни тушунтириш ва экинларни тўлиқ эктириш. 3. Томорқасида иссиқхона ташкил этишга хоҳиши бор фуқароларни аниқлаш. 4. Иссиқхона ташкил этувчи аҳолига кредит маблағларини олиб беришда кўмаклашиш. 5. Томорқадан намунали фойдаланаётган оилаларнинг амалга оширган ишлари бўйича кўргазмали семинарлар ўтказиш. 6. Туман жамоатчилик назорати гуруҳлари ва фуқаролар йиғинлари Кенгашлари томонидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш жамоатчилик назоратини амалга ошириш.	энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан (тижорат банklarнинг кредит маблағлари) МФЙ кафиллиги асосида	10 сентябрь кунига қадар рўйхатини аниқлаш мунтазам равишда	Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари туман бўлими (_____) «Маҳалла» фонди туман бўлинмаси (_____), тижорат банklари, МФЙ Кенгашлари
7.						
8.						
9.						
10.						
IV. Мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги фаолияти турларини ривожлантириш:						
11.	Яйпан МФЙ	Мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги фаолияти турларини ривожлантириш мақсадида аҳолини ушбу йўналишга жалб қилиш	1. Лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш. 2. Лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш. 3. Лойиҳа асосида бўш иш ўринларини яратиш. 4. Бўш иш ўринларига МФЙ аҳолисини жалб этиш	150 млн сўм (тумандаги тижорат банklarнинг кредитлари ҳисобига) 2 млрд сўм (тумандаги тижорат банklarнинг кредитлари ҳисобига)	10 сентябрь 20 сентябрь 25 сентябрь 30 сентябрь	туман ДСИ (_____), «Маҳалла» фондининг туман бўлинмаси (_____), Агробанкнинг туман филиали (_____),

Т/р	Фуқаролар йиғини номи	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажатлар, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
						Халқ банкнинг туман филиали (_____), туман хотин-қизлар кўмитаси раиси (_____) туман тижорат банклари МФЙ Кенгашлари
12.						
V. Аҳолининг уй-жой ва коммунал шароитларини яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш:						
13.	Янгиобод МФЙ	МФЙ ҳудудидаги 45 та 2 қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	1. МФЙ ҳудудида 4 та ХУЖМШ фаолиятини ташкил этиш, 45 та 2 қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш. 2. 45 та қўп қаватли уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмаларни бузиш. 3. МФЙ ҳудудида архитектура талабларига жавоб берадиган замонавий ҳожатхона ва тандирхоналар қуриш. 4. МФЙ ҳудудида 15 та болалар майдончаларини ташкил этиш. 5. Электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сув билан узлуксиз таъминлаш	3 млрд 200 млн сўм (Халқ банки ва «Агробанк»нинг туман филиаллари кредит маблағлари ҳисобига) 700 млн сўм (маҳаллий бюджет маблағлари) 200 млн сўм (ташаббускорлар ҳомийлар маблағи ҳисобидан)	1 сентябрга қадар 1 сентябрга қадар 1 сентябрга қадар	туман ҳоқими ўринбосари (_____), Халқ банки, (_____) Агробанк (_____) туман қурилиш ва архитектура бўлими (_____), туман ободонлаштириш бошқармаси (_____) туман молия бўлими (_____) ХУЖМШ раислари
14.						
VI. Ижтимоий объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, йўл, электр энергияси, газ, сув ва иссиқлик таъминоти қувурларини таъмирлаш						
15.						
16.						
VII. Аҳоли, шу жумладан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш:						
17.	Тинчлик МФЙ	Маҳаллада уюшқоқлик кучлилиги, оқсоқоллар фикри муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб, уларнинг таъсир доирасидан унумли	1. Туман миқёсида, маҳаллада ташкил этиладиган маънавий тадбирларга атоқли инсонларни жалб этиш, ҳаётний тажрибаларини тарғиб қилиш орқали маҳаллада салбий ҳолатлар содир бўлишининг олди-	-	1 сентябрдан бошлаб алоҳида режа асосида	Туман ҳокимининг ўринбосари (_____) Ёшлар иттифоқи туман бўлими

Т/р	Фуқаролар йиғини номи	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажатлар, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>фойдаланиш, маҳаллада хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш, жиноятчилик, оилавий ажримларга сабаб бўлаётган ҳолатлар, фоҳишабозлик каби иллатларнинг салбий оқибатлари, авлодларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишига таъсири юзасидан тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш.</p>	<p>ни олиш юзасидан жамоатчи ва масъул ходимларнинг қўшма чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва белгиланган муддатда амалга ошириш.</p> <p>2. Туман жамоатчилик назорати гуруҳлари ва фуқаролар йиғинлари Кенгашлари томонидан маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни, таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.</p>		<p>мунтазам равишда</p>	<p>Туман хотин-қизлар қўмитаси (_____), «Маҳалла» фонди туман бўлинмаси (_____), «Аёллар маслаҳат маркази» туман бўлими (_____), туман ИИБ (_____), тиббиёт бирлашмаси (_____) МФЙ Кенгашлари</p>
18.						
19.						
VIII. *						
20.						
21.						
2-сектор бўйича						
«Йўл харитаси» — Дастурий амалга ошириш бўйича кутилаётган натижалар:						
I. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ногиронлар ва муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш:						
22.						
23.						
24.						
II. Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициялар жалб этиш:						
25.						
26.						
III. Томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш:						
27.						
28.						
IV. Мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги фаолияти турларини ривожлантириш:						
29.						
30.						

T/p	Фуқаролар йиғини номи	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажатлар, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
V. Аҳолининг уй-жой ва коммунал шароитларини яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш:						
31.						
32.						
VI. Ижтимоий объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, йўл, электр энергияси, газ, сув ва иссиқлик таъминоти қувурларини таъмирлаш						
33.						
34.						
VII. Аҳоли, шу жумладан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш:						
35.						
36.						
37..						
VIII. *						
38.						
3-сектор бўйича						
«Йўл харитаси» — Дастурни амалга ошириш бўйича кутилаётган натижалар:						
I. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ногиронлар ва муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш:						
39.						
40.						
41.						
II. Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициялар жалб этиш:						
42.						
43.						
44.						
III. Томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш:						
45.						
46.						
IV. Мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги фаолияти турларини ривожлантириш:						
47.						
48.						

Т/р	Фуқаролар йиғини номи	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажатлар, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
49.						
V. Аҳолининг уй-жой ва коммунал шароитларини яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш:						
50.						
51.						
VI. Ижтимоий объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, йўл, электр энергияси, газ, сув ва иссиқлик таъминоти қувурларини таъмирлаш						
52.						
VII. Аҳоли, шу жумладан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш:						
53.						
VIII. *						
54.						
4-сектор бўйича						
«Йўл харитаси» — Дастурни амалга ошириш бўйича қўйилган натижалар:						
I. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ногиронлар ва муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш:						
55.						
56.						
57.						
II. Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестициялар жалб этиш:						
58.						
59.						
III. Томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш:						
60.						
61.						
IV. Мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги фаолияти турларини ривожлантириш:						
62.						
63.						
V. Аҳолининг уй-жой ва коммунал шароитларини яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш:						
64.						
65.						

Т/р	Фуқаролар йиғини номи	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Тахминий харажатлар, молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
VI. Ижтимоий объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, йўл, электр энергияси, газ, сув ва иссиқлик таъминоти қувурларини таъмирлаш						
66.						
VII. Аҳоли, шу жумладан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш:						
67.						
VIII. ****						
68.						

_____ туман прокурори

_____ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

_____ тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

* Изоҳ: «Йўл харитаси»да бошқа соҳаларда мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш юзасидан чоралар белгиланиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 сентябрдаги 746-сон қарорига
4-ИЛОВА

1055-модда

— 210 —

УЙМА-УЙ ЮРИШНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ДАФТАРИ

_____ (Сектор раҳбарининг Ф.И.О.)

_____ (Сектор раҳбарининг лавозими, ишлаш жойи, манзили)

_____ (Сектор раҳбарини тайинлаш ва бириктириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси Раиси, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори рақами ва санаси)

Туман (шаҳар)
ҳокими

Туман (шаҳар)
прокурори

Туман (шаҳар) Ички ишлар
бошқармаси бошлиғи

Туман (шаҳар) Давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи

_____ Ф.И.О.

_____ Ф.И.О.

_____ Ф.И.О.

_____ Ф.И.О.

_____ имзо / М.Ў.

_____ имзо / М.Ў.

_____ имзо / М.Ў.

_____ имзо / М.Ў.

38 (798)-сон

Т/р	Уйма-уй юриш ўтказилган сана	Уйма-уй юришнинг аниқ давом этган вақти	Юриш ўтказилган уй хўжалиги эгаси	Юриш ўтказилган уй хўжалиги эгасининг тўлиқ манзили	Юриш ўтказилган уй хўжалиги эгаси томонидан кўтарилган муаммолар
1	2	3	4	5	6
1.	кк.оо.иййй	соат «... : ...» дан соат «... : ...» гача	Ф.И.О.	Вилоят: ... Туман (шаҳар): ... ҚФЙ: ... Маҳалла: ... Уй №: ...	1. ... 2. ... 3. ...
2.					
3.					

Юриш ўтказилганда <u>Сектор раҳбари</u> томонидан аниқланган муаммолар	Аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича чоралар ва уларни бажариш муддати	Уй хўжалиги эгасининг муаммоларни бартараф этиш бўйича чоралар билан танишиб чиққанлиги тасдиғи	Аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича чоралар бажарилиши (чораларда белгиланган муддатлар ўтгандан сўнг тўлдирилади)	Уй хўжалиги эгаси томонидан муаммолар бартараф этилганлиги тасдиғи (белгиланган чоралар амалга оширилганидан сўнг тўлдирилади)
7	8	9	10-1	10-2
1. ... 2. ... 3. ...	1. ... (сана — гача); 2. ... (сана — гача); 3. ... (сана — гача).	Уй хўжалиги эгаси Ф.И.О. ва имзоси	1. Бажарилди/Бажарилмади — Изоҳ; 2. Бажарилди/Бажарилмади — Изоҳ; 3. Бажарилди/Бажарилмади — Изоҳ.	Уй хўжалиги эгаси Ф.И.О. ва имзоси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1056 Хорижий оммавий ахборот воситалари ва туризм соҳаси ташкилотлари вакиллари учун Ўзбекистонда ахборот турларини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини жаҳон туризм бозорларига киритиш ва янада кенг кўламда тақдим этиш, шунингдек миллий тарихий ва маданий қадриятларни халқаро бозорларда тарғиб этиш, республикага хорижий туристлар оқимини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, шу жумладан блоггерлар, туризм компаниялари ва уларнинг бирлашмалари, туризм маъмуриятлари, БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО), халқаро бронлаштириш тизимлари, бошқа халқаро ва хорижий ташкилотлар, туризм соҳаси уюшмалари вакиллари (кейинги ўринларда хорижий вакиллар деб аталади) учун Ўзбекистонга танишув ташрифлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хорижий вакилларнинг Ўзбекистонга ташрифларини ташкил этиш масалалари, шу жумладан халқаро туризм ярмаркалари, кўرғазмалари ва туризм соҳасидаги бошқа тадбирлар доирасида ўтказиладиган кенгайтирилган тақдимот дастурларининг, шунингдек хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига белгиланган тартибда мамлакатимизнинг тарихий-маданий объектлари ва туризм салоҳияти тўғрисида видео ва фото тасвирлар, мақолалар ва репортажлар тайёрлашда қўмаклашиш бўйича масъул мувофиқлаштирувчи ҳисобланади.

3. Танишиш ташрифлари доирасида хорижий вакиллар учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртманомаларига биноан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда тизимида туризм объектлари мавжуд бўлган бошқа ташкилотлар билан биргаликда маданий-оммавий тадбирлар ва туризм имкониятлари тақдимотлари ташкил этилишини, шунингдек тегишли ҳудудлардаги туризм комплекслари ва диққатга сазовор жойларга ташрифларни, шу жумладан видео ва фото тасвирлар учун тўлов ундирмасдан таъминласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари — ўз маблағлари ҳисобига транспорт хизмати кўрсатилишини ҳамда маданий дастур ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари номидан қабул маросимлари ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги — танишиш ташрифлари қатнашчилари учун консуллик йигимлари ундирмасдан кириш визалари расмийлаштирилишини, шунингдек хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси — хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан вақтинча олиб кириладиган, уларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари даврида видео ва фото тасвирлар учун зарур бўлган асбоб-ускуналарнинг белгиланган тартибда божхонада расмийлаштирилишини таъминласин.

4. Тошкент халқаро туризм ярмаркасини ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан белгиланган тартибда келишилган бошқа йирик туризм тадбирлари доирасида 2017 — 2021 йиллар даврида хорижий вакиллар учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртманомаларига биноан:

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан амалга ошириладиган халқаро авиарейсларга ҳар йили (200 кишигача) авиачипталар бронлаштирилишини ва бепул берилишини, шунингдек Тошкент шаҳрининг Ислон Каримов номидаги халқаро аэропорти залида алоҳида йўлак орқали хизмат кўрсатилишини;

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ — ҳар йили (100 кишигача) маҳаллий қатновдаги поездларнинг барча турларига темир йўл чипталари захира қилиб қўйилишини ва бепул расмийлаштирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси — бепул асосда берилган авиа ва темир йўл чипталаридан хорижий вакиллар учун мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хорижий вакилларнинг яшаши, овқатланиши ва республикада бўлишлари даврида дастурларнинг бошқа иштирокчилари томонидан қопланмайдиган бошқа харажатларини Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига тўланишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.А. Абдухақимов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва туризмни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 сентябрь,
747-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1057** Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 1 июндаги ПҚ–3026-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат ветеринария қўмитасининг:

республикада жисмоний ва юридик шахслар томонидан асраб, кўпайтириладиган ҳайвонларни (кейинги ўринда ҳайвонлар деб аталади) босқичма-босқич идентификация қилинишини ташкил этиш;

идентификация қилинган ҳайвонлар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида ягона электрон ахборот тизимини жорий қилиш;

ҳайвонларни идентификация қилиш ишларига жалб қилинадиган ходимларни босқичма-босқич ўқитиш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ҳайвонларни идентификация қилиш ишларини ташкил этиш, шу жумладан, ягона электрон ахборот тизимини жорий қилиш, туман ва шаҳар ветеринария бўлимларини ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш, ҳайвонларни идентификация қилиш ишларига жалб қилинадиган ходимларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар:

ҳайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш хизматлари учун ундириладиган тўловлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг Ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукуматлар молия институтларининг грантлари ва кредит маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳайвонларни идентификация қилиш бўйича мутахассисларни ўқитиш, атрибутлар ва ветеринария паспортларини тайёрлаш, ягона маълумотлар базасининг электрон ахборот тизими дастурини яратиш ҳамда жорий этиш юзасидан 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва

тасдиқласин. Ушбу чора-тадбирлар режасида назарда тутиладиган барча ишларни 2020 йил 1 июнгача якунланишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукуматлар молия институтларининг грантларини республикадаги мавжуд ҳайвонларни идентификация қилиш ишларини амалга ошириш учун кенг жалб қилган ҳолда ушбу ишларни ташкил этишга йўналтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, манфаатдор вазирликлар ва идоралар аҳоли ҳамда тадбиркорлар ўртасида ушбу қарорнинг мазмуни, моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг тарғиб қилган ҳолда, республикада фаолият олиб бораётган ҳайвонларни сўйиш билан шуғулланувчи ташкилотларни ихтисослашган сўйиш корхоналарига айлантириш ва сўйиладиган ҳайвонларни белгиланган тартибда сўйиш ишларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси билан ҳамкорликда мунтазам равишда ўқув ва амалий семинарлар ташкил этсинлар.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига аҳоли ўртасида ушбу қарорнинг мазмуни, моҳияти ва амалий аҳамиятини мунтазам равишда кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев ва Давлат ветеринария қўмитаси раиси вазифасини бажарувчиси Б.Т. Норқобилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 сентябрь,
748-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон қарорига
ИЛОВА

Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ветеринария паспорти — ҳайвонга берилган идентификация рақамига мувофиқ расмийлаштирилган, ҳайвон эгасини белгиловчи, ҳайвонларнинг касалликларга қарши профилактикаси ва уларни даволаш ишлари тўғрисидаги маълумотлар қайд этиб бориладиган, ҳайвоннинг яшаш даври давомида сақланадиган ҳужжат;

давлат ветеринария хизматининг вакили — туман (шаҳар) ветеринария бўлимининг участка ветеринария врачлари;

идентификация — биркалаш, тавро босиш (тамғалаш), жетон бериш (жетонлаш) ва чип ўрнатиш (электрон идентификация) орқали ҳайвонларни аниқлаш имконини берадиган индивидуал рақам бериш, шунингдек, ҳайвонлар тўғрисида маълумотларни электрон ахборот тизимига киритиш ва уларга ветеринария паспортини расмийлаштириш;

идентификация рақамини сақловчи атрибут — кулоқ учун биркалар, жетон, оёқ халқалари, электрон чип ва бошқалар;

индивидуал рақам — биркалаш, тавро босиш (тамғалаш), жетон бериш (жетонлаш) ва чип ўрнатиш (электрон идентификация) орқали ҳайвонларни аниқлаш имконини берадиган ҳарфлардан ва саккиз хонали рақамдан иборат код;

ихтисослашган сўйиш корхонаси — ҳайвонларни сўйиш учун замонавий механизациялаштирилган ёки автоматлаштирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бино ва хоналари мавжуд бўлган корхона;

ҳайвонлар — жисмоний ва юридик шахслар томонидан асраб, қўпайтириладиган (боқиладиган) қорамоллар, қўй ва эчкилар, чўчқалар, отлар, эшаклар ва туялар, итлар ва мушуклар;

электрон ахборот тизими — ҳайвонлар ҳисоби ва уларни ҳисобга қўйиш ҳақидаги мавжуд маълумотлар базасидаги ахборотлар мажмуаси;

қаровсиз ҳайвонлар — уй ва маълум бир жойда сақланмайдиган, идентификация қилинмаган назоратсиз қолган (юрган) ҳайвонлар;

ҳайвоннинг идентификация рақами — ҳайвонга унинг яшаш даври давомида бир марта бериладиган, бошқа ҳайвонларда такрорланмайдиган ҳарfli ва рақамли код;

ҳайвон эгалари — ҳайвонларни ўз эҳтиёжи ёки тадбиркорлик фао-

лиятини амалга ошириш учун кўпайтириш, боқиш ва сақлашни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

хайвонлар ҳисоби — хайвонларнинг яшаш даври давомида уларнинг келиб чиқиши, кўпайиши (кўпайтирилиши) ва ҳаракати, шунингдек, хайвонларда учрайдиган касалликларга қарши профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш ишлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи;

хайвонларни ҳисобга қўйиш — хайвонларни идентификация қилиш ва электрон ахборот тизимига хайвон ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, унга берилган идентификация рақами ва идентификация қилинганлиги тўғрисида берилган ҳужжатлар ёки тегишли ёзувлар қайд этилган ветеринария паспорти ҳақидаги ахборотларни киритиш.

3. Идентификация қилинган хайвонлар тўғрисидаги маълумотлар база-си ягона электрон ахборот тизими орқали шакллантирилади.

Қуйидаги маълумотлар электрон ахборот тизимига киритилиши шарт:

хайвонларнинг турлари;

хайвонларнинг идентификация рақами;

хайвонларнинг зоти, жинси, лақаби (мавжуд бўлганда);

хайвонларнинг келиб чиқиш (туғилган) жойи;

хайвон эгасининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

хайвон эгаси бўлган юридик шахснинг тўлиқ номи ва жойлашган ери (почта манзили);

хайвонларни сақлаш жойи;

хайвонларнинг эгаси алмашганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

хайвонларнинг туғилган санаси;

хайвонларда амалга оширилган профилактика, ташхис ва даволаш ишлари тўғрисида маълумотлар;

хайвонларнинг ҳисобга қўйилганлиги бўйича берилган ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар;

хайвонларнинг сўйилган (нобуд бўлган, йўқ қилинган) санаси;

хайвонларнинг гўшtidан (жасадиdan) истеъмол учун фойдаланилганлиги ёки уларнинг зарарсизлантилганлиги (йўқотилганлиги) тўғрисидаги маълумотлар.

Электрон ахборот тизими маълумотлар базасига хайвоннинг фотосура-ти ҳам жойлаштирилиши мумкин.

4. Электрон ахборот тизимига маълумотлар туман (шаҳар) ветеринария бўлимлари томонидан киритилади.

2-боб. Ҳайвонларни идентификация қилиш

5. Ҳайвонларни идентификация қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади: ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган тартибда хайвонларга индивидуал рақам бериш;

электрон ахборот тизимига хайвонлар идентификация қилинганлиги тўғрисида маълумот киритиш;

ветеринария паспортини расмийлаштириш.

6. Ҳайвонларга турларига қараб индивидуал рақам бериш қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

а) биркалаш усули — бу усул қорамол, қўй ва эчкилар, туялар, чўчкаларнинг қулоғига биркаларни тақиш орқали амалга оширилади ва у ҳайвонларнинг яшаш даври давомида олинмайди;

б) тавро босиш (тамғалаш) усули — бу усул от ва эшакларга нисбатан қўлланилади, яъни, от ва эшакларнинг танасининг чап томони курак соҳасига суюқ азот ёрдамида республика, вилоят тартиб коди ва бел соҳасига индивидуал рақами қўйилади. Бунда тавро (тамға) ўлчамининг баландлиги 50 мм, эни 30 мм бўлиши лозим;

в) жетонлаш усули — бу усул ит ва мушукларга нисбатан қўлланилиб, жетонлар махсус бўйинбоғ орқали тақилади;

г) чип ўрнатиш (электрон идентификация) усули — бу усул ҳайвонларнинг барча турларига қўлланилиши мумкин.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган усуллардаги идентификация рақамлари ўн икки белгидан иборат бўлади:

биринчи иккита белги — Ўзбекистон Республикасининг ҳарфли (литер) коди (Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот (ISO) кодига мувофиқ);

учинчи белги — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳарфли коди;

тўртинчи белги — ҳайвонлар турининг рақамли коди;

бешинчи белгидан ўн иккинчи белгигача — саккиз хонали рақамдан иборат ҳайвонларнинг индивидуал рақами (от ва эшаклардан ташқари). От ва эшакларнинг индивидуал рақамлари тўрт хонали рақамдан иборат бўлади.

8. Ҳайвонларни биркалаш ва жетонлаш учун ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган идентификация рақамини сақловчи қулоқ биркалари ва жетонлардан фойдаланилади.

9. Ҳайвонларни идентификация қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳарфли кодлари ушбу Низомнинг 4-иловасига, ҳайвонлар турининг рақамли коди эса 5-иловасига мувофиқ белгиланади.

10. Ҳайвонлар идентификация қилингандан сўнг давлат ветеринария хизматининг вакили ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ қайдномани расмийлаштиради ва электрон ахборот тизимига киритиш учун туман (шаҳар) ветеринария бўлимига тақдим этади.

11. Сўйилган (нобуд бўлган, йўқ қилинган) ҳайвонларнинг, шунингдек, ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган ҳолатларда ветеринария паспорти ва идентификация рақамини сақловчи атрибутлар тегишли туман (шаҳар) давлат ветеринария хизмати томонидан йўқ қилинади.

12. Ҳайвонлар эгаси алмашганда, шунингдек, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчирилганда идентификация рақамини сақловчи атрибут алмаштирилмайди ва бу бўйича электрон ахборот тизими ҳамда ветеринария паспортига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

13. Импорт қилинган зотдор ҳайвонларнинг насллигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, уларга ушбу ҳайвонларни экспорт қилаётган

давлатда берилган идентификация рақамини сақловчи атрибут ўзгартирилмайди.

Импорт қилинган ҳайвонлар белгиланган тартибда карантин текширувидан ўтгандан сўнг улар тўғрисидаги тегишли маълумотлар ушбу Низомга асосан электрон ахборот тизимида киритилади ҳамда ветеринария паспорти расмийлаштирилади.

Боқиш ва кўпайтириш учун импорт қилинган ҳайвонларни насли ҳайвон эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда ушбу Низом талаблари асосида идентификация қилинади.

14. Сўйиш мақсадида импорт қилинган ҳайвонлар идентификация қилинмайди. Ушбу ҳайвонлар келтирилган вақтдан бошлаб етти календарь кунида сўйилиши шарт.

15. Бирка (жетон) йўқотилганда ёки унга шикаст етганлиги сабабли идентификация рақамини аниқлаш имконияти бўлмаганда, ҳайвонларнинг идентификация рақамларига электрон ахборот тизимидаги бошқа ҳайвонларнинг идентификация рақамлари ва ветеринария паспортлари билан солиштириш орқали беш кун муддатда аниқлик киритилади. Бу даврда ҳайвонни сотиш (ҳадя қилиш), алмаштириш ва сўйиш (сўйишга топшириш) тақиқланади. Бу ҳайвонларни қайта идентификация қилиш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Ҳайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш хизматлари учун тўлов ундирилади. Тўлов миқдори ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Давлат ветеринария қўмитаси томонидан белгиланади.

3-боб. Идентификация қилинган ҳайвонларга ветеринария паспортини расмийлаштириш

17. Ҳайвонларга идентификация рақами берилганидан сўнг уч иш куни мобайнида давлат ветеринария хизматининг вакили ҳайвон эгасига ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шаклдаги ветеринария паспортини расмийлаштиради.

18. Сақланаётган (боқилаётган) ҳар бир бош ҳайвонга ветеринария паспорти расмийлаштирилади (қўй ва эчкиларга гуруҳ усулида ветеринария паспорти расмийлаштирилиши мумкин).

19. Ветеринария паспортига ҳайвонларнинг идентификация рақами (янги туғилган ҳайвонлар билан бирга уни тукқан ҳайвон тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилади), ҳайвонларнинг касалликларга қарши профилактикаси ва уларни даволаш ишлари тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

20. Ветеринария паспортига янги маълумотлар ветеринария тадбирлари ўтказилган даврда (профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш тадбирлари) ҳамда ҳайвон эгаси ўзгарганда ва бошқа ҳолатларда киритиб борилади.

21. Ветеринария паспорти туман (шаҳар) ветеринария бўлими бошлиғи томонидан имзоланади ва муҳр босилади.

22. Ветеринария паспорти йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келиб қолганда унинг дубликати берилади.

23. Ветеринария паспорти йўқолганлиги ва яроқсиз ҳолга келганлиги тўғрисидаги ариза (яроқсиз ҳолга келган тақдирда ветеринария паспорти билан бирга) давлат ветеринария хизматининг вакилига тақдим қилинади ва йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган ветеринария паспорти ҳайвон эгаси томонидан ариза берилган кундан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

24. Дубликат бериш тўғрисида ариза тақдим қилинган кундан бошлаб уч кун ичида давлат ветеринария хизматининг вакили ҳайвон эгасига юқори қисмининг ўнг бурчагига «ДУБЛИКАТ» сўзи ёзилган янги ветеринария паспортини расмийлаштириб беради.

4-боб. Ҳайвонларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш

25. Қорамол, қўй ва эчкилар, туяларнинг болалари туғилганидан ўн тўрт кундан кейин бир ойликдан кечикмасдан, қулунлар ва ҳўтиқлар тўрт ойлигидан, чўчка болалари бир ойлигидан, ит ва мушуклар уч ойлигидан ҳисобга олинади.

26. Аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш мақсадида харидор (олувчи) ҳайвонни сотиб олганда (ҳадяни олганда) доимий яшаш жойи бўйича давлат ветеринария хизматининг вакилига етти кун ичида ҳайвонни ҳисобга қўйиш учун мурожаат қилади.

27. Ҳайвон эгаларининг аризасига мувофиқ давлат ветеринария хизмати томонидан ҳайвонларни ҳисобга олиш ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган схемага мувофиқ уч кун ичида амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳайвонларини бош сони кўп бўлган тақдирда уларни идентификация қилиш бўйича алоҳида график ишлаб чиқилади.

28. Ҳайвонлар ҳисобга олинганидан сўнг унинг эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатга асосан ветеринария паспорти расмийлаштирилади.

29. Идентификация рақамини сақловчи атрибут ва ветеринария паспорти ҳайвоннинг яшаш даври давомида сақланиши шарт.

30. Хизмат кўрсатган ветеринария врачлари томонидан ветеринария паспортига ҳайвонларнинг даволанганлиги ва/ёки бошқа ўтказилган профилактика тадбирлари амалга оширилганлиги тўғрисида ёзув киритилиши мажбурийдир. Бунда, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ қайднома расмийлаштирилади, ҳайвон эгасининг имзоси билан тасдиқланиб, ветеринария врачлари томонидан имзоланади ва электрон ахборот тизимига киритиш учун тегишли давлат ветеринария хизматига тақдим этилади.

31. Ҳайвон эгалари ҳайвон туғилганда ушбу Низомнинг 25-бандига мувофиқ белгиланган муддатларда идентификация қилиш учун доимий яшаш жойи бўйича давлат ветеринария хизматининг вакилига мурожаат қилади.

32. Идентификация рақамини сақловчи атрибут ва/ёки ветеринария паспорти бўлмаган ҳайвонлар идентификация қилинмаган ҳисобланади.

33. Ҳайвондан идентификация рақамини сақловчи атрибутни ечиш, ўзгартириш, бошқа ҳайвон идентификация рақамини сақловчи атрибут билан алмаштириш, ветеринария паспортига ўзбошимчалик билан ўзгартириш ва

қўшимчалар, турли ёзувлар киритиш, шунингдек, нобуд бўлган (сўйилган, йўқ қилинган) ҳайвонларнинг идентификация рақамини сақловчи атрибут ва ветеринария паспортини сақлаш тақиқланади.

34. Ҳайвонлар ҳисобга қўйилгандан сўнг ҳайвон эгалари ушбу Низом талаблари билан таништирилади.

35. Ҳайвон эгалари ҳайвон сўйилганда (нобуд бўлганда, йўқ қилинганда) ҳайвоннинг идентификация рақамини сақловчи атрибут ва ветеринария паспортини (электрон идентификациялашда фақат ветеринария паспортини) етти кун муддатда доимий яшаш манзили бўйича давлат ветеринария хизматининг вакилига ҳисобдан чиқариш учун тақдим қилади.

Сўйилган ҳайвонларга ихтисослашган сўйиш корхонасининг ветеринария врачлари томонидан ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ ҳайвон эгасига берилган «Ҳайвон сўйилганлиги тўғрисида» маълумотнома ҳам тақдим этилади.

36. Давлат ветеринария хизмати ҳайвонларнинг идентификация рақамини сақловчи атрибут ва ветеринария паспортига (электрон идентификациялашда фақат ветеринария паспортига) асосан ҳайвонларни ҳисобдан чиқаради.

37. Давлат ветеринария хизматининг вакилига ҳайвон эгалари ҳайвон сотилганлиги ёки ҳада қилинганлигини ветеринария паспортида тасдиқлаштишга мажбурдир, бунда ҳайвон эгалари ўзларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини ҳам тақдим этади.

5-боб. Ҳайвонларни сақлаш

38. Ҳайвонлар ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқ шароитлардаги жойларда (биноларда) сақланади.

39. Шаҳар ҳудудида ҳайвонларни сақлашда уларнинг бош сонларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

40. Қорамоллар, қўй ва эчкилар, чўчкалар, отлар, эшаклар ва туяларни кўп қаватли турар-жойларда сақлашга йўл қўйилмайди.

41. Аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш мақсадида идентификация қилинмаган ҳайвонларни юридик ва жисмоний шахслар томонидан сақлаш ва боқиш тақиқланади.

Кўчалар, чорраҳалар, истироҳат боғлари, автомобиль йўллари ва темир йўллар ҳамда очиқ майдонларда чиқиндилар ва гўнгни тўплаш, сақлаш, ташлаш ва ёқиш тақиқланади.

42. Ҳайвонлардан ҳосил бўлган чиқиндилар ва гўнг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ сақланади ва йўқ қилинади.

6-боб. Ҳайвонларни тутиш ва сақлаш

43. Қаровсиз ҳайвонларни тутиш, ташиш ва сақлаш туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни ту-

тиш бўлимлари томонидан ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

44. Юқумли касалликларга чалинганлиги гумон қилинган ва одамларга тажовуз қилаётган ҳайвонлар тўғрисида ҳайвон эгалари ёки туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари томонидан давлат ветеринария хизматларига муурожаат қилиниши лозим.

45. Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари орқали тутиб сақланаётган сўйиладиган ҳайвонлар ўттиз кун мобайнида ҳайвон эгалари томонидан олиб кетилмаган тақдирда, ушбу ҳайвонлар ободонлаштириш бошқармалари ҳисобига ўтказилади ва давлат ветеринария хизмати томонидан ветеринария кўригидан ўтказилгандан сўнг, сўйилиб фақат қайта ишлаш мақсадлари учун ишлатилиши мумкин.

7-боб. Ҳайвон эгаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

46. Ҳайвон эгалари:

ветеринария хизматидан ҳайвонларнинг касалликка чалиниши ҳолати, эпизоотик вазият тўғрисида, шунингдек, ҳайвонларда ўтказилган махсус текширишлар натижалари, уларга кўрсатилган ветеринария хизмати учун тўловлар миқдорлари ҳақида ахборот ва бошқа маълумотларни олиш;

ветеринария хизмати кўрсатилиши тўғрисида тегишли ветеринария хизматлари, шунингдек, хусусий ветеринария фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари билан шартномалар тузиш;

ҳайвонларни, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни, озуқаларни, озуқабоп қўшимчаларни, ветеринария дори ва техника воситаларини ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ олиш ҳамда реализация қилиш;

давлат органлари ва бошқа органларнинг қонунга ҳилоф қарорлари, ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳайвон эгалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

47. Ҳайвон эгалари:

ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

давлат ветеринария хизматининг кўрсатмаларини бажариш;

ўзларига тегишли ҳайвонлар касалликларининг олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳўжалик ва ветеринария тадбирларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган тадбирлар бундан мустасно;

касал ҳайвонни даволатиш, зарур бўлган ҳолларда тегишли давлат ветеринария инспекторининг кўрсатмасига кўра унинг сўйилишини ёки йўқ қилинишини белгиланган тартибда таъминлаш;

хайвонларнинг тўсатдан нобуд бўлганлиги ёки ғайриодатий хатти-харакати ҳолатлари тўғрисида тегишли давлат ветеринария хизматини зудлик билан хабардор қилиш;

хайвонларни юқумли касалликлардан муҳофаза этиш бўйича тегишли карантин тадбирлари ва бошқа ветеринария тадбирлари ўтказилишини, шунингдек, тўлиқ ҳажмда даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилишини таъминлаш;

чорвачилик биноларини ҳамда хайвонларни сақлаш учун мўлжалланган бошқа иншоотларни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ сақлаш;

хайвонлар сақланаётган ва боқилаётган объектларда дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

хайвонларни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя этган ҳолда реализация қилишни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси томонидан рўйхатдан ўтказилмаган ветеринария дори воситаларини ва озуқабоп қўшимчаларни хайвонларда қўлламаслик;

сўйиладиган хайвонларни сўйишга доир ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя этиш;

сўйиладиган хайвонларни фақат ихтисослашган сўйиш корхонасида сўйиш (ветеринария врачининг рухсати билан шахсий эҳтиёжи учун ва мажбурий сўйиш бундан мустасно);

хайвонларни давлат ветеринария хизматида рўйхатдан ўтказиш ва идентификация қилиш;

хайвонларнинг идентификация рақамини сақловчи атрибутини ва ветеринария паспорти сақланишини таъминлаш;

хайвонга берилган идентификация рақамини сақловчи атрибути ва ветеринария паспорти учун белгиланган тўловларни амалга оширишга мажбурдир.

Хайвонлар эгаларининг зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

48. Ҳайвон эгалари хайвонларни соғлиғига ва ушбу Низомга мувофиқ сақланишига ҳамда хайвонлар томонидан одамларга етказилган ҳар қандай тарздаги зарар учун жавоб берадилар.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

49. Ушбу Низомга риоя қилинишини назорат қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ички ишлар органлари, давлат ветеринария хизматига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатли органларга юклантилади.

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни
ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ҳайвонларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш
СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
I босқич	Ариза берувчи	Ушбу Низомнинг 27-бандига асосан ҳайвонларни идентификациялаш бўйича давлат ветеринария хизмати вакилига ариза тақдим этади.	Низомнинг 25 ва 26-бандларида белгиланган муддатларда
II босқич	Давлат ветеринария хизмати	Ариза тақдим этилган кундан бошлаб уч кун ичида ҳайвонларни идентификациялаш ишларини амалга оширади. (Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳайвонларини бош сони кўп бўлган тақдирда уларни идентификация қилиш бўйича алоҳида график асосида амалга оширилади). Ҳайвонларни идентификациялаш, ҳисобга олиш ишлари натижасига мувофиқ ветеринария паспортини расмийлаштириш ва электрон ахборот тизимига маълумотларни киритиш.	Ҳайвонларга идентификация рақами берилганидан сўнг уч иш кунини
III босқич	Ариза берувчи	Ушбу Низомнинг 35-бандига асосан ҳайвонларни ҳисобдан чиқариш учун давлат ветеринария хизмати вакилига ариза тақдим этади.	етти кун муддатда
IV босқич	Давлат ветеринария хизмати	Ариза берувчининг мурожаатига асосан ҳайвонларни ҳисобдан чиқариш ишларини амалга оширади. Ҳайвонларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасига мувофиқ тегишли маълумотлар электрон ахборот тизимидан чиқарилади.	икки кун муддатда

Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Профилактика, даволаш ва диагностика ишлари ўтказилган жой:

_____ вилояти
_____ тумани
_____ М.Ф.Й.
_____ кўча _____ уй

**Профилактика, даволаш ва диагностика ишлари ўтказилганлиги тўғрисида
ҚАЙДНОМА**

Т/р	Тадбир ўтказилган сана	Ҳайвон тури	Ҳайвоннинг идентификация рақами	Тадбир номи (даволаш ўтказилганда қўйилган ташхис)	Фойдаланилган ветеринария дори воситаси ва озуқабоп қўшимчалар	Натижа, сана	Ҳайвон эгасининг	
							Ф.И.О. (номи)	Имзоси

Ветеринария врачлари _____
(Ф.И.О., имзо, муҳр)

Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Идентификация рақамини сақловчи қулоқ биркалари, жетонлар турлари ва меъёрлари

Ҳайвонлар учун иссиқ ва совуққа чидамли эластик полимер материаллардан тайёрланган қулоқ биркаси тавсия этилади.

Ҳайвон турига қараб қулоқ биркаси турли хил кўриниш, ранг ва шаклларда бўлиши мумкин.

Қорамоллар учун қулоқ биркасининг пластмасса тури қуйидаги ҳажмда: эни — 57 мм, баландлиги — 77 мм (1-расм).

Туялар учун: эни — 40 мм, баландлиги — 45 мм (2-расм).


Қўй ва эчкилар учун: эни — 37 мм, узунлиги — 41 мм (3-расм).

Чўчқалар учун тугма кўринишидаги биркалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, диаметри 25 мм (4-расм).

1-расм




2-расм



3-расм



4-расм



Қулоқ биркалари ҳайвонларнинг қулоғига биркаларни ўрнатиш техникасига мувофиқ ўрнатилади.

Уй ҳайвонлари учун иссиқ ва совуққа чидамли эластик полимер ва алюминий материаллардан тайёрланган жетон тавсия этилади.

Уй ҳайвонлари учун диаметри 30 мм тугмали жетондан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (5-расм).

5-расм



Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Ҳайвонларни идентификация қилиш учун Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
ҲАРФЛИ КОДЛАРИ**

Ҳарфли кодлар Ҳудуд номи

A	Қорақалпоғистон Республикаси
B	Андижон вилояти
C	Бухоро вилояти
D	Жиззах вилояти
E	Қашқадарё вилояти
F	Навоий вилояти
G	Наманган вилояти
H	Самарқанд вилояти
K	Сурхондарё вилояти
L	Сирдарё вилояти
M	Тошкент вилояти

N	Фарғона вилояти
O	Хоразм вилояти
P	Тошкент шаҳри

Хайвонларни идентификация қилиш, уларни
ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Хайвонлар турининг РАҚАМЛИ КОДИ

Қорамоллар	— 1
Қўй ва эчкилар	— 2
Туялар	— 3
Отлар	— 4
Эшаклар	— 5
Чўчқалар	— 6
Итлар	— 7
Мушуклар	— 8

Ҳайвонларни идентификация қилиш,
уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш
ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Ҳайвоннинг идентификация қилинганлиги тўғрисида
ҚАЙДНОМА

Т/р	Ҳайвон эгасининг			Ҳайвон тўғрисида маълумотлар							Ҳайвон эгасининг имзоси	
	Ф.И.О. (номи)	Манзили	Ташкилий-хуқуқий шакли	Идентификациялаш усули	Идентификация рақами	Ёши (туғилган санаси)	Тури	Зоти	Жинси	Ранги		Лақаби

Давлат ветеринария хизматининг вакили

_____ (имзо, муҳр)

_____ (Ф.И.Ш.)

Қайднома расмийлаштирилган сана «__» _____ 20__ й.

Хайвонларни идентификация қилиш, уларни
ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат ветеринария хизмати

ВЕТЕРИНАРИЯ ПАСПОРТИ

ҲАЙВОН ВЕТЕРИНАРИЯ ПАСПОРТИНИНГ РАҚАМИ

№ 0-0000000*

Ҳайвон идентификация рақамини сақловчи атрибут тури _____

Ҳайвон идентификация рақами _____

_____ вилояти _____ тумани (шаҳар) давлат ветеринария хизмати томонидан 20 ____ йил «____» _____ да берилди.

_____ тумани (шаҳар)
ветеринария бўлими бошлиғи _____
(имзо/муҳр) (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

** рақамлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария қўмитаси томонидан белгиланади.*

I. ҲАЙВОН ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

Ҳайвон тури _____

Зоти _____

Ранги _____

Жинси _____

Ёши _____

Ҳайвон онасининг идентификация рақами _____

II. ҲАЙВОН ЭГАСИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

Фамилияси (субъект номи) _____

Исми _____

Отасининг исми _____

Яшаш (жойлашган) манзили:_____ вилояти, _____ туман, _____ М.Ф.Й.,
_____ кўча, _____ уй.

Ҳайвон эгасининг имзоси _____

**III. ҲАЙВОН ЭГАСИНИНГ АЛМАШИНИШИ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТЛАР**

(давлат ветеринария хизматининг вакили томонидан тўлдирилади)

2-эгаси:

Фамилияси (субъект номи) _____

Исми _____

Отасининг исми _____

Яшаш (жойлашган) манзили:

_____ вилояти, _____ туман, _____ М.Ф.Й.,
 _____ кўча, _____ уй.
 сотдим (ҳадя қилдим) _____
 (имзо) (биринчи эгасининг Ф.И.Ш. ёки субъект номи)

Давлат ветеринария

хизмати вакили _____
 (имзо/мухр) (Ф.И.Ш.)

20__ йил «__» _____

3-эгаси:**Фамилияси (субъект номи)** _____**Исми** _____**Отасининг исми** _____**Яшаш (жойлашган) манзили:**

_____ вилояти, _____ туман, _____ М.Ф.Й.,
 _____ кўча, _____ уй.
 сотдим (ҳадя қилдим) _____
 (имзо) (иккинчи эгасининг Ф.И.Ш. ёки субъект номи)

Давлат ветеринария

хизмати вакили _____
 (имзо/мухр) (Ф.И.Ш.)

20__ йил «__» _____

4-эгаси:**Фамилияси (субъект номи)** _____**Исми** _____**Отасининг исми** _____**Яшаш (жойлашган) манзили:**

_____ вилояти, _____ туман, _____ М.Ф.Й.,
 _____ кўча, _____ уй.

сотдим (ҳадя қилдим) _____
(имзо) (учинчи эгасининг Ф.И.Ш. ёки субъект номи)

Давлат ветеринария
 хизмати вакили _____
(имзо/муҳр) (Ф.И.Ш.)

20__ йил «__» _____

Изоҳ: Ҳайвон эгаси ҳайвони сотиб (ҳадяни) олганда доимий яшаш жойи бўйича давлат ветеринария хизматининг вакилига етти кун ичида ҳайвонни ҳисобга қўйиш учун мурожаат қилишга мажбур.

IV. ҲАЙВОННИНГ СЎЙИЛИШИ

Мен ҳайвон эгаси _____
(Ф.И.Ш. ёки номи)

идентификация рақами № _____ бўлган ҳайвонни сўйиш
 учун топширдим _____
(имзо) (сана)

_____ вилояти, _____ тумани, _____ М.Ф.Й.,
 _____ кўча, _____ уй манзилига _____ ихтисослашган
(номи)

сўйиш корхонаси раҳбари (вакили)/идентификация рақами № _____
 бўлган ҳайвоннинг сўйилганлигини тасдиқлайман.

_____ (лавозими) _____ (имзо/муҳр) _____ (Ф.И.Ш.)

20__ йил «__» _____

Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни
ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**Ҳайвон сўйилганлиги тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА Ф200 № _____**

Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаким, ҳайвон эгаси _____
(Ф.И.Ш. (номи))

идентификация рақами № _____ бўлган ҳайвонни
_____ вилояти, _____ тумани, _____ М.Ф.Й.,
_____ кўча, _____ уй манзилидаги _____ иxtисослашган
(номи)

сўйиш корхонасида сўйилди.

Дастлабки кўрик натижалари:

Нимта оғирлиги: _____ кг
гўшти кўрикдан ўтказиш натижалари: _____

Ички аъзоларини (ўпка, жигар, буйрак, талоқ ва шу кабилар) кўрикдан
ўтказиш натижалари: _____

Аниқланган паразитар касалликлар:

Юқумли касалликларга гумон қилиниши:

Амалга оширилган чоралар:

Иxtисослашган сўйиш корхонаси

ветеринария врачлари _____
(имзо) (Ф.И.Ш.)

20__ й. «__» _____

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

1058 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олмалиқ КМК» АЖнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ–3280-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олмалиқ КМК» АЖнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ–3280-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 сентябрь,
749-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 сентябрдаги 749-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «2017 йилги пудрат қурилиш ишлари дастури тўғрисида» 2016 йил 30 декабрдаги 423-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 1-сон, 16-модда):

а) 2.6-иловада:

жадвал сарлавҳасидан кейин биринчи — ўнинчи сатрлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

	ЖАМИ		20 965,3	3 775,6		
	<i>шу жумладан:</i>					
	<i>янги қурилиш</i>		<i>13 248,9</i>	<i>2 905,2</i>		
	<i>модернизация ва реконструкция</i>		<i>5 141,5</i>	<i>833,4</i>		
	<i>бошқа йўналишлар</i>		<i>2 574,9</i>	<i>37,0</i>		
	<i>улардан:</i>					
I.	Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси, жами		14 842,7	1 947,7		
	<i>янги қурилиш</i>		<i>9 334,1</i>	<i>1 626,9</i>		
	<i>модернизация ва реконструкция</i>		<i>3 330,3</i>	<i>283,8</i>		
	<i>бошқа йўналишлар</i>		<i>2 178,3</i>	<i>37,0</i>		

»;

74-позициядан кейин «Олмалиқ КМК» АЖ» ва «янги қурилиш» сатрлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

	Олмалиқ КМК		384,9	65,1		
	<i>янги қурилиш</i>		<i>334,2</i>	<i>59,1</i>		

»;

77, 80 ва 81-позициялар чиқариб ташлансин;

б) 3.8-иловада:

жадвал сарлавҳасидан кейин биринчи — ўнинчи сатрлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

	ЖАМИ		3 085,1	800,9		
	<i>шу жумладан:</i>					
	<i>янги қурилиш</i>		<i>1 087,4</i>	<i>189,3</i>		
	<i>модернизация ва реконструкция</i>		<i>1 961,8</i>	<i>608,9</i>		
	<i>бошқа йўналишлар</i>		<i>35,9</i>	<i>2,7</i>		
	<i>улардан:</i>					
I	Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси, жами		1 310,1	579,7		
	<i>янги қурилиш</i>		<i>534,0</i>	<i>85,0</i>		
	<i>модернизация ва реконструкция</i>		<i>740,2</i>	<i>492,0</i>		
	<i>бошқа йўналишлар</i>		<i>35,9</i>	<i>2,7</i>		

»;

25-позициядан кейин «Олмалиқ КМК» АЖ» ва «янги қурилиш» сатрлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

	Олмалиқ КМК		37,7	5,1		
	<i>янги қурилиш</i>		<i>36,0</i>	<i>4,7</i>		

»;

26, 27 ва 31-позициялар чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий зоналарида импорт ўрнини қоплайдиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги 110-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҚТ, 2017 й., 9-сон, 133-модда) 1-иловада:

а) жадвал сарлавҳасидан кейин «Жами» ва «Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси» сатрлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

	Жами (171 лойиҳа):			1 061,3	424,3	316,0	321,0		12 356	
	Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси			312,9	176,3	52,6	84,0		2 072	

»;

б) 10-позициядан кейин «Олмалик КМК» АЖ сатри қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

	«Олмалик КМК» АЖ			25,2	8,0	3,0	14,2		160	
--	-------------------------	--	--	-------------	------------	------------	-------------	--	------------	--

»;

в) 11, 12 ва 15-позициялар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1059 Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқларни тўлаш тартибини такомиллаштириш, шунингдек Жиззах вилояти маҳаллий бюджетининг даромад қисмини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг барча зарур солиқларнинг тўлиқ йиғилиши, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарадорлигини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги 105-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга қўйидаги мазмундаги 9¹-банд қўшилсин:

«9¹. Юридик шахс алоҳида бўлинма бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисобини алоҳида юритган тақдирда, юридик шахс қўшилган қиймат солиғи суммасини товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилиш бўйича солиқ солинадиган айланмадан келиб чиққан ҳолда ҳамда ҳар бир алоҳида бўлинма бўйича ҳисобга олинмадан қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш ҳуқуқига эга бўлади».

2. Белгилаб қўйилсинки, «Олмалиқ КМК» АЖ Зафаробод цемент заводи бўйича алоҳида ҳисоб юритади ва қўшилган қиймат солиғини алоҳида бўлинма жойлашган жойда тўлайди.

3. «Олмалиқ КМК» АЖ қўшилган қиймат солиғини алоҳида бўлинма жойлашган жойда тўлаш учун Зафаробод цемент заводи бўйича қўшилган қиймат солиғи ушбу қарорга мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу қарорга мувофиқ «Олмалиқ КМК» АЖнинг Зафаробод цемент заводи бўйича солиқ мажбуриятларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров, Ғ.И. Ибрагимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 сентябрь,
751-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ****1060 «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475-3

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2777-сон «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 27 майдаги 2013-26-сон қарори (рўйхат рақами 2475, 2013 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 349-модда) билан тасдиқланган Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 август,
2017-43-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил
14 августдаги 2017-43-сон қарорига
ИЛОВА

**Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган
солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартибини белгилайди.»

2. 3-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китобларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумотларни ўрганиш доирасида текшириш ўтказиш зарурати юзага келса, давлат солиқ хизмати органи қисқа муддатли текшириш ўтказишга рухсат беришни сўраб Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига белгиланган тартибда мурожаат қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, назорат-касса машиналарини, ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш, шунингдек ўрнатилган тартибда талон ва чеклар бериш, нақд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан ўтказиладиган текширишлар бўйича Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг рухсатини олиш талаб этилмайди.»

3. 4-банддан «ёки унинг тегишли ҳудудий комиссиялари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 21-банддаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидаларида (рўйхат рақами 2007, 2009 йил 16 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 38-сон, 422-модда)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларида (рўйхат рақами 2850, 2016 йил 22 декабрь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2017 йил 14 август

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2017 йил 14 август

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2017 йил 14 август

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

1061 Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш
транспортининг ноллик масофаларини ўлчаш тар-
тиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2931*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 март-
даги 129-сон «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривож-
лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нол-
лик масофаларини ўлчаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тас-
диқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач
кучга киради.

Бошлиқ ўринбосари

Ш. ШОВАҲОБОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 21 август,
65-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғининг
2017 йил 21 августдаги 65-сон буйруғига
ИЛОВА

**Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш
транспортининг нолик масофаларини ўлчаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги 129-сон «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолик масофаларини ўлчаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
автобус — йўловчиларни, бағажни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда 8 тадан ортиқ ўриндиққа эга бўлган автотранспорт воситаси;

автобус йўналиши масофаси — автобус томонидан биринчи йўловчи ўтказиш пунктидан йўловчи тушириш охириги пунктигача босиб ўтилган масофа;

йўналиш — йўналишли автобуснинг муайян манзиллар оралиғида белгиланган қатнов йўли;

йўналиш схемаси — йўналишнинг шартли белгилар қўйилган график тасвири;

шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолик масофаси — автобус томонидан ташувчи автосаройидан биринчи йўловчи ўтказиш пунктигача ва йўловчи тушириш охириги пунктидан ташувчи автосаройигача босиб ўтилган масофа;

ўлчов комплекси — транспорт босиб ўтган йўл масофасини ўлчаш учун ишлатиладиган ва синов транспортига ўрнатиладиган рақамли-аналог ҳисоблагичлар.

2. Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолик масофаларини ўлчаш (бундан буён матнда ўлчаш деб юритилади) транспортнинг босиб ўтган йўли масофасини транспортдан мустақил бўлган ўлчов комплексини қўллаган ҳолда объектив ва аниқ маълумот олиш учун ўтказилади.

3. Ўлчаш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган

синов лабораториялари (бундан буён матнда синов лабораториялари деб юритилади) томонидан ўтказилади.

4. Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолик масофаларини транспортларнинг спидометрлари ёки тахограф кўрсаткичлари бўйича ўлчаш тақиқланади.

2-боб. Ўлчашни ўтказиш

5. Ўлчаш йўналиш схемасида белгиланган пунктлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун амалга оширилади.

6. Масофаларни ўлчаш ва натижаларни ёзиб бориш узлуксиз ва автоматик равишда амалга оширилади.

7. Ўлчов комплекси транспорт ҳаракати параметрларини ёзиб борилишини ва уни кейинчалик статистик қайта ишлаш учун сақлаб борилишини таъминлаши шарт.

8. Йўналишдаги ўлчаш натижалари мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган шакллар бўйича расмийлаштирилади.

9. Ўлчашлар қуйидаги шароитларда ўтказилади:

куннинг ёруғ вақтида;

қурук йўлда;

йўлда қор ва муз бўлмаганда.

10. Ўлчашни ўтказиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

йўналишда ўлчашни ўтказиш;

маълумотларни ёзиб олиш;

ўлчаш баённомасини расмийлаштириш.

11. Шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолик масофаларини ўлчаш транспорт сақлаш автосаройининг йўналишга чиқиш дарвозасининг чизигидан йўналиш схемасидаги биринчи пунктгача ва охириг пунктдан ташувчи автосаройининг дарвозаси чизигигача босиб ўтган йўл масофасини ўлчаш билан аниқланади.

12. Ташувчи автосаройи дарвозасининг чизиги нолик масофани ўлчашнинг бошланғич ва охириг нуқтаси ҳисобланади.

3-боб. Ўлчаш натижаларини ҳисобини юритиш

13. Ўлчаш натижаларини ҳисоби синов лабораториясининг ўлчаш натижаларини ҳисобга олиш журналида (бундан буён матнда журнал деб юритилади) қайд этиб борилади. Журнал бетлари рақамланган, ип ўтказилган, синов лабораторияси жавобгар шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

14. Журналга қуйидагилар киритилади:

йўналишнинг номи;

ўлчашлар ўтказилган сана ва унинг давомийлиги, ўлчашларни ўтказган ходимларнинг лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми;

ўлчаш натижасига кўра олинган барча маълумотлар.

15. Ўлчашларни амалга оширган мутахассис журналга ёзувлар киритганидан сўнг журналнинг ҳар бир варағига ёзув киритилган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт.

16. Журналга маълумотлар киритишда хатоларга йўл қўйилган тақдирда, тегишли тузатишлар киритилиши зарур. Тузатишлар ўлчашни амалга оширишга мутахассиснинг имзоси билан тасдиқланиши лозим.

17. Журнал тўлдирилгандан сўнг, масъул ходим уни синов лабораторияси раҳбарига сақлаш учун топширади.

4-боб. Ўлчаш натижаларини расмийлаштириш

18. Ўлчаш натижалари журналга киритилган маълумотлар асосида баённома тузиш орқали расмийлаштирилади.

Баённома синов лабораторияси мутахассислари ва ташувчи раҳбари ёки ташувчининг ўлчашда қатнашган вакили томонидан имзоланади.

19. Ўлчаш натижалари бўйича синов лабораторияси ҳисобот расмийлаштиради.

20. Ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:
ташувчи тўғрисида маълумотлар;
ўлчашни ўтказиш шароитлари;
йўналиш номи;
йўналиш схемаси;
мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган шаклларга мувофиқ ўлчашдан олинган якуний натижалар;
ўлчаш натижалари бўйича баённома.

21. Ҳисобот икки нусхада тайёрланади. Биринчи нусхаси ташувчига берилади, иккинчи нусхаси синов лабораториясида қолади.

5-боб. Якуний қоида

22. Мазкур Низом «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти билан келишилган.

«Ўзстандарт» агентлиги
Бош директори

А. ХАИТОВ

2017 йил 1 август

Савдо-саноат
палатаси раиси

А. ИКРАМОВ

2017 йил 14 август

*Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи
транспортининг барча турлари ҳаракатини
лицензиялаш ва мувофиқлаштириш
департаменти бошлиги в. в. б.*

Ф. МИРЗАЕВ

2017 йил 27 июль

Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи
ташиш транспортининг нолик масофаларини
ўлчаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Автобус йўналишлари масофаларини ўлчаш НАТИЖАЛАРИ

Т/р	Йўналиш ва тўхташ жойларининг номи	Масофа, км	Юрилган кўчалар номи	Қатнов йўли ҳақида маълумотлар (кўприк йўли, тоннель, темир йўл кесишмаси ва бошқалар)	Изоҳ
1.					
2.					
3.					
...					

Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи
ташиш транспортининг нолик масофаларини
ўлчаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Шаҳар йўловчи ташиш транспортининг нолик масофаларини ўлчаш НАТИЖАЛАРИ

Т/р	Ўлчаш тури	Нолик масофа, км	Юрилган кўчалар номи	Юрилган йўл ҳақида маълумотлар (кўприк йўли, тоннель, темир йўл кесишмаси ва бошқалар)	Изоҳ
1.	Автосаройдан йўналишнинг бошланғич пунктигача бўлган нолик масофа				
2.	Йўналишнинг бошланғич пунктидан автосаройгача бўлган масофа				
3.	Автосаройдан йўналишнинг охирги пунктигача бўлган нолик масофа				
4.	Йўналишнинг охирги пунктидан автосаройгача бўлган масофа				

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1063 «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ-2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1945, 2009 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 217 модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 сентябрь,
128-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 4 сентябрдаги
128-сон буйруғига
ИЛОВА

«Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**».

2. 1-иловада:

«ХХТУТ» ва «ОКОНХ» деган қисқартмалар тегишлича «ИФУТ» ва «ОКЭД» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

350, 1100 сатрлардаги «Бюджетга» ва «бюджет» деган сўзлар тегишлича «Давлат бюджетига» ва «Государственный бюджет» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1210 сатрдаги «Қисқа муддатли» ва «краткосрочный» деган сўзлар тегишлича «Оператив» ва «оперативной» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1300 сатрда «Узоқ муддатли» ва «долгосрочной» деган сўзлар тегишлича «Молиявий» ва «финансовой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.П. / М.Ў.» қисқартмасидан кейин «(при наличии печати / муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 2-иловада:

«ХХТУТ» ва «ОКОНХ» деган қисқартмалар тегишлича «ИФУТ» ва «ОКЭД» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

190 ва 240 сатрлардаги «Узоқ муддатли» ва «долгосрочной» деган сўзлар тегишлича «Молиявий» ва «финансовой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи жадвал номидаги «БЮДЖЕТГА» ва «БЮДЖЕТ» деган сўзлар тегишлича «ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА» ва «ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

480 сатр қуйидаги тахирда баён этилсин:

<p>« Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар Обязательные отчисления в Фонд развития материально-технической базы образовательных и медицинских учреждений при Министерстве финансов Республики Узбекистан</p>	480		
---	-----	--	--

»;

520 ва 530 сатрлардаги «Бюджетга» ва «бюджет» деган сўзлар тегишлича «Давлат бюджетига» ва «Государственный бюджет» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.П. / М.Ў.» қисқартмасидан кейин «(при наличии печати / муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 4-иловада:

«ХХТУТ» ва «ОКОНХ» деган қисқартмалар тегишлича «ИФУТ» ва «ОКЭД» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

270 сатрдаги «Узоқ муддатли» ва «долгосрочной» деган сўзлар тегишлича «Молиявий» ва «финансовой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.П. / М.Ў.» қисқартмасидан кейин «(при наличии печати / муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 5-иловада:

«ХХТУТ» ва «ОКОНХ» деган қисқартмалар тегишлича «ИФУТ» ва «ОКЭД» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

«М.П. / М.Ў.» қисқартмасидан кейин «(при наличии печати / муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 7-иловада:

8-банднинг «б» кичик бандидаги «ХХТУТ» деган қисқартма «ИФУТ» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Молиявий ҳисоботни тузишда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш масалалари бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш лозим.»;

13-банд «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Асосий воситалар, баланснинг «Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати» моддасида (сатр 010), ҳисоби (0100) асосий воситаларни ҳисобга олувчи ва 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётларда олиб бориладиган ўз асосий воситаларининг (амалдаги ҳамда консервация қилинган) ва молиявий ижарага олинган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича кўрсатилади.»;

иккинчи хатбошидаги «Узоқ муддатли» деган сўзлар «Молиявий» деган сўз билан алмаштирилсин;

27-банддаги «узоқ муддатли» деган сўзлар «молиявий» деган сўз билан алмаштирилсин;

28-банддаги «Узоқ муддатли ижара» ва «узоқ муддатли ижара» деган сўзлар тегишлича «Молиявий ижара» ва «молиявий ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36-банднинг биринчи хатбошидаги «бюджет» деган сўз «Давлат бюджети» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

52-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. «Давлат бюджетига бўнак тўловлари» моддаси (сатр 350) бўйича Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари ва ортиқча тўловлар кўрсатилади. Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловларининг ҳисоби 4410-счёт «Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»да олиб борилади.»;

53-банддаги «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

56-банддаги «узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича жорий тўловлар, қисқа муддатли» деган сўзлар «молиявий ижара (лизинг) бўйича жорий тўловлар, оператив» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

69-банднинг иккинчи хатбошисидаги «бюджетга» деган сўз «Давлат бюджетига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

129-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«129. «Давлат бюджетига тўловлар бўйича қарз» моддаси (сатр 1100) бўйича 6410-счёт «Давлат бюджетига тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»да ҳисобга олинган Давлат бюджетига тўловларнинг барча турлари, шунингдек жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммаси бўйича суғурталовчининг қарзи кўрсатилади.»;

137-банддаги «қисқа муддатли» деган сўзлар «оператив» деган сўз билан алмаштирилсин;

140-банддаги «қисқа муддатга ижарага олинган асосий воситалар» деган сўзлар «оператив ижарага олинган асосий воситалар» деган сўз билан алмаштирилсин;

140⁹-банд «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

152-банддаги «депозитарий» деган сўз «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

154-бандда «қисқа муддатли» деган сўзлар «оператив» деган сўз билан алмаштирилсин;

159-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«159. «Молиявий ижара (лизинг)дан даромадлар» моддаси (сатр 190) бўйича ҳисоби 9550-счёт «Молиявий ижарадан даромадлар»да олиб бориладиган, мулкни молиявий ижарага (лизингга) беришдан олинган даромадлар акс эттирилади.»;

164-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«164. «Молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар» моддаси (сатр 240) бўйича ҳисоби 9610-счёт «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»да олиб бориладиган, молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.»;

173-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«173. Давлат бюджетига тўловлар тўғрисида маълумотнома»да (сатр 330 – 530) суғурталовчилар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган ва тўланадиган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари бўйича Давлат бюджетига ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар кўрсатилади. Ушбу маълумотномада 530-сатр бўйича суғурталовчилар томонидан ҳисобот даври учун ҳисобланган ва тўланган Давлат бюджетига солиқлар ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар жами суммаси кўрсатилади.»;

201-банддаги «бюджетга» деган сўз «Давлат бюджетига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

214-банддаги «Узоқ муддатли» деган сўзлар «Молиявий» деган сўз билан алмаштирилсин;

231-банднинг «е» кичик бандида «бюджетдан» деган сўз «Давлат бюджетидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 16 сентябрдан 22 сентябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 14 августдаги 2017-43-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475-3.

2. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2017 йил 21 августдаги 65-сон «Автобус йўналишлари ва шаҳар йўловчи ташиш транспортининг ноллик масофаларини ўлчаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2931 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2017 йил 28 августдаги 2017-07-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-7.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 4 сентябрдаги 128-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-3.